

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Архитектура-қурилиш институти
«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: _____

РУСТАМОВ КАМОЛИДДИН ЗИЁДУЛЛА ўғли

**ЭТНОТУРИЗМ ДОИРАСИДА КИЧИК МЕЪМОРИЙ
ШАКЛЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

Мутахассислик: 5А150901–“Дизайн (ландшафт)”

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.

Илмий раҳбар О.Салимов

№ _____ 2016й.
«Интерьер ва ландшафт дизайни»
кафедраси мудири
_____ доц. А.В.Ветлугина

Тошкент -2016

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1 - БОБ. Тошкент вилоятишаҳарсозлиги ва меъморлигининг шаклланиши.....	9
1.1. Тошкент вилоятининг географик характеристикаси.....	9
1.2. Тошкент вилояти тарихи.....	11
1.3. Шаҳарсозлик ва меъморий-маданий обидалар.....	30
1-боб хулосаси.....	50
2 - БОБ. Этнотуризмни ривожлантиришда кичик архитектуравий ечимларни қўллаш тамойиллари	51
2.1. Кичик меъморий шаклларни қўллаш тамойиллари	51
2.2. Объектларнинг дизайн ва ландшафт ечими	54
2.3. Тарихий-маданий ёдгорликлардан фойдаланиш ечими.....	66
2-боб хулосаси.	70
3 – БОБ. Тошкент вилоятнинг сайёҳлик имкониятини ошириш тамойиллари ва уларга таклифлар.	71
3.1. Туристик маршрутни шакллантиришнинг ўзига хос тамойиллари	71
3.2. Этнотуристик объектларда кичик меъморий шакллар лойиҳасига таклиф ва тавсиялар	85
3.3. Чорвоқ сув омбори ҳудудида этнотуристик база лойиҳаси таклифи.....	93
3-боб хулосаси.....	97
ХУЛОСА.....	98
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101
Иловалар	104-115

КИРИШ

*"... ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор
ғўзал ёдгорликлар қолдирган аجدодларимиз
меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш,
руҳи покларини шод қилиш, эзгу-ниятларини
давом эттириш биз учун бугунги авлод учун
ҳам фарз, ҳам қарздир...."*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашга бўлган эътиборлари сабабли, мамлакатимизда барча маданий ёдгорликлар қайта таъмирланиб, яхши ҳолатга келтирилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихий маданий ёдгорликлар ва шаҳарсозлик мажмуалар қайта тикланиб, мамлакатимизнинг кўркига айланиб бормоқда.

Ушбу йўлда Олий Мажлис томонидан 30.08.2001 йилда “Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш” бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб ва шу билан бирга 04.04.2002 йилда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси” ишлаб чиқилди. Булар ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун-қоидаларни ўз ичига олган.

Мавзунинг долзарблиги. Тарихий ва маданий ёдгорликларнинг жамиятимизга хизмат қилишини яхши йўлга қўйиш, уларни тарихий ва бадиий аҳамиятини йўқотмаган ҳолда асраш, ҳозирги замон талаблари асосида келажак авлод учун ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда, чунки ноёб ёдгорликлар у ёқда турсин, эгасиз, одамсиз қолган ҳар қандай бинонинг ҳам тезда файзи кетиб, ночор аҳволга тушиб қолиши муқаррардир. Шунинг учун тарихий ва маданий ёдгорлик обидалари фақат кўз-кўз қилинадиган бойлик бўлиб қолмасдан, у инсон билан бевосита мулоқотда бўлишини талаб қилади.

Маълумки, Ватанимизнинг қадимий меъморчилик ёдгорликлари, халқ усталари маҳоратлари, кўп миллатли маданиятнинг этнографик хусусиятлари, табиий иқлим - шароитининг турли-туманлиги, ландшафтлар бойлиги ва бошқа жиҳатлари катта қизиқиш ўйғотади ва чет эл сайёҳлиги ривожига имкон яратади. Бой тарихий ва маданий мерос, шунингдек, янги шаҳарлар, улкан қурилиш, бинолар ва иншоотларда ўз ифодасини топаётган ҳозирги давр ютуқлари республикамызда сайёҳлик саноатини халқ хўжалиги соҳалари каби ривожланиши учун битмас-туганмас имконият касб этади.

Тошкент вилоятида тарихий ва маданий обидалар, қадимшунослар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари, айрим ёдгорликлар таъмир лойиҳалари ва бошқа материаллар шу вақтга келиб ҳам жамланмаган ва этнотуризм соҳасида ўз тадқиқотчисини топмаган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Тошкент вилояти шаҳарсозлик ва архитектура маданияти тарихини кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган, бир неча мақолалар ва китоблар чоп этилган. Г.А.Пугаченкова, М.С.Булатов, А.А.Зияев, А.А.Зияев В.А.Нильсен, Л.Ю.Маньковская, Ш.Д.Асқаров, П.Ш.Зоҳидов, Т.Ф.Қодирова, Х.Ш.Пўлатов ва бошқа олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Лекин давлат архивларида Тошкент вилояти ва обидаларининг ўлчов чизмалари, қадимшуносларнинг тадқиқот ҳисоботлари, айрим таъмир лойиҳалари ва бошқа материаллар шу вақтга келиб ҳам жамланмаган ва ўз тадқиқотчисини топмаган. Шунингдек вилоятнинг этнотуристтик ечими ҳозиргача ечилмаган.

Бўстонлиқ туманининг тоғли қисмида XX аср бошларида “Табиий берк кўча” (тумани) деб характерланган. Бу жойлар турли мақсадларда, турли мутахассислар томонидан ўрганилган. Туманнинг тарихи ҳақида ҳеч қандай ёзма маълумотларнинг йўқлиги археологик изланишлар натижасининг аҳамияти жуда муҳим эканини билдиради. Жиддий тадқиқот ишларни шарқшунос В.В.Бартольд олиб борган (Туркистон

мўғул босқини даврида. Т.,1900 й.). Чирчиқ ва Оҳангарон туманидаги олиб борилган қазилма ишлари, ўрта асрга таълуқли буюмлар ва шаҳар қолдиқлари аниқланган. Шу билан бирга ўрта асрларга таъаллуқли Нажим шаҳри ҳозирги Нанай қишлоғи ўрнида жойлашганлигини айтиб ўтган. В.В.Бартольд араблар ўз туманларини босқинчилардан ҳимоя қилиш мақсадида Сойлиқдан бошлаб девор кўтарганликларини ҳам айтиб ўтган. Бу жой ҳали хануз ўз номи билан аталиб келмоқда. Туманда илк тадқиқотларини олиб борган олим зоолог Н.А.Северцевдир. 1866 йилда Бурчмулла туманда Пскем ва Угам водийларида бўлган. И.В.Мушкетов 1876 йилда геолог Ўрта Осиё туманлари билан бир қаторда Пскем водийсини ҳам ўрганган. 1879 йил туманга геолог Д.Л.Иванов, 1885 йил Француз миссионери Т.Капю, 1885 йил Н.И.Веселовскийлар ташриф буюришган.

Петербург Университети томонидан махсус, Туркистонни ўрганиб, “тарихий материаллар йиғиш” мақсадида шарқшунос Васильевский бу ажойиб туманга ташриф буюрган. У бир неч археологик қазилма ишларини олиб борган. 1897 йилда Н.Г.Маллицкий Хожакентнинг қабр тошларини ўрганган. Шу йили Б.А.Федченко ҳам ўзининг илмий тадқиқот ишларини олиб борган. 1902 йилда эса яна бир экспедицияни олиб борган. О.А.Шкапский Пскент ва Майдонтол водийларида яшовчи аҳолининг яшаш тарзи ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

1906 йилда В.И.Лепский Хожакентда бўлган ва ғаройиб чинорга аҳамият берган, Ҳозиргикунда Чинор йўқ ундан фақатгина танаси қолган. Дарахт танаси ораси лой билан қопланган ва майдонча қилинган.

1913-1914 йилларда ҳаваскор археолог И.Кастанье Угам бўйлаб жойлашган ғорларда тадқиқотлар олиб борган. Тўғри Тошкентга олиб чиқадиган ер ости йўллари ҳақида ва номаълум хазиналар қазилмаси ҳақида афсона ёзган. 1924 йил Археолог М.Е.Массон Хожикент қабристонида изланиш — тадқиқот ишларини олиб борган, аммо бу маълумотлар ва тадқиқот натижалари чоп этилмаган.

1923 йилда Бурчмулла атрофини археолог И.А.Сухарев ўрганган. Унинг калам чизгилари, расм ва суратлари қисман Ўзбекистон тарихий музейи архивида сақланиб қолган.

1949 йил тумандаги тадқиқот изланишларни олиб бориш учун А.К.Кабиров бошчилигида Қирғизистон археологлари жалб қилинган. 1951 йилгача улар кўплаб шаҳар қолдиқларини топганлар. 1957 йил Г.В.Парфенов бошчилигидаги ёш археологлар гуруҳи Хожикентда ибтидоий одам излари бўлган ғорни очганлар.

1957 йилда ТошДУнинг “Археология” кафедраси ходимлари Нанай кишлоғида ҳам изланишлар олиб борганлар. 1958 йили Хожакентда Т.Аъзамхўжаев кўрғонларни қазилар ишларини олиб борган. Уам атрофида 7 та кўрғон Қизилсувда эса 8 та кўрғон, Оқтош тоғларида Узумсойнинг юқори қисмларида 200 дан ортиқ петроглифлар топилган. 1958 -1959 йиллари А.П.Окладникова бошчилигида археолог олимлар гуруҳи Хожакентда топилган ғор петроглифлар ва кўрғонларда изланишлар олиб бордилар. 1962 йил туманни ТошДУ “Археология” кафедраси ходимлари ўрганганлар. А.Р.Мухаммаджонов бошчилигидаги гуруҳ тош асри қолдиқларини очганлар. Обираҳматда археология ишларига 1963 – 1970 йилларда Я.Т.Ғуломов раҳбарлик қилган. 1960 йил сув омбори атрофидаги қурилиш зонасида Чирчиқ дарёсини ҳамда археологик объектларни яхшилаб ўрганиш мақсадида махсус археологлар гуруҳи тузилган. Пскем қишлоғи ва Пскем дарёси атрофларида, Кўксув дарёси Галвачон дарёси, Чирчиқ шаҳри, Чирчиқ дарёси атрофини ўрганганлар ва 150 дан ортиқ тарихий ёдгорликларни аниқлаганлар. 1964–1965 йилларда Оқсоқсой ғоридаги тош аср қолдиқлари топилган жойда, Бурчмуллада, Қодават тепада, Жар тепада, Тўрткўл тепада Боғистонда, Чотқол ва Пскемнинг қуйими қисмида Чотқол дарёсининг ўнг ва Бурчимулланинг қирғоғида Юсуфхонада қазилар ишлари олиб борилган.

1968 йилда Кадоват тепада тадқиқот ишлари давом эттирилган шу билан бирга Чирчиқ Ғазалкент водийларидаги обидалар ва ёдгорликларни

ўрганишни давом эттиришган. 1971 йилда Чимбойлик тепада ҳам ўрганиш мақсадида тадқиқот, қазилма ишлари олиб борилган.

1972 – 1973 йилларда Юмалоқ тепа ёдгорликлари қазиб ўрганилган. Археология ишларида Х.К.Насриддинов, Ю.Ф.Буряков, А.А.Асқаров, И.А.Ахроров, Х.И.Дукей, Э.Ю.Бурякова, Ш.Х.Тошхўжаев, О.М.Ростовцев, В.И.Спришевский, Д.Т.Зильпер, М.Р.Қосимов, А.Х.Тошкенбоевлар иштирок этган. Археологик ишларга илмий раҳбарлик академик Я.Ғуломовга топширилган эди.

XX асрнинг охириги йилларида археологлар ва тарихчи олимлар Тошкент атрофидаги жойларда ғоят муҳим қазилма ишлари ўтказганлар, жумладан: бутун дунёга машҳур М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Я.Ғ.Ғломов, А.Асқаров, М.И.Филанович, М.Т.Аминжонова, В.Л.Вяткин ва бошқалар.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси: Тошкент вилоятининг шаҳарсозлиги ва меъморчилигини ўрганган ҳолда унинг этнотуристлик имкониятини янада ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳулосалар чиқариш, археологик обидаларни архив материалларидан фойдаланган ҳолда ва натурада мукаммал тадқиқ этиш. Ландшафт-рекреацион қисмлар ва туристик маршрутларни ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш. вазифалари:

- Тошкент вилояти архитектураси ва шаҳарсозлигининг шаклланиш тарихини ўрганиш;
- Тошкент вилояти археологик ва меъморий мажмуаларнинг шаклланиши ва уларнинг архитектуравий ечимларини таҳлил қилиш;
- Тошкент вилоятининг этнотуристлик объектларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;
- Вилоятда дам олиш зоналари лойиҳасига таклифлар бериш;

Тадқиқот объекти. Диссертация ишининг тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилоятининг эътиборга молик жойлари ва этнотуристлик объектилари олинган.

Тадқиқот предмети. Тошкент вилояти тарихий кадамжолари ва этнотуристтик объектлари тадқиқот предмети ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Адабиёт манбаларини умумлаштириш ва таҳлил қилишга, ўрганишга асосланган. Муаллиф томонидан китобий манбалар бирлаштирилгандан сўнг Тошкент вилоятининг туристик имкониятини чуқур ўрганиш, фоторасмга туширишлар, шу соҳага оид мутахассислар билан сўровлар ўтказиш ва лойиҳа институтларидан чизмалар олиб уларни таҳлил қилишга асосланган.

Тадқиқотни бажаришнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари шаҳарсозлик реконструкцияси бўйича лойиҳавий ечимларнинг асосланганлиги ва эффективлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Тошкент вилояти шаҳарсозлиги ва ундаги меъморий обидалар;
- Вилоятнинг туристик маршрути ишлаб чиқилади;
- Этнотуристтик объектларда кичик меъморий ҳажмлар ва ландшафт ечими;
- Дам олиш зонаси лойиҳаси.

1 – БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРСОЗЛИГИ ВА МЕЪМОРЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Тошкент вилоятининг географик характеристикаси

Қадимдан Ўзбекистоннинг қадимий архитектураси ва меъморий обидалари кўплаб туристларни ўзига жалб этиб келади. Юнесконинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари айниқса юртимиз меҳмонларида катта қизиқиш уйғотади.

Тарихий – меъморий шаҳарларнинг архитектура мажмуалари қулай жойлашганига қарамай уларни зиёрат этиш 4-5 кун талаб қилади. Шу сабабдан юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар халқаро Тошкент аэропортидан Самарқандга шошадилар.

Юртимизда жойлашган 4 мингдан ортиқ обидаларнинг 70% дан ортиғи сайёҳлик марказларининг чегарасидан ташқарида жойлашган. Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларидан баъзилари сайёҳлик маршрутларини ташкиллаштиришнинг диққат марказидан четда қолмоқда.

Шу жумладан Тошкент вилояти. Бу ерда мағрурланиш ва кўрсатишга арзийдиган жойлар жуда ҳам кўпдир.

Тошкент вилояти Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг соҳилида Ўзбекистоннинг шимолий – шарқда жойлашган бўлиб, майдони 15,2 минг км², жанубий - ғарбдан шимолий – шарқгача бўлган масофа 310 км масофага чўзилган. Вилоят майдонининг 55%и текисликдан, қолган қисмлари эса тепалик ва тоғликлардан иборат. Вилоятнинг шимолий ва ғарбий қисми Тяншан денгиз сатҳидан баландлиги – 273дан 3789 метргача, энг баланд чўққиси Акшам тоғи (денгиз сатҳидан 3789м баландликда). Аҳолиси 2,5 млн дан ортиқ бўлиб: Ўзбеклар 80%, Тожик, Қозок, Руслар ва бошқа миллат вакилари қолган қисмини ташкил этади. Вилоят 15 туманга бўлинган: Бекабот, Бука, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Чиноз, Юқори -Чирчиқ, Ўрта - Чирчиқ, Қуйи – Чирчиқ, Қибрай ва Янги йўл.

Вилоятнинг ката шаҳарларидан: Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Бекобот, Янги йўл, Паркент, Пискент, Оҳангарон, Келес, Чиноз. Вилоят Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Вилоятнинг кўп қисми Сирдарё бўйлаб тоғ олди текисликларидан иборат. Иқлимида намлик мавжуд, қиш нисбатан юмшоқ ва узок, ёзи қуруқ. Ўртача ҳарорат январда - 1,3дан -1,8С, июлда 26,8. Ёғингарчилик йилига 250мм, тоғ олди тепаликларида 350-400мм, тоғли жойларда – 500мм. Ёғингарчилик асосан боҳорда қор тоғда мустаҳкам. Асосий сув манбайи Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидир, экинларни суғориш ва гидроэнергетикада ишлатилади. Ўзбекистоннинг энг ката дарёларидан бири Сирдарё ҳам шу ҳудуддан ўтади. Дарё соҳили бўйлаб 160км ни ташкил этади. Сунъий сув омборлари ҳам кўп. Улардан энг каттаси – Чорвоқ (1600 куб. метр). Ундан ташқари Таш.Море ва Ангрен сув омборларидир. Текисликдаги ўсимликлар (500-600м), тоғнинг қуйи қисмлари 1200м гача, янада баландлиги дарахтзор. Тошкент вилояти табиий ресурслар билан ҳам бойдир. Конлардан олтин, қумуш, алюмин, темир, уран, гранит, мрамор ва ҳақозолар қазиб олади. Ўзбекистондаги энг ката 3 кўмир конинг бири Ангрен шаҳрида жойлашган. Тошкент вилоят Ўзбекистоннинг энг индустриал ривожланган шаҳарларидандир. Унинг чегарасида 90га яқин йирик саноат ташкилотлари мавжуд. “Ўзбекистон металлургия камбинати”, “ТашГрес”, “ОҳангаронГрес” ва бошқалар шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариш 40%, қишлоқ хўжалиги 13%, транспорт ва камуникатсия 14%, савдо ва озиқ – овқат 8%, иқтисоднинг бошқа соҳалари 21%ни ташкил этади.

Тошкент вилояти иқтисодида муҳим ўринни аграр хўжалиги ташкил этади, пахта етиштириш, сабзавот, дон маҳсулотлари, мева сут – гўшт маҳсулотлари етиштирилади.

Таълим соҳасига вилоятда алоҳида эътибор берилган. 900га яқин умумтаълим мактаблар, 4 академик лицей, 70дан ортиқ касб – ҳунар коллежлари ва 2та олий ўқув юрти мавжуд. 100дан ортиқ стационар медицина иншоатлари – касалхона, поликлиника, қишлоқ мед-пунктлари

мавжуд. Вилоят йўл – транспорт соҳасида ҳам ривожланган бўлиб, темир йўлларининг узунлиги 380км дан ортиқни ташкил этади. Асосий авто магистраллар: Тошкент – Термиз, Тошкент – Қўқон, Тошкент – Чимкент (Қозоқистон), Тошкент – Ҳожикент (Тожикистон), Тошкент – Чимён.

1.2. Тошкент вилояти ландшафт тарихи

Археологик тадқиқотлар бу воҳада қадимдан ўтроқ ҳаёт мавжуд эканлигини кўрсатади. Бундан 100 йиллар аввал воҳадан буюк ипак йўлининг тармоқлари ўтган. Вилоятда 300дан ортиқ археологик обидалар сақланиб қолган. 100лаб тарихий – диний объектлар шулар жумласидандир. Зангиота мажмуаси Тошкентнинг фахридир. Мажмуа 14 асрга таълуқли бўлиб ҳозирда реставратсия қилиниб Самарқанд обидаларидан кам қизиқиш уйғотмайди.

Тошкент вилоятини қамраб турувчи Тяншан тоғи экологик сайёҳликни ривожлантириш учун жуда мосдир. Чимён, Билдирсой, Чорвоқ, Оқтош, Бирчимулла, Кумушкон каби курорт зоналари бугунги кунда машҳур ҳамда сайёҳларни ўзига жалб этаётган дам олиш масканларидир. Тяншан табиати ўзининг такрорланмас ва ўзгача чиройи билан ажралиб туради. Тоғ кўплаб ўсимликлар дунёси билан бойдир. Улар орасида арчасимон ва ёнғоқсимон дарахтлар алоҳида ўрин тутди. Биорангбарангликни 2000дан ортиқ ўсимликлар ташкил этади. Бу ерларнинг фаунаси ҳам турли – тумандир. Қушларнинг 200дан ортиқ тури ҳамда майда сут эмизувчиларнинг 44 тури, 16 турдаги совуққонлилар, 2 турдаги амфибия ва балиқларнинг 20дан ортиқ тури учрайди. Маҳаллий тоғли туманларда 232 турдаги умуртқаликлар ва 1000дан ортиқ тури учрайди.

Ажойиб табиат ландшафт ва унда озикланувчиларни сақлаб қолиш мақсадида 1990-йилда Угам – Чотқол миллий боғига асос солинди. Боғнинг майдони 574,6минг гектар тоғли ҳудудни, ундан 357минг гектар майдони тоғли ўрмонларни ташкил этади. Боғ, Чотқол тоғ – ўрмон кўрикхонасини ҳам ўз ичига олади. Чотқол кўрикхонаси аввалроқ 1947 – йилда ташкил этилган

бўлиб икки қисмдан иборатдир. Булар Майдонтол (24.706гектар) ва Бошқизилсой (11.018гектар) тоғликлардаги гўзал ландшафтлар бу ердатабий экологик сайёҳликни ривожлантиришга мос шароитлар яратади. Йилнинг март – апрел ойларида бу ерлар ўзининг ўзгача жозибаси билан ўзига жалб этади. Бу гулларнинг гуллаш даврига тўғри келади. Тоғнинг ландшафтига кушларнинг сайраши ўзгача жозиба бағишлайди.

Тоғнинг қуйи қисмларида сут эмизувчилардан куён, бўрсик, дала сичқони кабилар яшайди. Тоғ ён бағирларидаги ўрмонларда типратикон, каламуш, ўрмон сичқони, бўрсик, тўнғиз ва тулки учрайди. Катта ҳайвонлардан айиқ ва бўриларни ҳам учратиш мумкин.

Тоғ чўққиларида сибир эчкиси, қўриқхона ҳудудида эса Ўзбекистон қизил китобига киритилган қундуз яшайди.

Угам – Чотқол миллий боғининг ката қисмини Чирчиқ дарёсининг экотизим билан бирга бир бутундек қабул қилинади.

Ландшафтшуносликда бир нечта географик зоналар белгиланган.

Дарё бўйи терассалари ландшафти ва ўрта баландликдаги тоғлар олма ўрмонлари билан бирлашади. Тоғнинг қуйи қисмлари эса грек ёнғоғи дарахтлари ўрмонлар билан бирлашади.

Тоғ ва тоғ ёнбағирларида кўплаб арчазорлар кузатилади 1200дан 1400 ва 2000–2500м баландликгача

Юқори тоғ чўққилари ландшафти альпий паст ўсимликлари билан қопланиб улар 3500м баландликгача бўлган жойлардан ўсади.

Тоғ ландшафти булоқлари, дарёлари ва ирмоқлари ва шаршаралари ҳамда катта – кичик ғорлари, вулқон қолдиқлари, ўрмон, яйловларини сой бўйи қирғоқлари билан ўзгача жозибадордир. Бўстонлик, Оҳангарон ва Паркент ушбу уч туманнинг майдони тоғ ва тоғ олди зоналари билан қопланган бўлиб, бу эса ушбу туманларнинг сайёҳлик зонаси бўлиши исботини беради.

Тоғ бўйлаб ҳаракатланиши учун энг қулай транспорт воситаси бу отлардир. Тоғда ҳаракатланишга мослашган маҳаллий аҳоли от боқадилар. Шу сабабдан от устида саёҳатга чиқиш учун отларни ижарага топиш, олиш, ташиш ҳеч қандай муаммо уйғотмайди. Кўп кунлик тоғ саёҳатлари маршрутларининг узунлиги 150км гача чўзилиши мумкин. Бундай саёҳатлар 15 кунгача давом этади. Бўстонлик тумани шартли равишда 3та курорт зонасига ажратилади. Чимоён – Билдирсой, Бурчимулла – Нанай ва Оқтош – Хумсон зоналари.

Чимён – Билдирсой зонаси ҳар томонлама тоғлар билан ўралган Чимён водийсини ўз ичига олади. Катта чимён тоғнинг ён бағриларида жойлашган (3309м). Денгиз сатҳидан 1200 дан 1700м баландликда жойлашган. Аҳолининг асосий қисми яшайдиган жой Чорвоқ сув омборидан 12км узоқликда жойлашган Чимён қишлоғидир. Тошкентдан узоқлиги 90км, Ғазалкентгача 35км энг яқин аҳоли яшайдиган жой Юсупхона ва Юбилейний.

Чимённинг юмшоқ иқлимини ландшафт сайёҳлигини ривожлантиришга қулайдир. Кўпчилик дам олувчи сайёҳларни бу жойларнинг тоғлари, тор соқмоқлари ва ката – кичик шаршаралари ҳамда Чорвоқ сув омбори ўзига жалб этади. Чимён тоғ ён бағирлари ўзининг қор қопламалари, юмшоқ табиати билан машҳурдир. Бу ерга тоғ чанғи спорти ишқибозлари кўплаб ташриф буюрадилар. Тоғ, қор ва қор ўйинлари билан дам олувчилар апрел ойигача завқланишлари мумкин. Сайёҳларни ўзига жалб этувчи жойлардан яна бири “Қора шаршара” деб номланувчи жойдир (40м). Ҳамда “12 кали” деб номланган булоқлари. Бу жойларнинг барча гўзаликларини тоғнинг баландликларидан кузатиш мумкин.

Чимён тоғларига унинг геологик ҳусияти ўзгача гўзаллик ва жозиба бахш этади. Бунга сабаб кўпироқ таркибида темир моддасининг кўплигидир. Чўққиларда кўплаб актив вулқон изларини кузатиш мумкин.

Чимённинг ўсимликлар дунёси кенг гаммада намоён бўлади. Бу ерда ясси бергли дарахтлардан: ёнғоқ, (баяришник) олча, терак кабилардан ташкил топган ўрмонлар ҳамда бутали дарахтлар, гуллар, лола, ирис гуллари

кўплаб учрайди. Ҳайвонот оламида ҳам ҳилма – хилликни кузатишимиз мумкин. Тоғ қўйи, айиқ, тўнғиз, кундуз, бўрсик, бургут, укки, булбул кабилар бу ернинг фаунасини ташкил этади.

Билдирсойдан Ўртақумбел давонига кўтарилиш мумкин. У ердан тушиш пайтида мрамр дарёсининг жилвадор ва жозибадор кўринишидан бахра олиш мумкин. Бу жойлар сайёҳларнинг ва атрофдаги кўплаб дам олиш масканлари дам олувчиларининг, санатория даволанувчиларининг, болалар оромгоҳдагиларнинг севимли жойига айланган. Пастроқда дарё катта 15-20 метрни ташкил этувчи шаршарага айланади.

Билдирсойдан ўтиб борадиган қумбел (2550) давондаги тошларга қадимги иогрифлар сақланиб қолган. Айниқса одам бўйи келадиган катта тошга туширилган ов саҳнаси суръати одамни ларзага солади.

Қумбел давонидан жуда гўзал манзараларни кузатиш мумкин, Чимён дўнгликлари кафтдек намоён бўлади. Шу ердан Қумбел давонидан Чимён бўйлаб, Пўлатхон , комсомолчи давонига, туманли ва бошқа кўплаб мураккаб маршрутлар бошланади. Қачонлардир ушбу йўналишлар бўйича Буюк Ипак Йўлининг тармоқлари ўтган. Хозирда бу йўллардан асосан сайёҳлар фоядаланади, чўпонлар эса ўзларининг кўп сонли подалари билан ўтмоқдалар.

Охирги йилларда Човоқ сув омборларида замонавий меҳмонхона мажмуалари барпо қилинган. Уларнинг асосий қисми сув омборининг чап соҳилида жойлашган ва улар кечаю кундуз хизмат кўрсатади.

Меҳмонхоналардаги хоналар турли даражада бўлиб, оддийдан ВИП гача. Дам олувчилар учун ресторан, сауна, бассейнлар, бизнес марказлари, конференция заллари хизмат кўрсатади. Транспорт воситалари ва отларнинг ижараси ҳам кенг йўлга қўйилган.

Сув омборининг соҳиллари қумли пляжлар билан қопланган. Сув чанғиси, мотоцикл, моторли қайиқларни ижараси ҳам фаолият юритади.

Чорвоқ сув омбори – Ўзбекистон бўйича тоғ ҳудудидаги энг катта сунъий сув омборидир. Ўткан 100 йилликнинг 60 йилларида қурилган.

Денгиз сатҳидан 1600м баландликда жойлашган сув ясси майдони 37квкм ни ташкил этади. Плотинанинг баландлиги 150метрдан баландроқ, сув йиғиш ҳажми 1.5 млрд куб.м, сув омборига Чотқол, Пскент ва Кўксув дарёларининг сувлари келиб қуйилади. Соҳил бўйи 80км дан кўпироқни ташкил этади. Сув омборининг суви шаффоф ҳамда тозадир. Ёз мавсумида сув ҳарорати чўмилиш учун жуда қулай ҳароратгача исийди.

Бу жойларининг табиати ўзгача жозибаси билан диққатга сазовот. Тоғли ҳудудлар ландшафт сайёҳлиги учун имкон беради. Кўксув дарёсининг киргўқлари айниқса энг чиройли жойлар сирасига киради. Дарёнинг кўплаб ирмоқлари ажойиб манзараларни ташкил этади: қоя ёриқлари, гўрлар, шаршаралар, сўқмоқларнинг гўзаллиги бетакрордир. Сайёҳларни Олам, Оксарой, Келинчак, Мингчинор, Замбой, Падар, Абтар каби давонлар айниқса ўзига жалб этади. Яна бир ўзгача табиатга эга бўлган жой бу Кўксусой оралиғидир.

Келинчак давони энг содда йўналишидир. Бу йўналиш гўзал манзараларни яратади. Бу ерда маҳаллий аҳолининг уйлари, булоқлар ҳамда бир нечта зиёратгоҳ дарахтларни учратиш мумкин. келинчак давонидан сал юқорида бир қанча ғор ва жарликларни учратиш мумкин. Бошқа давон йўллар анча қийин бўлиб у сайёҳларнинг махсус тайёргарлигини талаб қилади.

Фақат чўмилиш зоналари, гўзал табиат, тоғ ховоси эмас балки археологик обидалар ҳам ўзига катта қизиқиш уйғотиб дам олувчиларни ўзига жалб этади. Полтаударёсининг ўнг соҳилида жойлашган “Обираҳмат” ибтидоий одам турар жойи шулар жумласидандир. Боғистон қишлоғида муқаддас қадамжолардан Умар Валийнинг мазор – мавзалеи жойлашган. Бу жойларда қадимги археологик қазилмалар, қадимги шаҳар қолдиқлари, кўрғон ва тоғларда иероглифлар изларини кўриш мумкин. Гротнинг ёнида шаршара жойлашган.

Ҳумсонда 40тадан ортиқ хонадан меҳмонхоналари ва шахсий дам олиш зоналари мавжуд бўлиб улар бир қатор хизмат турларини таклиф этади.

Булар тапчанлардан тортиб алоҳида турар жойларгача. Нархларнинг даражаси талаб ва таклиф қилинадиган хизмат турига қараб баҳоланади.

Ҳумсоннинг сайёҳлик имкониятларига отта ва яёв саёҳатлар, балиқ ови, Мингбулоқ баландлигига (2628м) чиқиш кабиларни киритиш мумкин. Угам дарёси оқимларида – Қирқхоним шаршараси ва кўплаб булоқлар жойлашган. Ёзги мавсумда Ҳумсон бўйлаб саёҳат учун қуйидаги йўналишларни тавсия қилиш мумкин, булар: Ургутсой дарёсининг юқори оқимларига, Бўстонликсой дарёси бўйлаб Бўстонликбува деб номланувчи шаршара, Қирқкокил шаршарасига, Консой дарёсининг қуйи оқимида, Қўрғонтош давонига, Каржантау қиялигига.

Ҳумсон аҳолиси бошқа кўпгина тоғ қишлоқ халқи аҳолиси сингари анъаналарини қадрлайдилар ва амал қиладилар. Қадимий анъаналарни сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Бу урф одатларда тоғ халқи ҳаётининг аксини кўриш мумкин. Кўп маросимларини байрамларда ҳамда тўйларда кўриш мумкин. Бу ернинг ҳаёт тарзига кўплаб 100йиллар оша атроф муҳитнинг таъсири катта. Қишлоқларда уй қуришнинг эски усуллари лойдан ва тошдан девор қилиш ҳанузгача сақланиб қолган. Бу усулда қурилган уйлар мустаҳкам ҳамда қиш мавсумида иссиқдир. Бир – бирига зич қилиб қурилган уйчалар қоялар томон кўтарилиб давом этади. Қишки мавсумда узун оқшомларни қишлоқ аёллари ҳунармандчилик ишларини амалга оширадилар. Табиий жун ва ипакдан тайёрланган буюмлар сайёҳлардан томонидан катта талабга эга. Темирчилик ҳунарининг ҳам анъаналари сақланиб қолган. Чорвоқ қишлоғи Ҳумсон йўлида жойлашган тоғ сув омбори ГЭС қурилиши ишлари учун ўтган 100 йилликнинг 60 - йилларида барпо этилган бўлиб у қуюқ яшил дарахтлар билан қопланган. Қурилишнинг марказий қисми икки ва тўрт қаватли турар жой биноларидан иборат. Бир қаватли уйлар эса марказдан четда қияликлар томон давом этади. Пассив дам олишни ёқтирадиганлар учун шаҳарчада бир қатор дам олиш уйлари фаолият юритади.

Афсонларга караганда бу жойларнинг бир канча ер ости йўллари ўтган ва улардан бири 2001-йил тасодифан топиб олинган. Бу ер ости йўллари тепаликнинг марказига олиб келган. Бу йўлнинг кириш жойи оқсолларнинг ҳамда дин пешволарининг талаблари билан қайтадан қўмиб ташланган.

Хондайлининг яна бир машхур ҳамда сайёҳларда қизиқиш уйғотадиган сири сойнинг қирғоқида жойлашган улкан чинор дарахтидир. Бу дарахт Ўзбекистондаги энг ёши улуғ дарахтлардандир. Унинг ёши бир неча юз йилликларга тенгдир. Чинорнинг асосий танаси айланасига 20метрни ташкил этади. Унинг алоҳида ўсган таначалари 2-3метрга етади. Бу табиат мўжизаси “7 ўга – ини” номи билан машхурдир. Бу Ёши катта дарахт бир неча бадиий ва хужжатли филмларда суратга тушиб ўзининг кадрдон ерларини машхур қилди. 1990-йилларда маҳаллий аҳоли дарё ўзанини ўзгартириб тошлар билан мустаҳкамлаб ўзига хос оролча ҳосил қилди. Дарё бу жойни айланиб ўтади ва шу билан бирга кучли сув тошқинларидан, сел оқишлари билан ювиб кетишдан сақлайди. Аҳолининг кўп қисми ичимлик суви билан таъминловчи асосий сув манбаи булоқдир. Буюк дарахт жойлашган жойни одамлар муқаддас санаб “Кўктўнлик-ота” деб номлаганлар.

Ҳожикентда ғорлар ва баҳорда тоғлардан оқиб тушадиган шаршаралардан ташқари бу ерда кўрикчи дарахт бор. Бу чинор дарахтини Бўстон қишлоғида туғилиб ўсган машхур шайх Хўжа Ахрор томонидан экилган. Чинор тоза муздек булоқ суви устидан қад кўтарган. Бир томиридан ўнлаб боштана ўсиб чиққан. Уларнинг ҳар бири бир неча қулоч келади. Дарахт ёши 700-йилга тенг.

Ўзининг улуғ ёши билан яна бир дарахт машхурликда қолишмайди, унинг ёши 400 да.

Туристлар ва дам олувчилар оқимидан яна бир жой четда қолмоқда. Бу жой кам аҳолини Карамзор қишлоғидир. Қишлоқ Ғазалкент шаҳрига 8 километр масофада жойлашган. Оқсоқотисой (Аксакотсой)дарёси ушилисида жойлашган. Тошкентдан 60 километр узоқликда жойлашган.

Янги йўл U-тарзда бўлиб, у Чимён Аксакотисой ҳамда Карамзорни бирлаштиради. Автотрассанинг чап томонида аҳоли яшаш жойларига яқин бўлса ўнг томонда қиялар айниқса сувга яқин жойлашган. Карамзор текислиги платформада сойнинг чап соҳилида жойлашган бўлиб унинг территорияси текисликдан иборат. Дарё соҳили бўйлаб 1,5 километр энига 300 метр масофага чўзилган. Денгиз сатҳидан баландлиги 600 метрдан ортиқ. Карамзор пойтахт билан рейсли автобус , маршрутлар ва махсус катнов транспортлари билан боғланган. Маҳаллий аҳолининг машғулоти асосан УЧНПП ва унинг ўрмон хўжалиги билан боғлиқ. Хонадонлар деярли ҳаммасида от боқилади. Маҳаллий аҳоли отларни ижарага беришлари ёки сой бўйлаб походлар уюштиришлари мумкин.

Чап соҳилдаги қияликлар сой зонасини ҳосил қилганлиги сабабли бу ерда доим салқин шу сабабли бу ерда ўзгача микроиклим ҳосил бўлган. Карамзордан бир қанча қизиқарли саёхат маршрутларни уюштириш мумкин. Отлар ёрдамида бир куннинг ўзида Билдирсойдан Чимёндан ёки Кумушкондан чиқиш мумкин. Пўлатхон платосидан чиқиш учун кўпроқ вақт керак бўлади. Бу баландликнинг умумий майдони 20 квадрат километрни ташкил этади. Убаланд қоялардан ташкил топган даралари Оқбулоқ , Карарча, Серкалисой.

Плато юзаси Оқбулоқ томон тик кўтарилади. Плато ўртасида булоқ сувларидан ҳосил бўлган ирмоқ оқиб ўтади, қуйилиш жойи мавжуд эмас. Унинг сувлари қояларда пастга отилиб кўплаб шаршараларни ташкил этади. сув қуёш, шамол ҳамда музликлар тасирида плотанинг тошлари ғаройиб шаклларни ташкил қилган. Қояда кўплаб ғорлар мавжуд.

Пўлатхонага чиқиш учун яхши жисмоний таёргарлик ва сабр талаб қилинади. 200 метр баландликда совуқ шамол оқимини ва қуёшнинг баданни қуйдирувчи тик тиғларига чидашга тўғри келади. Ўтин ва бази жойларда булоқ йўқ бўлганлиги сабабли саёхатчиларга ўзлари билан сув ва бошқа зарур ресурсларни олиб юрушларга тўғри келади. Табиийки оғир юклар. Жисмоний нагрузкалар атроф муҳитнинг гўзалликлари ва жозибасидан бахра

олишга халақит беради , шу сабадан саёхатчиларга ижарага от олишлари ва маршрутни яхши биладиган йўл кўрсатучи олишлари тавсия этилади. Оксоқоти (Аксакато) ушелиясида бир қанча археологик меърослар жойлашган. Ғазалкент гарадишияси қадимий коммалар ва кўрғонлар шулар жумласидандир.

Оксоқотини соҳиллари бўйлаб текисликлар ташкил этиш учун жуда гўзал манзарали жойлар мавжуд. Бу жойларнинг тошкентга яқинлиги “топчан-туризими” ривожланшига сабаб бўлмоқда

Бўстонлик районининг тоғларига дам олишга отланар экансиз ўзингиз билан жуда кўп озиқ-овқат олишингиз шарт емас. Ёз ойлари аҳоли яшаш пунктларида тошкентдан то чимёнгача йўл ёқасид маҳаллийаҳоли биринчи заруратдаги озиқ-овқан, мава ва бошқа майда савдо билан шуғулланади. Аҳоли гавжум жойларда маҳсулот умумий истеъмол таварлари савдоси фаолият кўрсатади. Сайёҳлар дам олиш жойларида унча катта бўлмаган озиқ-овқат бозорлари мавжуд.

Паркент тумани чотқол тоғларининг қияликлари паркени билан туташиб кетади. Туманнинг административ маркази Паркент шахридир Тошкентдан паркентгача бўлган масофа 38км ни ташкил етади. Туманга бирлашиб кетган тоғ массиви угамчотқол паркиннинг бир қисмини ташкил етади. Туманда эко-сайёҳлик ташкил қилиш учун жуда қулайдир. Туманнинг тоғ ландшафти айниқса баҳорда апрел ойларида ғаройиб гўзаликка ега бўлади. Бу мавсумда аллақачон тоғда илиқ бўлади, ёгингарчилик тугабон тоғ далаларида ва ирмоқларида сув тўлиб тошиб оқади. Далада кўплаб шаршаралар қоялардан отилиб тушади, қояларда хар тарафда гуллаган дарахтлар, буталар ва ўт-ўланлар.

Бу ўзгача гўзаллик тоғолди холумга экилган дуккакли ва донли ўсимликларнинг ландшафтни янада бойитади. Тоғ массивининг туман билан тутушшиши ички телеторияга тўғри келиши, тоғ турларини ташкил этишда чегарачилар билан ва бошқалар билан келишувни талаб қилмайди ва шу билан туризмни ривожлантириш учун қулайдир.

Аҳоли яшаш пунктларининг кўпчилиги тоғ олди зонасида жойлашган. Бу Кумушкон, Ҳисорак, Заркент, Сўқоқ, Сангак қишлоқлардир. Бу жойлар Угам Чотқол миллий табиат парки билан туташ.

Бу туманда йўл тармоғи яхши ривожланган. Барча аҳоли яшаш пунктлари йўллари асфалтланган ва жуда яхши аҳволда. Маҳаллий серкатнов автокатнови барча туманларни ўзaro туман марказларини бирлаштириб туради тошкентдан қўйлиқ автоўхтов жойидан рейсли автобусда бир соат оралиғида паркентга етиб олиш мумкин. “Буюк ипак йўли” метросидан Паркент томон маршрутлар серкатновдир.

Туманда атроф муҳитни ифлослантирувчи, захарловчи зарарли чиқиндини ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд эмас. Туман қишлоқхўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Тоғ олди зоналарида узум етиштириш айниқса ривожланган. Бу ернинг бениҳоя сифатли ва мазали узумлари қисман экспорт қилинади. Қисман эса машҳур куруқ вино (шароб) тайёрлаш учун жўнатилади. Полиэкинлари, мева ва сабзавотларнинг кўп қичми тошкентга жўнатилади айрим қисмигина жойида қайта ишланади. Маҳаллий бозорларда кўп нарса сотиб олиш мумкин. Паркент бозори айниқса ўзининг маҳсулотларининг кенг асортименти билан машҳурдир. Бозорда доим маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бетихоя мазали уй нонлари, шифобахш ўтлар ва зираворлар қўшилган сомса ҳамда бу туманга хос бўлган бошқа турли пишириқларни, шу билан бирга бошқа зарур бўлган маҳсулотларни топиш мумкин. Шу ернинг ўзида хунармандлар ўз маҳсулотларини сотувини йўлга қўйганлар. Булар туристларни айниқса қизиқтирадиган хар-ҳил маиший маҳсулотлар.

Умуман олганда Бўстонликга нисбатан Паркент туманида туризм ва дам олиш зоналари нисбатан камроқ ривожланган. Унинг асосий сабаби тоғдан оқиб келувчи дарёларнинг (Обменне)сидир шу билан бирга ёз мавсумидаги дарёларнинг қуриши (Обменне). Угам чотқол табиат паркининг тоғ ландшафтини янада гўзаллигини таъминлайди Паркентнинг машҳур жойлари рўйхатига қуйдагилар киради:

-Угам Чотқол табиат паркиннинг шимолий қисми, бу жойларда кўплаб гўзал табиат бурчаклари мавжуд.

Сўқоқсойнинг тажриба тоғ мелиоратив станцияси ўзининг тоғ шароитларида ўстириш учун олиб кирилган бекиёс ўсимликлар коллекцияси. Бу ерда ўсувчи арча, Мажевельник, Сосна ва Хвой дарахтлари ўзгача гўзаллик бағишлайди.

Бошқизилсой дарасидаги қоёлардаги ва майдонтас ясси тоғларининг ҳамда оқсоқотсой оқсойдаги Петрокликлар.

Археологик меъморий обидалар, кўрғонлар Паркентда қадимда шаҳар ва қасирлар мавдуд эканлигидан далолат беради. Намданак, Заркент ва Невич қошидаги тоғ ишлари олиб борилган ва металл эритилган жойлардир.

Хисорак, Заркент, Намданак, Сўқоқ, Невич ва Красногорскдаги аҳоли муқаддас ва сағана саналган жойларнинг ҳар бири билан боғлиқ авсоналар мавжуд.

Тоғолди зоналаридаги кўплаб узумзор ва боғлар.

Паркент туманининг қишлоқлари атрофидаги тоғлар соғломлаштириш ва ёшлар эко-сайёҳлигининг ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Чотқол биосфера қўриқхонасининг Бошқизилсой бўлими чегараси бўйлаб 10 дан ортиқ маршрутлар мавжуд. Бу йўллар 5 дан 20-25км бўлиб махсус қурилмаларсиз, тайёрлиги бўлмаган сайёҳларга мўлжалланган. Шу билан бирга бу ерлар фаунасининг вакиллирининг айримлари кузатиш имконияти бор. Дараларда кўк қушни учратиш мумкин. Бу қуш афсоналарда “омад қуши” деб юритилади. Човлисой, Бошқизилсой, Сўқоқсой ва Оқсоқотсой дарёлари даралари ўзининг бойфлора ва фаунаси бу ерларга Экологларни, биологларни Орнитологларни ўзига жалб этади, улар тадқиқошларни олиб борадилар.

Угам –Чотқол табиат парки тоғ йўлларининг паркент тумани зонасидан ўтувчи қисмидан ўтиш осон. Ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг ранг-баранглигига бошқа дам олиш зоналаридан гўзалликда қолишмайди. Тоғ олди қишлоқларининг ҳар биридан оқтош 20510м ва ховля 20752м

чўққиларига чиқиш мумкин. Чирчиқ дарёси водийси манзараси тоғ устидан яққол намаён бўлади. Маршрутлар айланма тарзида ёки бир қишлоқда иккинчисига тоғ сўқмоқларидан ўтиш мумкин. Тоғ сўқмоқлар кўриқхона чегараси бўйлаб юрилганда тут, катта гон янгиобод аҳоли жумласидан.

Оҳангарон дарёсидан олиб чиқади.

Угам-Чотқол табиат паркиннг аҳоли яшаш пунктлари томонидан машхур, тоғ туризми учун қулай жойлардан бўлган маршрутлардан қуйидагилардир.

1.Красногорск қишлоғи—Човлисой дарё дараси. Красногорск қишлоғи бир кунлик саёхат узунлиги 24км. Харакатланиш воситаси турлича (автотранспорт билан 16км ва пиёда 8км) дўнгликларнинг максимал сшнгги нуқта Айиқтошдаги ёнғоқ баландлиги 200м. Амал қилиш муддати Апрельдан Октябргача.

Апрелдан- июнгача бўлган мавсум тавфсия қилинади.

2.Красногорск қишлоғи—Човлисой дарё дараси- Парпиота сой дараси- Красногорск қишлоғи. Бир кунлик саёхат узунлиги 22км хар-хил харакатланиш воситасидан фойдаланилади. (автотрасспорт билан 6км ва пиёда 16км). Манзилининг сўнги нуқтаси Чотқол Хребтаси дўнгликларнинг максимал баландлиги 200м Парпиоса сой маршрутининг сўнги нуқтаси шифобахш булоқ кўриқхонаси тош диназаврнинг хайкалдир. Тавсия қилинадиган мавсум Апрель-май, Сентябрь-Октябр.

3.Красногорск қишлоғи, Човлисой дарёси дараси Невич қишлоғи. Бир кунлик саёхат узунлиги 27км. Харакатланиш тури аралаш. (автотранспортда8км ва пиёда 14км) Чотқол кўриқхонаси чегараси бўйлаб ўтади. Дўнгликларнинг максимал баландлиги 600м, амал қилиш Апрельдан- октябргача тавсия қилинган мавсум Апрельдан- июн ўртасигача.

4. Невич қишлоғи- Бошқизилсой дараси- Човлисой дараси- Бошқизилсой дараси. Бир кунлик пиёда саёхат. Чотқолсой кўриқхонаси чегараси бўйлаб ўтади амал қилиш Апрельдан-октябргача тавсия қилинган мавсум Апрельдан- июн ўртасигача. Бўлган мавсум тавсия қилинади.

5. **Невич қишлоғи**-Бошқизилсой дараси Невич қишлоғи. Биркунлик пиёда саёхатнинг узунлиги 7км. Дўнгликнинг максимал баландлиги 300м. Чотқол кўриқхонасининг чегараси бўйлаб ғаройиб гўзал бўлган манзаралор орқали ўтади. Апрельдан-октябргача амал қилади. Апрельдан- июн ўртасигача бўлган мавсум тавсия қилинади.

6. **Невич қишлоғи**- Бошқизилсой дараси Афғон дараси- Сангак қишлоғи саёхат бир кунлик ва пиёда амалга оширилади узунлиги 600км. Чотқол кўриқхонаси Апрельдан-октябргача тавсия қилинган. Апрельдан- июн ўртасигача тавсия қилинган мавсум.

7. **Невич қишлоғи**-Бошқизилсой дараси Афғон дараси- Суюқсой дараси- Сўқоқ қишлоғи бир кунлик пиёда саёхат узунлиги 18км дўнгликларнинг баландлиги 600км Чотқол кўриқхонаси чегараси бўйлаб ўтади. Апрельдан-октябргача тавсия қилинган. Апрельдан- июн ўртасигача Апрельдан-октябргача тавсия қилинган. Апрельдан- июн ўртасигача.

8. Сўқоқ қишлоғи тоғ мелеоратив тажриба станцияси –чашма булоғи – **Сўқоқ дараси** – Сўқоқ қишлоғи.бир кунлик пиёда саёхат узунлиги 6км дўнгликларнинг баландлиги 250км амал қилиш муддати. Апрельдан-октябргача тавсия қилинган мавсум. Апрельдан- июн ўртасигача.

9.Сўқоқ қишлоғи тоғ мелеоратив тажриба станцияси –чашма булоғи – **Оқтош тоғи** (20510м)-Сўқоқсой дараси Сўқоқ қишлоғи.Бир кунлик пиёда саёхат узунлиги 14км дўнгликларнинг максимал баландлиги 1400м амал қилиш муддати. Майдан- Августгача, Майдан-Июнгача бўлган мавсум қилинган.

10.. Сўқоқ қишлоғи тоғ мелеоратив тажриба станцияси –чашма булоғи – **Оқтош тоғи** – Заркент дараси – Заркент қишлоғи.Бир кунлик пиёда саёхат узунлиги 15км дўнгликларнинг максимал баландлиги 1400м амал қилиш муддати. Майдан- Августгача бўлиб Майойидан-Июнойигача бўлган мавсум саёхатлар учун тавсия қилинган.

11.**Сўқоқ қишлоғи** тоғ мелеоратив тажриба станцияси –чашма булоғи – **Оқтош тоғи**-Ховли тоғи (20750м)-Сўқоқсой дараси Сўқоқ қишлоғи.Бир

кунлик пиёда саёҳак узунлиги 19км дўнгликларнинг максимал баландлиги 1700м амал қилиш муддати. Майдан августгача бўлиб Майойидан июн ойигача бўлган мавсум тавсия қилинган.

12.Заркент қишлоғи –Заркентдараси –Оқтош тоғи –Заркент дараси Заркент қишлоғи.Бир кунлик пиёда саёҳак узунлиги 8км дўнгликларнинг максимал баландлиги 1400м амал қилиш муддати. Майдан- Августгача бўлиб Майойидан-Июн ойигача бўлган мавсум тавсия қилинган.

13.Заркент қишлоғи –Заркентдараси – **Оқтош тоғи** – Ховлия тоғи- Паркент дараси-Кумушкон туристлар базаси.Бир кунлик пиёда саёҳак узунлиги 21км дўнгликларнинг максимал баландлиги 1900м Майдан- Августгача амал қилиш муддати. Майойидан-Июн ойигача бўлган мавсум тавсия қилинган.

14.Кумушкон қишлоғи Кумушкон туристлар базаси Паркент дараси Кумушкон туристлар базаси Кумушкон қишлоғи.Бир кунлик пиёда саёҳак узунлиги 20км. дўнгликларнинг максимал баландлиги 300м Майдан- Сентябргача амал қилиш муддати. Май ойидан-Июнгача бўлган мавсум тавсия қилинган.

15.Кумушкон қишлоғи Кумушкон дараси Оқсоқотисой дараси Қашқасой дараси Кумушкон туристлар базаси.Бир кунлик пиёда саёҳак узунлиги 20км дўнгликларнинг максимал баландлиги 300м Майдан- Сентябргача амал қилиш муддати. Май ойидан-Июнгача мавсум тавсия қилинган.

16.Кумушкон қишлоғи Кумушкон туристлар базаси –Паркент дараси Ховлия тоғи – Паркент дараси Кумушкон туристлар базаси – Кумушкон қишлоғи.Бир кунлик пиёда саёҳак узунлиги 25км дўнгликларнинг максимал баландлиги 1800м Майдан- Сентябргача амал қилиш муддати. Майойидан-Июнгача тавсия қилинганмавсум.

17.Сарак қишлоғи Зартошсой дараси-Сорак қишлоғи.Бир кунлик пиёда саёҳак узунлиги 7км дўнгликларнинг максимал баландлиги 400м амал қилиш муддати Апрельдан -Октябргача. Апрельдан-Июнгача тавсия қилинганмавсум.

Бу маршрутларнинг достоеваси Угам-Чотқол Татнай парки бўйлаб саёхат давомида бетакрор тоғ ландшафтлари гўзалликлари билан бахраманд бўлиш билан бирга бу жойларнинг хайвонот оламини ҳам кузатиш мумкин.

Истаган аҳоли яшаш пунктларининг ҳар-бирида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш кўрғони бўлиш- маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, истаган қўшимча маълумотни олишингиз ҳамда йўл кўрсатувчи ёнлаш мумкин бўлади. Йўл кўрсатувчидан саёхат давомида қимматли ва қизиқарли маълумотларни тинглаш мумкин.

Оҳангарон тумани.

Оҳангарон дарёси ўзанида жойлашган бу туман Тошкент вилоятининг майдони жиҳатидан энг катта туманидир. Унинг 3дан 4қисми тоғ ва тоғолди зоналарига тўғри келади. Тоғлар туманни уч томондан ўраб туради. Жанубдан куралин тоғи, шимолдан Чотқол ҳамда шарқ томондан Ангрен шаҳри. Бу икки тоғ бирлашиб Оҳангарон дарёси оқиб ўтадиган тор дўнглик ҳосил қилади. Оҳангароннинг маъмурий маркази Оҳангарон шаҳридир. Туман аграрсаноат ишлаб чиқариш зонасидир. Ишлаб чиқариш тоғ рудаси, кўмир ҳамда қурилиш ишлари материаллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги сабзавот, мева, дон маҳсулотлари ҳамда чорва етиштириш билан боғлиқ.

Оҳангароннинг чап қирғоқларида, курален хрептаси тоғ зонасида 20га яқин майда тоғ қишлоқлари жойлашган. Умумий аҳоли сони 10000 кишини ташкил қилади. Буларнинг ичида йирикроқ аҳоли пунктлари-Нишбош, Лашкарак, Уругоз, Шавас, Коратана, Кучбулок, Саритош. Ангрендан юқорида, ўнгқирғоқ томонда унча катта бўлмаган 8 та аҳоли яшаш пунктлари мавжун: Эртош, Чинор, Серқақиринди, Тангатопди, Тур қишлоқ аҳолисининг сони 10 минг кишини ташкил этади. Оҳангароннинг ўнг соҳили аҳолисининг деярли барчаси тошкент Фарғона водийси автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида жойлашган. Фақатгина тут қишлоғи трассада анча узоқда жойлашган. Тут қишлоғи орқали Шовасой дарасига қишлоқ йўли ўтади. Даранинг қуйи қисмида деярли дарахт ўсмайди. Марказий қисмида Сой

бўйларида ёнғоқ ва бошқа ясси баргли дарахтлар ўсади. Қор эриш, Бахорги сел мавсумларида соё тошиб оқади. Мана шу мавсумда дала бенихоя гўзал кўриниш олади. дала бўйлаб сўқмоқлардан кўтарилиб УЧНПП чегарасига чиқиш мумкин. Сўқмоқ бўйлаб яна юқорига кўтарилса Невич, Краснагорск, Санганак аҳоли яшаш пунктига чиқиш мумкин. Даланинг гўзал жойлари булоқлар ва унча катта бўлмаган тепаликлар.

Туманнинг асосий йўл инфратизими Тошкент-Ангрен темирйўли ва замонавий автомагистрал ҳисобланади. Автомагистрал Фарғона водийсини тоғ перевал орқали Тошкент ва Республиканинг бошқа қисимлари билан бирлаштиради. Автотрасса туман бўйлаб 90км масофада давом этади.

Туманнинг сап тамонидан трассага паралел равишда Олмалик ав Ангрен шаҳарлари орқали эски йўл ўтади. Йўл асфалтланган аммо қоплам сфати ва жихозланиши жихатидан туман ўнг тамонидан ўтувчи автомагистралдан анча ортда қолади. Тоғ тепаликларига олиб борувчи йўллар узоқ вақт таъмирланмаган ёки умуман ҳеч қачон қаттиқ қопламга эга бўлмаган. Умумий автотранспортлар Олмалик (ёки Ангрен) автостанциясидан кунига 3-4 марта Нишбош, Ургаз, Қоратана, Шовоз ва Кучбулонга қатнайди.

Туманнинг сўридаги қишлоқларга электорлаштирилган бироқ газлаштирилмаган. Кириб унга унча тубда қишлоқларда унинг алоқа хизмати мавжуд. Қолган қишлоқларда алоқа фақат смли, ҳамда доимий эмас. Унча катта бўлмаган миқдорда савдо сотиқ йўлга қўйилган. Қишлоқларда, хонадонларда кичкида-кичкина расталар мавжуд бўлиб зарурий бўлган уй рўзғор ёки озиқ-овқат маҳсулотларини топиш мумкин.

Туманнинг катта шаҳарлари Ангрендир. Ангрен ишлаб чиқариш марказларидан бири бўлиб, кўмир қазим олинадиган шаҳар сифатида таниқлидирю Тошкентдан 105км узоқликда жойлашган денгиз сатҳидан 900м баландликда жойлашган. Шаҳар яқинида Марказий Осиёдаги енг йирик кўмир кони мавжуд.

Ангрен худудида хали аср ўрталарида олтин, кумуш, темир ва қиммқтбаҳо тошлар қазиб олинган.

Қадимий ўтмишда ҳам бу ерларда цивилизация мавжуд бўлганлигини исботловчи ўнлаб излар мавжуд. Булар сирасига кўплаб қўрғонлар шаҳар қолдиқлари, руда қазиб олиш иш қуроллари, мазорлар ва металл эритиш пунктлари қадимги иш ва меҳнат қуроллари киради. Шаҳар музейида бой экспозиция йиғилган. Бу топилмалар туманнинг тарихи ҳақда ўзи сўзлайди. Экспонатлар ичида археологик топилмалар кўпчилигини ташкил қилади. Булар тош, Жиз ва темирдан ясалган қуроллар, қўндалик турмуш буюмлари, иш қуроллари, кўплаб қумуш ва жиздан тайёрланган тангалар. Музей экспонатининг ичида диққатга сазовор бўлган улкан пател бўлиб унинг ҳажми 40м бўлиб тахминан 3000йил аввал ясалган.

Арушонсойнинг ўнг соҳили ёнида қарвон сўқмоқларида билинар-билинмас излар қолдиқларини кўришимиз мумкин. Бу қарвон Арушон перевали йўлини назорат қилиш учун мўлжалланган бўлоқбошидан 50м узоқликда –Арушонбобо мазори жойлашган бўлиб тошлар билан ёпилган уч қабир мавжуд. Қабирлар 180х260см баландлиги 0.8м ўлчамга эга. Июндан-Августгача Арушонбобо қадамжосини 2-2.5минг одам зиёрат этади. Зиёратчилар асосан Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидан келадилар. Арушон йўли Эртош тоғи қишлоғи дараси бўйлаб гўзал манзараларни кузатиш мумкин.

Эртош қишлоғи Оҳангароннинг энг олис қишлоқларидан бири у Эртошсой дарасига, Оҳангарон дарёсининг ўнг тамонида жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 1600м дан ортиқ. Қийландан унча узоқ бўлмаган Қизилчасойнинг сохилларида дарахт сояларида шахсий дам олиш зонаси барбо қилинган. Бу зона 8та ихчам, икки кишилик енгил ёзги уйчалар ва чойхоналардан иборат. Бу уйчалар чодирлар шаклида қурилган. Бу зона Арушон бўлоғига Ангрен ясси тоғи орқал йўл олган туристларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Ангрен ҳудудидаги диққатга сазовор бўлган ҳамда туристларни ўзига жалб этадиган жойлардан яна бири Қўлбўлоқдир. Бу жойлардан қадимда Буюк ипак йўлининг қарвонлари Фарғона водийси тамон ўтган.

Кўлбулоқнинг эътиборга лойиқ жойларидан булар: Ирвалитепа (IV-X мил. ав.). Ирвалибобо мазори (XI-XII мил.) “Мучхона” мазорбоши, қадимги олтин қазиб олиш жойлари ва қизилолмакони, қояга туширилган суратлар. Кўлбулоқдан тахминан 2км узоқдан автомагистрал ўтади. Йўлнинг устки қоплами фақат қуруқ хаводагина диққатга сазовор жойларга автомобилда яқин бориш имконини беради. Фақатгина қояга қизилган петроглифларга транспорт воситасида бориб бўлмайди. Қоя суратлари Қизилолмасой ва Ақнасой ўртасида жойлашган бўлиб бу жойга етиб бориш учун асосий йўлдан 400м ичкарига кириш лозим. Қояда сибир тоғ эчкилари ва овчиларнинг тасвирлари туширилган.

Туманда 6-8м баландликда ер сатҳидан тош дўнглик чиқиб туради. Бу дўнглик кўрбананинг боштини эслатади. Маҳаллий халқнинг сўзлашига қараганда бу табиат хайкалга кафтини текқисса омад келар эмиш. Афсоналарда Курбанса омад ва бойлик рамзи ҳисобланади.

Қизилолмасойнинг суви ёз мавсумида Оҳангарон дарёсигача етиб бормайди. Бу маршрут бўйича давом этилса олтин қазиб олиш заводлари ва бошқа қадимги руда конларини учратиш мумкин.

Бироқ конлардаги қазилар ва бу жойларда ўсган дарахтлар йўқ. Бурғулаш ишлари сабабли Қизилолмасой бўйлаб угаи-Чотқол табиат паркига йўл олиш бу маршрут бўйича унчалик қизиқарли кечмайди ва сайёҳларни жалб қилмайди.

Кўлбулоқ бу унча саришта бўлмаган 4x4 ҳажимдаги кичкина кўлдир. Кўл сув ўтлари билан қопланган. Кўл тубида кўплаб булоқ кўзлари мавжуд бўлиб кўлни вув билан таъминлаб беради.

Сув ҳарорати доимий +12с. Булоқлардан сув ер қаридан чиқади. Сув билан бмрга радон газини чиқиб сув юзасида пуффакчалар ҳосил қилади. Радон газининг интенсивлиги ер қарини сесмик фаоллигига узвий боғлиқ. Бу жойлар маҳаллийаҳоли учун муқаддас, суви эса шифобахш саналвди. Афсоналарга қараганда қадимда карвонлар бу жойдан ўтаётиб нафақат чанқоқларини қондирган балки бу жойдаги тоғ рухларидан оқ фотиҳа

олганлар. Тоғ рухларини бу жойларнинг хўжайинлари саналиб уларнинг розиликлар сафарни қаршиликларсиз, қийинчиликларсиз давом эттиришлари учун зарур бўлган.

Агарда кўлбулоқнинг суви биқиррлаб қайнаб турсаю аммо суви совук бўлса бу тоғ бўйлаб сафарни давом эттириш мумкин эмаслигини билдирган. Сувни қайнаши тоғ хўжайинларини рухларнинг ғазабини билдириб улар ғазабда йўловчилар устига тошлар ёғдирадилар деб ишонишган.

Кўлнинг яқинида кўп йиллад давомида сесмик стансия мавжуд бўлган. Олимларнинг кузатиш ишлари шуни кўрсатадики булоқ хатосиз бир неча кун олдин ер ости силкинишлари ҳақида огохлантирган. Олимлар кўлбулоқнинг сувини шифобахшлик хусусиятини ҳам ўргандилар. Сув тоғлар, ғорлар орқали оқиб келгани сабабли сувнинг таркиби фойдали металллар, малекулалар ва микроқисимлар билан тўйинганлиги сабабли “тирик сув” номига сазовор бўлган.

Куралай тоғида 5 тача дам олиш зоналари мавжуд. Улардан 4 таси Лашкараксой дарёси дарасининг юқори қисмида жойлашган. Бу дам олиш зоналари асосан ёз ойларида фаолият юритишга мўлжанланган. Дам олиш зоналарининг умумий сиғими 300 киши бошига тўғри келади.

Буларнинг 2 таси Олмалик тоғ металлургия комбинатига ва ҚК “Тошкент Кабел” комбинатига тегишлидир. Бу жойлар табиатининг ўзгача гўзаллиги, табиат ландшафтининг бетакрорлиги билан туристларни ўзига жалб этиб келмоқда. Бу жойлар табиат қўйнида пикниклар ўтказиш жуда қулай. Денгиз сатхидан 1400 м баландликда жойлашган. Лашкаракнинг диққатга сазовор жойларидан бири бу улкан қора қоядир. Қоя одам боши суяги юз қисмига ўхшайди. Афсоналарга қараганда- бу Мумиянинг юзи бўлиб даранинг бойликларини кўриқлайди. Яна бошқа афсонада айтилишича Қораодам боши суяги Курален тоғи бойликларига кўз олайтирганлар учун огохлантириш ҳисобланган афсоналар асослидир. чунки бу ерларда қадим-қадимдан олтин, кумуш, бронза ва турли қимматбаҳо тошлар қазиб олинган.

1.3. Шаҳарсозлик ва меъморий-маданий обидалар

Тошкент вилояти нафақат тоғ балки текисликлардаги аҳоли яшайдиган пунктлардаги археологик хайвонлар ҳам диққатга сазовор. Шундай жойлардан бир течтаси Окқўрғон туманида жойлашган. Булар Шохрухия шаҳри, Ханқа, Окқўрғонлардир. Шохрухия шаҳридаги ўрганиш, изланиш ишлари XIX асрда бошланган. Тошкент воҳасида бошқа яна қуйидаги шаҳарлар ҳам мавжуд:

Тошкент воҳасининг энг йирик шаҳарларидан бири - Шохрухия (Шарқия, Бенакет) Ўрта Осиёнинг икки маданий регионлари

- Шош ва Уструшон туташган жойида юзага келган ҳамда қадимги даврлардан бошлаб Буюк Ипак Йўли трассасидаги дарё ва қуруқликдаги қарвон савдосининг юк тушириш ва ортиш пункти бўлиб хизмат қилган.

Шохрухиянинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳар тузилишининг шаклланиши ва ривожини ҳозирги кунгача жуда кам ўрганилган. Ёзма манбаларнинг унча кўп бўлмаган материали йиғилган, манзилгоҳнинг кичик майдонлари қавланган, улардан моддий маданият буюмлари топилган.

Шохрухия шаҳри қадимда Сирдарёнинг ўнг соҳилида, дарё кечувининг стратегик муҳим қисмида кичик қишлоқ сифатида шаклланиган. Шаклланишнинг илк даврларидаёқ манзилгоҳ кичик ўлчамларга эга бўлган, чамаси уни бошқа массивлардан ўраб турувчи цитаделнинг муҳофаза деворлари мавжуд бўлган.

Шарқдан қишлоқни ҳосилдор ерлар ўраб турган, бу эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги турар жой қурилмалари учун майдонлар ажратиш имконини берган.

Шохрухиянинг қадим турар жой массиви дарёнинг қарама-қарши томонидан ғов ва жарликлар кўринишидаги табиий тўсиқлар билан ҳарбий ҳужумлардан ҳимояланган дарё юқори соҳилидаги биноларнинг катта гуруҳини ташкил қилган. Бу ерда бир бутун хўжалик юритувчи оддий жамоалар яшаган. Уларнинг уйлари ўзаро ўтиш жойлари билан бирлашувчи

тор гуруҳларни ҳосил қилган ҳолда нотекис жойлашган. Кичик истехком-цитадель қишлоқ маркази бўлган, у ерда сардор яшаган, қимматбаҳо ёдгорликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланган, шунингдек маданий вазифадаги ибодатхона жойлашган

Шош тепа. Чоштепа кўчаси яқинида Ўзар кўчаси. Шаҳарнинг Зангиота мажмуи томон йўналишидаги чеккаси Тошкентнинг қадмий ўтрок деҳқончилик маркази Шоштепа кўхна шаҳрида Жўнарик ёқасида Ўзар кўчасида жойлашган. Мазкур илк шаҳар касабаси ярим ертўла тарзидаги турар жойдан иборат бўлган. Касаба аҳолиси жун ва кунжут толасидан газлама таёрлаш чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғилланган. Бир замонлар салбсимон тархли бино зардуштийлар ибодатхонаси бўлган баланд тепалик ҳозирга қадар сақланиб қолинган. Мазкур бино ундан янада қадимийроқ бўлган бино таглигида милoddан аввалги II-асрларда барпо этилган. Барча иншоотлар ҳом ғишт ва пахсадан қурилган. Тошкент шаҳрининг вужудга келиш санаси мазкур ёдгорлик бўйича белгиланади.

Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларида деҳқончилик эрта тараққий топиши натижасида ҳудудда шаҳарлашув (урбанизатсия) ҳам тезкорлик билан ривож топа бошланган. Ҳозирги Тошкентнинг ҳудудида бунганлиларнинг бир жамоаси Жўн ариғи бўйида қўним топган. Ўшда даврда Чочтепанинг умумий майдони 25 гектар атрофида бўлиб икки: ташқи ва ички манзилгоҳлардан иборат эди.

Дастлабки ички манзилгоҳ (150x120м милoddан аввалги VI-VII -асрлар) Тупроқ қўрғон билан муҳофазаланган эди. Кейинги ташқи манзилгоҳ Жўн ариғининг қарши томонида барпо бўлган. Чочтеанинг устки археологик қатлами эса Сирдарёнинг қуйи воҳаларидан қўчиб келган қовунчи маданиятига мансуб жамоалар фаолияти билан боғлиқ.

Қовунчиликлар маданияти шаҳар маданияти ҳисобланади. Улар ҳом ғишт ва пахсадан қурилиш ишлари олиб боришни юқори даражада эгаллашган эди. Улар милoddан аввалги II-I-асрларда Чочтепада қадимги бургакликларнинг қишлоқ ҳаробалари устида ҳомғиштли девор билан

ўралган айлана тархли қала-қўрғон барпо этишган. Диаметри 50 метрдан ортиқ бўлган қўрғон деворининг ўртача қалинлиги 6.5 метр атрофида бўлиб ичида йўлак қолдирилган. Улардан ташқарига чиқадиган буржлари-дарвозалари бўлган.

Деворда душмандан ҳимоя вақтида фойдаланиш учун шинаклар қилинган эди. Қўрғоннинг марказида 22 метр атрофида бўлган мурабба (квадрат) тархли марказийбино жойлаштирилган. Бу бино ўртасида икки: бири кенгроқ бошқаси торроқ зал эгаллаган. Уларни тўрт тарафдан раҳров (коридор) ўраб туради. Ундан марказий қисм томонларининг ўрталарида туташтирилиб қурилган тўрт чекка хоналарга ўтиш мумкин. Бинонинг ташқи ўлчамлари 30 метрдан ортиқдир. Чочтепа хоналарининг пардозида қизил ранг қўлланилганлиги унда деворий суратлар бўлганлигидан далолат беради. Бино қала-сарой вазифасини ўтаган бўлиши керак. У ибодатхона бўлган деган тахмин ҳам бор. Чочтепанинг янги жагал ўзлаштирилуви милодий III-IV-асрларга тўғри келади. Тошкентнинг кейинг ўрта асрлардаги ҳаётида ҳудуддаги етакчилик Чочтепадан Минғўриққа ўтади. XVI-асрга келиб эса Чочтепа бутунлай вайронага айланган.

Чочтепага Тошкент шаҳарнинг дастлабки қаласи сифатида қимматлидир. Унинг бунёд этилиши Тошкент микроҳоҳасида шаҳарлашув жараёни бундан 22 аср бурун бошланганлигидан Чочтепа кўп қатламли археологик ёдгорлик. Тошкент шаҳарҳудудида қад кўтарган энг қадимги қишлоқ ва илк қўрғон Чочкатнинг ҳаробалари (милoddан аввалги VI - XVI - асрлар). Ёдгорлик Жунариқнинг чап ва ўнг соҳилларида жойлашган бири тик ва баланд иккинчи яссироқ улкан тепаликлардан иборат. Дастлаб туркистон археология тўғараги азоси Н.С. Ликошин томонидан қайд этилган Н.П. Остроумов археологик қазилар ўтказган (1896); Г.В. Григорев текширган (1934) Н.И. Крашенинникова (1956) Р. Дадабоев (1970) лар археологик кузатишлар олиб борган. 1978-йилдан Тошкент археология экспедицияси (В.И. Спришевский, М.И. Филанович) томонидан мунтазам археологик қазилар ўтказилган.

Археологик татқиқо лардан малум бўлишича милоддан аввалги III-асрда Жан Урал ва Сарқий Орол олда минтақаларидан жанубга томон силжиган кўчманчи чорвадор қабилалар Чочкатни вайрон қабристонга айлантирганлар. Милоддан аввалги II-асрларда Шоштепа ҳаробалари устида атрофи қалин айланма декор билан ўраб олинган доира шаклидаги қала кўрғон қад кўтарган.

Шошнинг маданий қатламлари кўпдан-кўп ашёвий топилмалар қайт қилинди. Улар орасида уй-рўзғор буюмларихум ҳумча кўзатова фил суяги. Бу топилмалар милодий II-I – асрларга мансуб бўлиб Чочда қадимда хатсавод бўлгани ҳамда Шоштепаликлар қарвон йўли Ўрта Шарқ мамлакатлари билан алоқада бўлганидан далолат беради.

Топилмалар кўчманчи дашт билан ўтроқ деҳқончилик асрлар давомида ёнма – ён яшаган ҳамда бир-бири билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. V- аср ўрталарида чорвадор эфталитарниг жанубга томон силжиши оқибатида Шошда қадимдан оташпарастлик ибодатхонаси бўлган ҳош шаклидаги марказий бино қабристонга айлантирилган. Гарчи шаҳарда қад кўтарган кўрғон тўлиқ шаҳар қиёфасида шакилланмаган бўлсада бироқ у Тошкент воҳасида шаҳарсозлик маданиятини шакилланиши ва ривож тарихини татқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга ёдгорлик ҳисобланади.

Тошкентнинг жануби-ғарбий шаҳар ташқариси ҳудудида, Чинозга олиб боровчи қадимги йўл бўйлаб ўрта аср илоҳиёт илми вакили Зангиота номи билан аталувчи қишлоқ жойлашган. Аҳоли пунктнинг авлиё қабрининг ибодати негизида юзага келиши ва ривожланиши ислом Шарқи шаҳарсозлигида кўп учрайди.

Зангиота қишлоғи, ёши ҳали археологик томондан белгиланмаган қадим шаҳарлар қаторига киради. Буюк Ипак йўли трассасида жойлашиб, ўз тарихи давомида Зангиота аҳоли пункти қўшни қишлоқлар билан доимий алоқада бўлган ва ўзида уларнинг таъсирини сезган. Ғарбдан-бу, 2,5 минг йилдан ортиқроқ археологик белгиланган ёшга эга Қовунчитепа манзилгоҳида мавжуд бўлган кўҳна шаҳар. Икки аҳоли пункти орасидаги

масофа пиеда икки соатни ташкил қилган ва чамаси, савдо-иқтисодий алоқалар доимий бўлган.

Шарқдан, карвон йўли йўналиши бўйлаб, худди шундай ораликда Шоштепа қадимги шаҳрида ҳукмдор қароргоҳига эга шаҳар манзилгоҳи жойлашган.

Қадим Зангиота цивилизациясининг ривожига Қовунчитепа шаҳрининг маданий анъаналари катта таъсир кўрсатган. Эҳтимол, Қовунчи гуллаб-яшнаган вақтларда (эрамизгача биринчи минг йиллик охири) бутун сераҳоли Зангиота райони унинг провинцияси-маъмурий бўлинмаси ҳисобланган.

Янгийўл шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар тарихини ўрганиш тарихий-меъморий мероснинг ўзига хос вазифалари соҳасида қадимги давр, ўрта асрлар ва ҳозирги замон меъморлари ютуқлари манзарасини тасаввур қилиш, уларни перспектив ҳис этиш ва ўз ғояларини амалга ошириш имконини беради.

Бугунги Янгийўл районининг вазифаларидан бири - бу ерда мавжуд ўтмиш ёдгорликлари (Қовунчитепа, Югантепа, Нишбоштепа) асосида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, Қулқудуқ ва Салор қадимги каналлари бўйидаги ноёб ландшафтни тиклаш, тарихий биноларни қайта тиклаш ва оммавий сайёҳлик учун шарт-шароитлар яратишдир.

Юнусобод Оқ тепа. Юнусобод Оқ тепаси-ўрта аср археологик ёдгорлиги (V-XIII асрлар). Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида Оқ тепа канали бўйида жойлашган. 1886-йил В.П.Наливкин қайд қилган. 1940-41-йилларда А.И.Тереножкин қазилмалар олиб борган. 1975-йил ва 1977-85-йил Тошкент археология экспедицияси (М.С.Мершиев, М.И. Филанович) томонидан ўрганилган. Жанубий томони баланд ва тик тепалик кўринишдаги кўшкли кўрғон-қаср ва истехкомсиз қишлоқ харобаси. Майдон қарийиб 100га. энг баланд қисми 21м. Кўшли кўрғон (86-180м) шимолдан жанубга томон чўзилган ва қишлоқдан чуқур жарлик билан ажратилган

қазишмалардан малум бўлишича, V-асрларда қаср дўнглик устига уриб чиқилган пахса тапсурчида қад кўтарган. У узун ва кенг зинапоёга ўхшатиб қурилган икки қаватли бунодан иборат бўлиб уни биринчи қаватини майдони 80x80 м ва юқори қаватининг майдони 50x50 м га тенг. қасрнинг ҳар икҚалъа қаватининг ичкари томонига узун йўлак-галерея бино қилинган ва ташқариси баланд девор билан ўралган. Ташқи девор ва томи равоқсимон қилиб ёпилган. Пахса блоклари (70x70x70см) ҳамда 48x24x10 см ҳажмдаги узун ҳом ғиштлардан ишланган. Йўлақлар ҳалқасининг кенглиги 2м баландлиги 2.3м. Устки қатор йўлақлар бурчакларида гумбазли думалок хоналар бўлиб улар ташқаридан доира шаклидаги минораларни ҳосил қилган. Квадратнинг ички қисми узун энсизтоми гумбазли хоналардан иборат бўлиб улар қатор йўлақларга туташган. VII-аср бошларида тор хоналар тупроқ билан тўлгазилиб мустаҳкам тагкурсига айлантирилган ва устига бинолар қурилган. қасрнинг тўрт бурчаги мустаҳкамланиб унинг жанубий-ғарбий қисмида майдони 22x22 м ли кичик бино қилингн.

Сақланиб қолган иморат қолдиқларига қараганда кўшк ҳам икки қаватли бўлиб унинг пастки қаватида ровоқли хоналар юқорида эса мулкдорнинг уй-жой ва меҳмонхоналари жойлашган. Кошкдан шимолроқда 10тача хоналар очилиб улар ибодатхона мажмуасиданиборат бўлган. Кўшкнинг шарқий қисмида 9 та узун болахонали уйлар қовлаб очилиб айримларининг ичида девор бўйлаб энсиз суппа орқа деворида ёруғлик дарчалари тўсин туйнуклари сақланган.

Оқ тепанинг қасрга ёндошган қисмида ҳам қазиш ишлари олиб борилиб кўрғоннинг ташқи девори ҳовли ва девор бўйлаб чокарлар учи қурилган турар жойлар кўшка томон йўланган кўтарма йўлнинг бир қисми ва дарвозахона олди иншоотлари қовлаб очилган.

Қазиш жараёнида сопол буюм бўлақларидан ташқари тош суяк металллардан ясалган қурол-яроқ зеб-зийнат жумладан темир пичоқ ҳанжар болта ўроқ уч парракли ўқ пайконлари ва ҳоказолар топилади. Топилмалар орасида нуроний муйс тасвирили терракота айниқса диққатга сазовор.

Шунингдек V-асрдаги маҳаллий ҳунармандларнинг кумуш тангалари 12 та дирхам ҳамда сурд ёзувли мис танга қайд этилган.

Мингўрик. Шимолий вогзал яқинида Саййид Барака ва Моштабиб кўчалари оралиғидаги даҳа. Ҳозирги Тошкент ҳудудидаги энг қадимий шаҳар тузилмаси бугунги кунда Барака ва Моштабиб кўчалари ўртасидаги баланд тепалик (15 метр) ҳисобланади. Энг юксак ривожланиш даврида VII-VIII- асрларда бу ерда “Чоч мадинаси”- қадимий Тошкент мавжуд бўлган. У мустаҳкам қала бўлиб унда баланд қасратрофида эса қала билан ўралган шаҳар жойлашган. Ўша замонда шаҳар эгаллаган майдон 35 гектарни ташкил этган. Мингўрикнинг сақланиб қолган кичик бир қисми ярим доирасимон минорали квадрат тарзидаги бинодан иборат. Ҳозир мазкур объект жадал археологик қазишмалар ва тамирлаш ишлари олиб бориляпти. Ёдгорлик ҳудуди келгусида очиқ осмон остидаги археологик хиёбон сифатида қайта курилади.

Қадимги шаҳар харобаси (I-X II -асрлар) маҳаллий аҳоли ўртасида Афросиёб тепалиги номи билан ҳам машҳур бўлган. Минора қаср ва шаҳристоннинг тепаликка айланган ҳудудидан иборат. Тошкент темирйўл вагзали яқинида Салар канали соҳилида жойлашган. Шаҳар харобаси ўрнида XIX-асрда ката ўрикзор бўлганлиги учун шундай аталган. Ҳозир шаҳар курилиши муносабати билан ёдгорликнинг маданий қатлами бузилиб кетиши натижасида Мингўрикнинг бир қисмигина сақланган. 1-март 1896-йил Э.Т. Смирнов Н.С. Ликошин томонидан кейин 1912-йил А.И. Добросмыслов Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарағи азолари томонидан қайд қилинган. XX-асрлар М.Е. Массон археологик кузатиш ишлари олиб борилган. 1-қазиш ишлари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институти томонидан ўтказилган. 1968-йилдан Тошкент археологик экспедицияси давом эттирган. Бу ишлар натижасида шаҳристон 15 га. арк 0.5 га. майдонлари шаҳар ҳаётининг 3 асосий босқичини аниқлаган. 1-босқич I-IV-асрларга мансуб бўлиб ички турар жой комплексини муҳофаза

килган узун йўлаккли кўшқатор қала деворлари қолдиғи топилган. Девор ташқарисида ўнга ёндоштириб қурилган тўртбурчак бурж ва муллалар бўлиб уларнинг ораси 12 м га тенг бўлган. 2-босқичда V-VI-асрлар шаҳар тер сурада ривожланиб аҳоли сони ошиб бориши натижасида мустахкам арк ва шаҳристонга энг йирик шаҳар марказига айланган.

VI-аср охирида шаҳар чочнинг пойтахти бўлган. Араб манбаларида тилга олинган “Мадинат аш-Шош” шу ёдгорликнинг айнан ўзи деб ҳисобланади. 3-босқич VII- VIII-асрлар Араб халифалигининг Чочга юриш арафасида энг юксалган давр бўлган. Барча меморий қурилиш услублари комплекси ички безакларда ҳашаматли деворий тасвир ва нақшлардан фойдаланиш уй рўзғор асбоб-ускуналари идишлар Мингўрикнинг умумсуғд маданияти асосида Суғд Фарғона ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойлари билан мустахкам алоқада ривожланганидан далолат беради. Шу билан бирга шаҳар турмуш тарзида кўчманчи қабилаларнинг тасири катта бўлган.

Шаҳар қурилиши кенгайиб борган сари қала деворлари торлик қилиб унинг харобалари устига шаҳристон уйларига нисбатан салобатли сарой қаср комплекси-Чоч ҳукмдорларининг саройи қурилган Саройда супа ва нақшкор устунли ҳашаматли хоналар ва ибодатхоналардан ташқари қўшимча хоналар ҳам бўлган. Бу даврда Чоч ўлкаси Турк хоқонлигига тобе бўлган.

Манбаларда қайд этилишича мусиқа ва рақс санати айниқса юксак поғонага чиққан. VIII - аср бошларида Чоч пойтахти араб халифа истилочилари томонидан вайрон қилиниб ҳаробага айлантирилган.

Тошкент воҳасида ўтроқ дехқончилик ва илк шаҳар маданияти қадимий бўлишига қарамай шаҳарнинг ўз тарихи милоддан аввалги I-аср охиридан ёзма манбалар ва ҳозирги шаҳар ичидаги қадимги шаҳар харобаси сақланиб қолган вақтдан бошланганини кузатиш мумкин.

Мингўрикдаги иншоот қурувчи маданияти мажмуаси қаторида олов ва қуёшга этиқод қилишнинг асосий диний маркази сифатида Талас ёдгорликлари сирасига киргандеган таасурот туғилади. Археологик ташқиқотлар Қовунчи маданияти ананалари жануб ва ғарбга тарқалганини

тасдиқлади. Ўша вақтда бу маданият мажмуаси вакиллари билан бирга оловга сифинувчиларнинг қасрлар қуриш тамойилларини Бухоронинг шимолига олиб ўтганлар.

Чоч тўғрисида ҳикоя қилувчи илк ёзма манбалардан бири Хитойнинг катта хан сулоласининг йилномалари ҳисобланади. Мазкур салномани Хитой элчиси Чжан Тцизян аввал хунлар қўлида ўн йил асирликда кун кечирган.

Ангрен. Ангренда йўлга қўйилган темир қазиб олиш бўйича аҳамиятида унинг номида ҳам намоён бўлади Ангрен “Оҳангарон” номининг қисқартмаси бўлиб, бу жой тарихий манбаларга қараганда XIII асрларда тилла олинган бўлиб, “Темир ишлари устаси” маносини билдирган. Қўлга киритилган темирлардан турли меҳнат ва ов қуроллари тайёрлаганлар – Қайчи, игна, пичоқ ва х.к лар. бу анжомлар савдо манбаи бўлиб ҳам хизмат қилган.

Оҳангарон 911 йилда Оҳангаронда, Сарисуна, Ангренга қуйилиш жойида овал шаклидаги ассуарий топилган. Унинг ичида одам суяклари топилган. Ассуарий – суяклар юмшоқ қатламлар тозаланиб сўнгра одам суяклари сонини кўмиладиган махсус жойдир.

Бир қатор олимларнинг таъкидлашича XIII асрдаги Мўғил босқинчилари фойдали қазилмаларни қўлга киритишда асло ўз тасирини кўрсатмаган аммо шуни ҳисобга олиш керакки шаҳарларни вайрон қилин қишлоқ хўжалигининг пасайиши туманларнинг тавар айрбошланга жиддий салбий тасир кўрсатган. Шош – Илоқ тумани ҳамда Ўрта Осиёнинг барча қисми шу жумладан Оҳангарон тумани, Кунамин хрептаси Мўғиллар томондан ёзги тўхташ жойи ва қишлоқ учун киритилган олимларнинг таъкидлашларича Мўғил қабилаларининг авлоди халигача шу жойларда ҳозиргача яшаб келмоқдалар.

Бўстон /Сиджак/ Нанай бу тоғли жойларда XIX асрларда темир қазиб олинган. Боғистон – қишлоғи Чорвоқ сув омбори Нанай кўпригининг қуйи қисмида Нанай ва Бурчимиллаоралиғида жойлашган. Бўстон номи “Боғу –

бўстон” сўзларнинг қоришмасидан ҳосил бўлган. 1961 – 1962, 1964 – 1965 ва 1967 йиллардаги сув омбори сув билан тўлдирилган аввал олиб борилган тадқиқот натижаларида қўлга киритилган археологик материаллар шуни кўрсатадики Бўстон тереториясида Эрамиздан аввалги 3 асрлардан бошлаб ҳаёт мавжуд бўлганинг аниқлаган. Қазилма ишлари Когдовтенада олиб борилган. Кадоваттепага думалоқ шаклда бўлиб 90х60 хажимда, баландлиги эса 12м Пскем ўзанидан 40м га кўтарилади ва дахлсиз тўсикни ҳосил қилади. Маданий Қатламнинг 16м ни ташкил қилади. Бу эса ҳозирги Бўғустон тереториясида доим ҳаёт қайнаганини билдиради. Бу ерлардан кўплаб метал буюмлар қадимий тангалар, тақинчоқлар, шина тошлар ва суяклар топилган. Бўғустон ва унинг трофида тўпилган топилмаларнинг энг диққатга сазовори бу тош даврига талукли икки юз дан ортиқ ов ва иш қуролларидир бу топилмалар юқори палсад даврига таълуқли бўлиб тахминан 100 – 110 минг йиллар аввалги давр ҳақида сўзлайди.

Кадоваттепа ва Боғистоннинг тарихини ўрганиш учун ажратилган вақтнинг қисқалиги ҳамда унинг аллақачон сув тагида қолгани сабабли ҳам ўрганилди ва маълумотлар етарли ва тўлиқ эмас. Вахоланки 16 метрлик маданий қатлам ўрганилса унинг тарихи бойлиги ва қизиқарли эканлиги Самарқанд ва Шохруҳия ва Хиндиктепадан кам бўлмас эди. Ўртаосиёнинг бошқа қадимий маҳаллалари шу жумладан Боғистонда Пскент ва Чирчиқнинг водийлардаги узлуксиз ҳаёт давомийлигини муқаддас қадамжоларнинг кўплигини мазорлар тасдиқлайди. Бўғустоннинг ўзида бундай жойлар бир нечта – Биси мазор, Умар Ваний, Шанто, Мерган ота, Ойнак ота, Қулоп мазор, кавсар ота.

Шахмар бува мазори – (Умар Вали, Бўғистоний, Шайх Умар Вали) Мозорсой ва Пскенинг қўшилиш жойидаги қишлоқнинг ғарб томонида Бурчимулла – Бўғистон йўлларнинг ўнг томонида жойлашган ажойиб мевали боғда иккита мавзали жойлашган бу мавзалеялар қадимги даврларга талукли бўлиб уларнинг бири Боғистоний тахаллусини олган. Улар Валига тегишли

зиёратгоҳ XVII – XIX асрларда қурилган. Бино тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб 8.8 га 4.85м, баландлиги – 2,3м ни ташкил этади.

Шайх Умар Вали халифа Умарнинг авлоди хисобланади. Халифа Умар Мусулмонлар аломадаги “Халифаи Рашидун” номини олган 4 халифанинг биридир. Умар вали Бўғустоннинг ўғлига яни бўлажак шайх Хованди тарихига қолдирган васияти сақланиб қолган – “Мулла бўлма, Шайх бўлма, Мусулмон бўл!”.

Суфийларнинг анъаналарига кўра ҳар бир Эшонга мерос қилиб маълум бир қисмини ёки қишлоқни мерос қилиб қолдирган. Бу ерда улар ўқувчиларга таълим бергнлар, Ислонни ўргатганлар Бундой ҳудудлар “Чорвоқ” ёки “Боғучорвоқ” деб номланган айнан шунинг учун сув омбори Чорвоқ номини олган чунки у ҳудудни қачонлардир Шайх Умар Вали Бўғистоний ва унинг авлодларига тегишли бўлган.

Умар Валининг мазорида Арап ёзувли қайроғи бод унда 7 та сатр 1189-йил (1775 хижрий) саналари қўйилган сатраларни ўқиб чиқган олимлар унинг Шайх томондан ёзилганинг тасдиқладилар. Мозор қаровчиси Акрамов Қўчқорнинг 1909 йилда туғилган. 1988 йилда ёзилган афсонага қараганда Умар Вали зўр боғбон бўлган қишда унинг боғида узумларни учратиш мумкун бўлган. Янги узилган узумлар билан меҳмонларни лол қолдирарди. Унинг мўъжизаларидан бири диққатга сазовордир. Кунлардан биркун унинг олдида уч киши вақтинча ишга ёнланиш учун келишибди. Шайх уларга ишларни тақсимлаб катта майдонни бегана ўтлардан тозалашни топширибди. Ишчилар дуо ўқиган экан майдони бегона ўтлардан шу зохотиёқ тоза бўлибди. Умар Вали уларнинг меҳнати эвазига хизмат ҳақи сифатида бир коса қатиқ берган экат уч овларнинг чанқоғи қониб қорни тўйган экан.

Доуд мазори. (Ховонда Тохирнинг ўғли)унинг мазори Умар Валий Мавзолийдан бир неча метр узоқликда жойлашган. Бу унча катта бўлмаган замонавий қўш томли бинодир. Мавзолийнинг бир бурчагида улкан асрларга тенг арча жойлашган. Қўчқор отанинг айтишича авваллври мазорда катта

кабр тоши бўлган. баландлиги 1 метр бўлиб унда ёзувлар бўлган, аммо у ёзувларни Боғустон муллалари ўқий олмаганлар.

1978 йилда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб тошни ўғирлаб кетишган. 2002 йилдан мазорда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Янги зиёратгоҳ қурилди. Узоқдан келган мэхмонлар учун дам олиш жойлари, ошхоналар қўринади. Боғистондаги ҳатто Пскел водийсида бўлгани каби Ўрта Осиёда, Тошкентда бўлиб ўтаётган воқеалар билан узвий боғлиқдир. Хожикент ҳақидаги воқеаларда айтилишича 1405 йилда Амир Темурнинг ўлими ҳақида хабар келиши биланоқ Боғистон аҳолиси тоғ томонга қочишган. Улар солихлардан қийноқлардан, давлатнинг ва унинг хизматчиларининг ноҳақлигидан қийналиб қочганлар. Бундай қишлоқларда Бири Ахсарсой водийсидагидоғлардан бўлиб яни 50 йилларгача бу қийноқлар мавжуд эди. Ҳозир қишлоқ ўрнида “ТошХалати бобо” муқаддас жойи сақланиб қолган икки улкан дарахт ерларни қўриқловчи руҳлар манзили ҳисобланади.

Боғистонда олиб борилган ер қазилар ишлар натижасида бир қанча қадимий анжомлар, ҳазиналар топилган. Бу топилмалар илмий аҳамиятга эга ва тасвирли санъат оламида ҳам жуда қимматлидур.

1969 йилда Умар Валий мазори атрофида қумуш тангалардан тош топилган. Қумуш тангаларнинг аниқ сони мавжуд эмас чунки ҳазина қазиб олинганда иштирок этган одамлар томонидан талан тарож қилинган. Тангаларнинг атиги икки донаси археолог Ю.Ф.Бўроновнинг қўлига тушган ва улар Ўзбекистон Археология институти илмий Академиясига топширилган. топилмалар XVIII асрга таълуыли бўлиб, Чагатантлар томонидан ясалган. Чиғатойлар Чингизхоннинг авлоди бўлиб уларга Ўрта Осиё шаҳарлари меърос сифатида қолдирилган. 1913 йилда Сара исимли аёлга гўр қовланаётганда гўрков ерда қаттиқ жисмга дуч келган. Яхшилаб қараса 10 см лал келадиган сопол кўза тўла оғзигача бўлган тангалар билан тўла бўлган тангаларни санаган.

Ҳеч ким шошилмаган. гувоҳларнинг айтишича тангалар оқ рангда юпқа қоғоздек бўлган экан. Тангаларни йиғилганлар бирма – бир олиб кетишган.

Ҳазинининг асосий кўп қисми мархуманинг оиласига ва фарзандларига қолган. Олимларга фақатгина тахмин ва фаразлар қилиш қолади ҳалос. Тангаларнинг таърифига кўра бу тангалар XI – XII асрларга Қорахонийларга тегишли бўлган.

Дукент. Археологик ёдгорлик Ангрен шаҳрининг ишлаб чиқариш зонаси жойлашган қисмида, Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган. Дўнглик баландлиги 6 дан 8 метргача, диаметри 60м, унинг майдони 500 – 150 метр. Бу ерда 1961 йили қурувчилар XI – XII асрга таълуқли оғирлиги 100 ва 70 граммга тенг бўлган 2 та тақинчоқ топилган.

1961 йили Дукент атрофидаги ғорлардан биридан Берестянная грамота топилган. Бу варроқларга бўйламасига қора сиёҳ билин ёзилган. Олимларнинг аниқлашича, бундай нозик қоғозларга ёзилган ҳужжатлар Буддийларнинг китобини бир қисми бўлиши мумкин ва тахминларга кўра XV – XVI асрларга таълуқли Буддий – Мўғилларнинг махфий диний ташкилотига таълуқли. 1952 йилда Дукентсойнинг ўнг қирғоғида, Ангрендан 12 км узоқликда 1499 та қумуш танга топилган.

1961 йилда Дукентдан улкан танга ҳазинаси топилган. Бу тангалар 1533 йиллардан 1549 йилларда чеканитъ қилинган. Ҳазинада 70 дан ортиқ мис ва қумуш тангалар бўлган бир неча йиллардан сўнг 1965 йилда Дукентда маҳаллий ҳоли томонидан XIV – XV асрларга таълуқли 329 та қумуш тангадан иборат ҳазина топилган.

Думалоқ тепа. Ғазалкентдан 34м узоқликда, Сирчиқнинг соҳилида тепалик бор. Бу тепалик думалоқ ёки юмалоқ тепа деб номланади. Тепалик Сойнинг ўнг соҳилида жойлашган. Тепаликнинг диаметри 40м дан ортиқ, баландлиги 4 – 6м тепаликнинг тепаси Оқ ва қизил гранит ва сопол билан қопланган.

Намданак. Пскент тепа – қишлоғида жойлашган археологик ёдгорлик, у Ётти сой ва Бошқизилсой оралиғида жойлашган. Эрамиздан аввалги йиллардан XIII асрларгача тегишли материаллар топилган. Диаметри 5 м бўлган ер ости мостида бу ерда ғароиботлардан биридир.

Намданак қишлоғида, Чўянбулоқсой сохилларидаги топилмалар эса бу ерларда темир қазиб олингандан ва ундан айрим рўзгор буюмлари ва ов қуроллари ясалганлигидан далолат беради. XIX асрларда Намданошда “Оқтош” қазиб олинган, бу тош юмшоқ ишлов беришга қулай ҳисобланади.

1878 йилнинг боҳори эрта ва илиқ келади. Намданакнинг тўғрисидаги Челантепа қизил Қизғалдоқлар гуллаб гулли ҳамдек ётади. Сичқонлар ва сусликлар инларини янгилаб, келажак авлодлари учун ер қазиб янги инлар қазитарди.

Намданак қишлоғида чшовчи Баҳром Қаламхўжаев бу ерларда кўп йиллардан бери пода боқар ва жойнинг ҳар бир қаричини яхши битарди. Бу кун ҳам ҳар кунгидек оддий бошланади. ҳаммаси оддий фақатгина гул эди. У шу ўй ҳаёллар билан кетаётиб сичқон инни ёнида думалоқ ва қуёшда ялтираб турган нарсага кўзи тушди нима бу? ... Нахотки...? Баҳром бу нарсани қўлига олди ва бармоқлари билан ишқаласа танга янада жиловланиб кетди Чўпи билан инни қовлай бошлади, жиддий ускуналарсиз қовлай бўлмас эди. Кегинги қу Баҳром ўзи билан олиқ келди ва бир пасда инни қовлаб ташади. 1 метрлардан сўнг кэтмон қаттиқ нарсага урилди. Аниқроғ бу хум эди Бундай хумлардан аввалари ёғ ёки дон сақланган. Яна бир неча мартта кэтмон зарбидан хум очилиб ичидан олтин ва қумуш тангалар сочилиб кетти. Баҳром қўли билан тупроқни тозалаб тангаларни ажратишга тушди. Яна баландлиги 80см гача келадиган яна бир олтинча тўла хум ва қимматбаҳо тошли тақинчоқлар идишларини топди қўлига сиғунча, удалай олгунча қўтариб уйга олиб кетди. Қишлоғига бориб яқинларига хабар берди. Кегинги кун бир неча киши бўлиб келиб ҳазинани ҳаммасини қовлаб олишди. Ҳазинани тенг 3 га бўлганда 5 қопдан тўғри келди.

Намданак қишлоғи аҳолисининг ҳар – бирининг ота – боболаридан қолган ери мавжуд. Бу ерлар наслдан – наслга мерос бўлиб қолган. Бу ернинг бир қисми Оқирши бува мазорига тегишли ери шу билан бирга ҳеч кимга таълуқли бўлмаган ерлар ҳам бўлиб бу ерлар “Худо ерлари” деб аталиб ерлар ҳеч кимга таълуқли бўлмаган. Шу тариқа ҳазинининг бу тарзда бўлиши ким

учундур адолатли, ким учундир адолатсиз деб хисобланиб қолаверди. Челантепа қоялиги Хар тарафдан кўриниб туради. Красногорс, Намданак, Сўқоқ, Невич, Заркент, Қоратухум, Жамбул ва бошқа тоғ олди мавзелардан Челантепани яққол кўриб туриш мумкун. Бу тоғолди Яшаш жойлари Ўрта асрларда еттисой деб аталган.

Петербурглик машхур шарқшунос олим Николай Иванович Веселовский (1848-1918) Туркистонга 1885 йилда келган. Унинг мақсади археологик қазилмалар олиб бориш бўлган. Шу сабабли у иш бошлашдан аввал маҳаллий аҳолидан қазилма ишларини олиб бориш учун қулай ва самарали бўлган жойлар ҳақида сўраб суриштирган. Бу ердан топилган хазинанинг мавзуси ҳали хануз маҳаллий аҳолининг хотирасидан ўчмаган шекилли қазилма ишларини олиб бориш учун Намданакни танлади. Олим 1885 йилнинг йиғин сочиннинг январ ойида Чилантепага етиб келади. Унинг ёзишича (ноқулай об ҳаво) шароит туфайли у ўзи хохлаган ҳажмдаги қазилма ишларини олиб бора олмади. Олиб борилган сайи ҳаракатларнинг натижаси шунчалик аҳамиятсиз бўлдики, ҳатто 1973 йилда чоп этилган Тошкент вилояти Археологик ёдгорликлар маълумотида “қазилма ишлари олиб борилмади” деб ёзишни афзал кўришди.

Ҳозирги кунда ҳам қазилма ишлари олиб борилмайди охириги изланиш иши 1963 йилда Чотқол – Қурамин археологик отряди томонидан Ю.Ф.Буряков раҳбарлигида олиб борилган. Шунда баландликни ажойиб қатламлардан ташкил топганини кузатилган. 45м. баландликнинг энг юқори 2м. га яхлит пахса урилган. Бундай маҳобатли баландликни ҳосил қилиш учун сайи ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади. Ю.Ф.Буряков (Ўзбекистон Республикаси Илмий Академияси академиги тарих фанлари доктори) бу археологик материал эрамиздан аввалги IV – VI асрларга таълуқли эканлигини аниқлади.

Бу ерда ғорлар ҳам хануз чўпонлар учун ёғингарчилик пайтида бошпана бўлиб хизмат қилади. Баъзи ғорлар 2 хонали бўлиб поли тош билан терилган. Ғорнинг оғзидан Бошқизилсойнинг бутун водийси қафтдек кўриниб туради.

Унинг пастида эса ханузгача қадимий катта хумлар ҳар – хил идишларнинг қолдиқларини кўришимиз мумкин.

Нанай (бошқа номли Динаптепа) Пскемнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, бу жойда дарё тик бурилиш ҳосил қилади. Бу ерда археологик қазилмалар олиб борилмаган, аммо бир қанча топилмалар топилган. Қизил сопол идишлар, хумлар, VII-VIII асрга тааллуқли деб топилган.

Археология кузатувлардан кўра «Нанай 1999» экология, Этнографик тадқиқот натижасида кўпроқ маълумотлар йиғилган. Бу экспедиция «Работ Малик» саёҳатчилар ассоциацияси томонидан ташкил қилинган бўлиб, экспедиция маҳаллий аҳолининг сўзларидан олинган афсоналар билан бойитишган.

Нанай қишлоғининг келиб чиқиши ҳақида ҳам қизиқ афсоналар бор.

Қадимда одамлар яшаб турган қишлоқларни жиддий сабабларга кўра тарк этиб бошқа жойга чиқишларига тўғри келса, кўчиб ўтган жойларига ҳам яшаб турган қишлоқларини номини қўйишган. Бундай ҳолатлар патанологик тадқиқотлар натижасида қайд этилган. Бу тадқиқотлар Э.Мирзаев, С.Капаев, Х.Хасанов, В.Нинанов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Демак яшаш учун яхши ҳамда қулай жой қидирган аллақандай аҳолиси ҳақидаги афсона ҳаққоний илдизга ега. Шу қаторда Фарғоналик Нанайлар ҳам манзилларига қадимий ном берганлар, айтайлик қадимги Худолардан Нанай (Анани – Ананий, Нана) Бу Худолар қадимги Месопотамияда жуда ҳурматга сазовор бўлган ва улуғланган.

Нанай – қадимги Худолардан бўлиб барча жонзотларнинг онаси ва Ҳосилдорлик худоси.

1999 йилда маҳаллий аҳоли Иномжон ака Азметов (1930 туғ) томондан Нанай қишлоғини ва Нанай номининг келиб чиқиши ҳақида қизиқ маълумотлар олдик. Иномжон ака ўз қишлоғини тарихини ўрганиш билан мўғуллар. Ўлкашунослар ҳам унинг қизиқиши ҳисобланади. унинг айтишича Нанай номининг келиб чиқишининг бир неча ривоятлар бор. Шулардан бири «Нана» бу Тожиқ тилда доривор ўсимликнинг номи бўлиб Нанат шу сўздан

келиб чиққан. Бошқа бир ривоятда эса «Нона» бу Тожик худоларнинг бирининг номи бўлиб «Тоза», «Пок» деган маънони билдиради.

Қишлоқ номи афсона билан ҳам боғлиқ деб ҳисобланади ва яна учинчи ривоятда эса Нанай бу «Нон - кай» сўзларининг трансформациясидан келиб чиқган дея таъкидланади. Афсонага қараганда бу ерлар ўзлаштирилиб қишлоқ аҳолиси дарё бўйида буғдой етиштирганлар, сўнг енгил нафас олиб «Нон хай», яъни нон бор деган эканлар. Бу халқ этималогияларнинг ҳар бир мавжуд бўлишга ҳақлидр. эхтимол изланишлар давомида бу ривоятларнинг фақатгина биттасинигина ҳақоний деб топдилар.

Нанай маҳалласининг маълумотларига қараганда Искандар Зулқарнайн давридаёқ шаклланган қадимги грек тарихчилари тилга олинган «Александрга эсхата» шаҳри ҳозирги Нанай қишлоғи деб айтади маҳаллий аҳоли. Нега? Тожик тилида бу шаҳар Ахсико дейилади. Унга буюк саркарда асос солган ва ўзини иккинчи пойтахти дея атаган. Шаҳар кўриниши учун Искандар ўзининг 4 нафар янги йўлланган аскарларидан юборди. Улар қарвон саройлар ва қурилиш ишларини бошқарганлар. Асосий кўшин юришлари учун зарур бўлган химоя ва дам олиш шароитларини яратиш асосий мақсад бўлган. Кўпчилик билан бирга Грек кўшинларининг мақсади илгари ҳаракатга давом этиш бўлган.

Бу янги уйланганлар оиласи ва маҳаллий аҳоли ёрдамида 4 та крепость қурганлар – Тошкентдан то Пскемгача Ҳозирги Тошкентнинг ўрнида улардан бири жойлашган, иккинчиси Ниёзбекда, учинчиси Нанайда ва тўртинчиси Пскемда. Шу 4 оила қишлоқ асосчиларидир. 2200 йил аввал Нанай аҳолиси асосий ҳисобланишган.

Натижада бу қарвон – саройларда Самарқанд ва Хитой орасида савдо амалга оширадиган савдогарлар тўхташган. Шу тариқа қарвон – саройлар атрофида аҳоли жойлаша бошлаган. Ва аҳоли савдо қарвонларига хизмат кўрсатган, шу тариқа қишлоқлар ҳосил бўлиб ҳозирги кунга қадар мавжуд. 400 йил аввал 1608 йилда Нанай аҳолиси мажбуран бошқа жойга кўчирилган. ўзлари ўрганган тоғлик жойдан қидирган жойдан ажралмаган катта, кичик

гурухларга бўлиб, улар эхтимол, истамаган жойларда жойлашишга мажбур бўлганлар. Нанайликларнинг “улкан кўчирилиши” натижасида 50% Сарпоғорда 30% Ғазалкентда, Нанайнинг ўзида эса атиги 400 нафар аҳоли қолган. Нанай ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг шимолийлашишига аҳоли муқаддас кадам жойларнинг кўпгина Араб босқинининг ҳам таъсири бўлган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, Нанай халқи тинч, охиста ҳаёт кечирганлар. Ерларига қараганлар чорва молларни етиштирганлар, асал йиғганлар. Вақти – вақти билан миллий анъанавий байрамларда йиғилганлар. кўшиқлар куйлашган, ўз худоларини мадҳ этганлар, суйганларига бағишлаб шерлар айтганлар. тўйлар қилишган, оламдан ўтганларни эслашган. Бир сўз билан айтганда VIII аср Ўрта Осиё халқлари қишлоқ аҳолиси учун бундай ҳолат тарзи одатий. Нанайликлар жуда меҳнаткаш халқ бўлганликлари сабабли уларнинг ерлари ҳосилдор подалари кўп бўлган, шу сабабли тўқчиликда яшаганлар. Душманлар тунда хужум қилиб тинчликсевар халқ қийин аҳволда қолмаслик учун ўзига хос химоя воситасидан фойдаланганлар. Бу йиғма кўприқдир қишлоқ олдида икки улкан тош бўлган. Тошлар устидан кўприк ташланган, қишлоққа бошқа кишни йўли бўлмаган, шу сабабли кеч кириши билан кўприк қишлоқ аҳолиси томонидан йиғиб қўйилган.

Нанай – бу Пскем водийсининг тармоғидир барча. йўллар, шу ердан бошланиб шу ерда тугайди. Кўприк тагида дарё чуқурлиги. ўлчанганда 178м чиқган. Сув омборигача бўлган энг чуқур жой шу ерда экан. Баъзи жойлари 212м га ҳам етар экан.

Бу тоғлик аҳоли боғдорчилик, Чорвачилик, дехқончилик ва асалчилик билан шуғулланади. Нанай асалининг донғи кетган. Ўрта Осиёдаги энг яхши асал сифатида Тошкентнинг ҳурматли меҳмонларига ҳадия этилган. Дам олиш ва яшаш учун қулай бўлган гўзал манзарали жойлари ҳосилдор ерлари, Оқарсойнинг тамли суви жаннат эслатади, ердаги жаннатнинг ўзи. Хар бир одамда, жамоада, шаҳарда, қишлоқда бўлганидек Нанайда ҳам муаммо бор. Бу муаммо барча тоғ қишлоқларида бор – бу ўтин муаммоси. авваллари дарахтларни чопишган кейинчалик, кўмир сотиб ола бошладилар.

Эҳтимол Нанай хақидаги кўп афсоналар чуқурроқ ўрганишларни аниқлашни талаб этади. Хақиқатга қанчалик яқин эканини анализ қилиш керакдир, аммо унда халқ ижодининг бутун чиройи йўқолиб кетади Нанай тарихининг маълум қисми Сирли ва жозибадор бўлиб қолаверган.

Паркент. Бу номли археологик ёдгорлик биринчи мартта ёдгорлик 1955 йилда кейин 1963 йилда аниқланган. Шу йилнинг ўзида Археологик изланишлар режаси тузилган. Иш эса 1980 йилда бошланган. Археологик изланишлар Паркент археологлар отряди томонидан, Г.И.Богомоллов бошчилигида олиб борилди. Ер остида қолган шаҳар узунлиги 140м, эни 70м. Шаҳарнинг бир қисми йўл билан кесишган. 1980 йилда Г.И.Богомоллов шаҳарда археологик изланиш ўтказди. У қазилма иши олиб борди. тадқиқотлар шуни кўрсатдики шаҳарда ҳаёт эрамининг илк асрларидаёқ бошланган.

1990 йил Паркент ер остида қолган шаҳарчаси қадимги шаҳар Паркент бўлган. Шаҳар унга катта бўлмасида стратегик муҳим ҳисобланган Паркентсойни бутун водийсини кузатиш, бошқариш имконинг берган. Шаҳарда ҳунармандчилик яхши ривожланган. Топилмалар тоғ рудаси билан боғлиқ бўлиб, улар олиб боргандан далолат беради. 1048 – 1056 йилларга таълуқли тангалар топилган. Бу ерда яна иккита танга ҳазиналари топилган. 1974 йилда XV асрга таълуқли мисс тангалардан ташкил топган тангалар ҳазинаси топилган. Уларнинг аниқ сони мавжуд эмас. 1980 йилда археологик қазилма натижасида Г.И.Бегимов томонидан XI аср тангаси 16 та дона топилган. Аввал топилганлар қумуш деб топилган, аммо таҳлил натижаларига мис, устига қумуш сув юргизилганлиги аниқланди. Топилмалар XI асрда Шош, Исфиджоб ва яна бир шаҳар (тангадан. ўқиб йўллаган)да ясалган XIV – XV аср майдалари яхши сақланган. Темурнинг ўлиmidан сўнг. бўлган даврда бу ерга Темурийлар тез – тез ташриф буюрганлар. ёзма манбаларга қараганда Абу Саиднинг ташрифи хақида маълумот бор. Амир Темурнинг ўғли Шохрух 1447 йилгача давлатни бошқарган. У Хўжа Ахрор билан суҳбат учун бу ерларга келиб турган. XVI

асрларда Паркентнинг катта қисми Шайх Хусайнга, яъни Тошкент регионининг Ислом уломасига тегишли бўлган.

Сечак – уч қисм дегани ҳақиқатдан қишлоқнинг дарё билан уч қисмига бўлинган. Қишлоқда ва унинг атрофида бир қисмида табиий мўжизалар ва муқаддас кадамжолар мавжуд. Яйловлик мазор, Жар боши овли, Алвастисой, овлижой яйловлик мазорида туб дарахти тагида бир нечта қайроқ тошлари бор. Икки қайроқ тош қизил тошдан бўлиб икки сатр ёзувга эга. Бошқа бири эса юмалоқ шаклда, тошнинг ҳажми 88х 32х 19см, яна бошқаси 90х40х20см бўлиб нотекис юзага эга. М.Е.Массонинг аниқлашича ёзувлар XVII – XVIII асрларга таълуқли. XX асрнинг 80 йилларида диний қарама қаршилиқлар вақтида, тошлар таҳқирланишни олдини олиб бу ерга олиб келиб қўйилган.

Хожакент. Чирчиқ водийсида жойлашган йирик шаҳарлардан бири Чирчиқнинг чап тарафида айни кўприк олдида Оқтепа тоғидаги қадимги сарой қолдиқлари сақланиб қолган. Унинг ўлчамлари 40х30 баландлиги 7м. Археологик тадқиқот натижасида сопол қолдиқлари топилган. VI – VIII асрларга қадар бу катта форматдаги ғиштлар (48х26х10) аниқланган.

Чирчиқнинг ўнг соҳилида археологик ёдгорлик “Хожикент бозорбоши” сақланиб қолган. 1961 – 1962 йилларда шаҳар ТошДУ археология кафедраси томонидан ўрганилган. 1964 йилда Археология институти АН Чорвоқ Археологлар жамоаси, С.Б.Лунина билан биргаликда шаҳар ости қолдиқларини ўрганганлар. Ер остида қолган шаҳар 300х300м ўлчамларга эга эди. С.Б.Лунина томонидан сопол буюмлар – хум,кўза ва ҳар хил идишлар қолдиқлари қўлга киритилган. Бу уй-рўзғор буюмлари аҳолининг яшаш тарзидан далолат беради. Материаллар VI – VII, IX – X дан XV асрларгача бўлган вақтни ўз ичига олган. даврларга тааллуқли деб топилди.

Қадимий шаҳар Чирчиқнинг ўнг соҳилида жойлашгани ажаблантиради. Ажаблантиришига сабаб йўл чап тарафга йўналган. Аммо қадимда йўл Бинкетдан тоғ туманларига айнан Чирчиқнинг ўнг соҳилидан ўтганлигини ҳисобга оладиган бўлсак ажабланишга ҳожат қолмайди. Бу ерда ўнг соҳилда тоғ олди жойларда ўрта асрлар яшаш пунктлари Хондойлик, Сойлик,

1-боб хулосаси

Тошкент вилояти меъморчилиги Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари сингари кўп минг йиллик тарихга эга. Буни вилоят ҳудудида олиб борилган археологик казишмалар натижасида топилган ёдгорликларидан бемалол ўрганиш мумкин. Тошкент вилояти ҳудудида суғориладиган ва лалми деҳқончиликка мос бепоён далалар, чорвачиликнинг ривожланишига қулай даштлар ва яйловлар кўп. Бу ҳолат маҳаллий санъат табиатига бевосита таъсир кўрсатган. Унда ҳам ўтроқ ҳам кўчманчи қабилалар маданияти анъаналари учрайди.

Воҳада шаҳарсозлик юксак даражада ривожланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Вилоят ҳудудида шаҳар маданияти анъаналари бир текисда ривожланган йирик аҳоли пунктлари ҳамда кўплаб қишлоқлар вужудга келган. Тошкент воҳаси шаҳарлари Ўрта Осиёнинг муҳим савдо йўлларидаги транзит пунктлари вазифасини ўтаган.

Тошкент вилоятининг ўрта асрларга оид меъморлиги қизиқарли, ўзига хос, шу билан бирга, Марказий Осиё меъморлигининг кам ўрганилган қисмини ташкил этади. Бу ерда сақланиб қолган ноёб, қадимий ва йирик иншоотлар маҳаллий усталарнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Меъморий обидалари-масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, ҳаммомлар, гидротехник иншоотларнинг шаклланиши, уларнинг типологик ва композицион хусусиятлари Тошкент вилояти мисолида тўлиқ таҳлил этилган. Вилоят санъат ва ҳунармандчиликнинг йирик марказлари билан доимий маданий алоқада бўлган турли таъсирларни ўзига сингдирилган янги ғояларни ўзлаштирган.

Мадрасаларда диний илм берилган. Мадрасада ўқитувчилар – мударрислар бўлиб, улар Ислом илмини пухта ўрганган дин пешволари бўлишган. Маҳаллий аҳолини ислом қоидаларига амал қилиб яшаганларини назорат қилиб турувчи нозирлар ва ҳакамлар бўлган.

2 - БОБ. ЭТНОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК АРХИТЕКТУРАВИЙ ЕЧИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Кичик меъморий шаклларни қўллаш тамойиллари

Ғарбий Тянь-Шань регионида кўплаб археологик меморий обидалар, кўрғонлар, петроглифлар, ибтидоий одам қолдиқлари, қадимги муқаддас кадамжолар бор. Архитектура ёдгорликларидан: ўрта аср масжидлари, мақбаралар, XIX аср боши ва XX асрларга тегишли турар жой бинолари, мадрасалар мавжуд.

Айрим дарахтлар одамлар томонидан муқаддас саналади.

Олам қанчалик улкан ва чегарасиз бўлганидек илм олами ҳам шунчалик чегара билмайди. Ҳар даврнинг одамлари табиат ва тарих саҳифаларида ўз изларини қолдирадилар. Одамларнинг билим даражасига қараб, айрим тарихий ходисалар ёки табиат ходисалари афсона ёки эртак шаклини олади. Бу афсоналарга диққат билан қаралса бу воқеалар ўтиш одамларини кўзи билан қаралган тарихий воқеалардир.

Айрим дарахтлар, ўсимликлар, қоялар, ғорлар ҳақидаги афсоналар табиат ходисаларини илоҳийлаштиради. Баъзида эса эртакона туюлган воқеаларнинг негизида ҳақиқий тарих ётиши мумкин. Воқеалар яхши эсда қолиши учун бадиийлаштирилиб озроқ бўрттирилган бўлади. Масалан, Нанай қишлоғига асос солиниши ёки Парпигул номли ўсимликлар ҳақидаги воқеалар.

Региондаги барча қишлоқларнинг ҳар бирининг ажойиб ва бетакрор тарихи мавжуд. Буларнинг барчасини “тарихий мерос” остида ўрганадиган бўлсак бениҳоя бой тарихий воқеаларни кузатишимиз мумкин.

Айрим сезилмас, кўзга унчалик ташланмас, кундалик ҳаётдагидек оддий туюлган айрим ўсимликлар ва ҳайвонот олами ўзининг бой тарихи билан ҳеч қайси тарихий обидадан қолишмайди.

Диққат билан қаралса флора ва фаунанинг кўплаб очилмаган қирраларини очиш мумкин.

Ҳар бир турист ҳали ҳеч кўрмаганларини кўришни, учратмаганини учратишни ёки эшитгану аммо кўрмаганларини кўришни хоҳлайди. Шу сабабдан ҳар қандай йўл кўрсатувчи саёҳатни бошлашдан олдин Ўрта Осиёдаги энг бой ва энг гўзал табиат зонаси Угам-Чотқол миллий парки ҳақида энг дастлабки маълумотларни бериши лозим.

Регион бўйича саёҳатга чиқар экансиз сизни ғаройиб кутилмаган табиат манзаралари ва ходисалари кутмоқда. Булар: дарёлар, қўллар, шаршаралар, ҳамда қачонлардир ибтидоий одамлар гулхан ёкиб ўтирган ғорлар, буталар, ўсимликлар билан қопланган қир адирлар, масжид ва саройлар қолдиқларидир.

Малакали саёҳатчилар ўз малакалари билан ҳамда тоғларда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида фикрлар билдиришади. Хотирасидан, ёшидан, билим даражасидан қатъий назар ҳар бир саёҳатчиларга “саёҳатчи кундалигини” юритишлари, кўрганларини, эшитганларини, таассуротларини, хис этганлари ҳақида баён этиб боришлари тавсия қилинади. Римликларнинг “Сўзлар учади кетади, аммо ёзилгани қолади” қабиласидаги мақола айнан саёҳатчилар учун айтилиши кўл келади.

Табиат ва одам (Инсон).

Ғарбий Тянь-Шань саёҳатчининг кўзи билан. Тянь-Шань (осмонўпар тоғ) Хитойдан бошланиб Ўрта Осиёнинг чўлларига қадар тушиб келган.

Ўзбекистон томонга Манас осмонўпар қоясининг Ўзбекистон томонга Талас Алтаудан бир нечта қоялар тушган: Угам, Кўксув, Чотқол. Қояларнинг тик қисмларида саёҳатчиларни тош тўкилмалари, қурумлар кутади, бу ҳавфли йўлни ҳатто отда ҳам босиб ўтиш анчайин ҳавфлидир. Одатда бундай жойларда сув оқимлари ўтади ва саёҳатчилар сув бўйлаб тоғ дарёларининг водийсига чиқиб, йўлни бошқа томондан кесиб ўтадилар. Сойларнинг кўпи унча кенг ҳам чуқур ҳам эмас, ҳамда осон кечиб ўтиш мумкин.

Фақатгина қор эриш мавсумида ва кучли ёмғир мавсумидагина сойларни кечиб ўтиш анчайин қийин бўлиб, махсус тайёргарликни ва қўшимча қурилмаларни талаб қилади.

Ғарбий Тянь-Шаньнинг барча қисмида баҳор доимий бўлмаган об-ҳаво ва намгарчилик билан ўтади.

Баъзида апрель ойида ҳам қор ёғиб, ерлар музлайди. “Ўрик гулладими демак-қорни кут” дейди маҳаллий тоғ аҳолиси. Бу вақтда киш ўзини сўнги бор эслатиб қўяди. Май ойида ер янги ўт-ўлан қоплами билан қопланиб бошлайди. Тоза ҳамда салқин ҳавода баҳорги гуллар ифори таралиб туради. Афсуски, тоғларнинг ўрта ва қуйи қисмидаги яшил либос узоқ сақланиб қолмайди, июлда ўт-ўлан уй ҳайвонлари билан еб битирилади ёки ёзги қуёш тиғида қуйиб кетади. Ёз мавсумида ёғингарчилик камдан-кам учрайди. Ёз мавсумида саёҳатга чиқишнинг ишқибозлари аҳоли яшаш пунктларидан узоқроққа, тепаликка, хали ўт-ўланлар бор ва ҳаво салқин жойларга чиқиб кетишга ҳаракат қиладилар. Кузги салқин тушгунга қадар, октябр ойларида чўпонлар подаларни уйларига ҳайдайдилар. Шу пайтда тоғларда чанг кўтарилиб, кўзни қувонтирадиган ҳеч нарса қолмайди. Январ ойида эса тоғ аллақачон бир неча метрлик қор қоплами билан қопланиб бўлган бўлади.

Довонларнинг деярли барчаси ноябрдан апрелга қадар ёпиқ бўлади. Довондан деярли фойдаланилмайди фақат айрим фавқулотда ҳолларни ҳисобга олмаганда камдан-кам қатнов амалга оширилади.

Маҳаллий аҳоли ҳаётларини хавфга қўйиб қорли довондан отда юрмайдилар.

Музликлар эриб кўп сонли сойларнинг ўзанини ва кўлларини, шаффоф сув билан тўлдиради. Пспел дарёсининг кўл бассейни, кўп сув, Чотқол (оқ булоқ), Оҳангарон саёҳатчиларни жалб қилади. Ғарбий Тянь-Шаньнинг Ўзбекистон ҳудудидаги майдонида бундай кўллар 20 дан ортиқ. Тоғдан оқиб тушувчи дарёлар, булоқлар, ичимлик сувининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий аҳоли сувга жуда эҳтиёткорона муносабатдалар. Булоқ сувларини уй ҳайвонларидан тўсиқлар билан тўсиб ифлосланмаслиги учун атрофини ўраб, алоҳида этибор билан қарайдилар. Пспел кўп сув ва Чотқол дарёлари суви қуйиладиган, сунъий барпо қилинган-Чорвоқ сув омбори жуда манзаралидир.

Унинг узунлиги 22 км, эни 10 км ва чуқурлиги 140 м. 2 млрд куб метр сувни Тош-Платина ушлаб турибди. Қирғоқ бўйлаб 60 км ни ташкил этади. Сув омборининг жанубий қисмида қулай жойлар кўп, аммо бу жойлар эркин қўлланишга мўлжалланмаган.

Бугунги кунда Чорвоқ сув омборига томон автомобил йўллари туширилган бўлиб, Ғарбий Тянь-Шаньнинг бу қисми дам олувчилар учун қулайдир. Жисмоний зўриқишларсиз, тинч дам олишни хоҳловчилар учун жуда қулайдир.

2.2. Объектларнинг дизайн ва ландшафт ечими

Угам Чотқол миллий боғи.

Угам Чотқол миллий табиат боғи Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғ олди қисмларини ўз ичига олиб Ғарбий Тянь-Шаньнинг экотизимини қўриқлаш асосий вазифалардандир. Ғарбий Тянь-Шаньнинг тоғ системаси нафақат Тошкентлик туристлар, балки Ўзбекистоннинг бошқа жойларидан келувчи саёҳатчилар ичида машҳурдир. Бу тоғли район туристлар учун баҳордан то кеч кузгача очикдир. Турли қийинчилик даражасидаги доvonлар, 2 дан 4 минг метргача бўлган баландликлар турлича саёҳат уюштириш имконини беради. Оддий кузатувчилардан то спортчиларгача ўз имкониятларига қараб маршрут танлашлари мумкин. Тоғ дарёларидан сузиб ўтишгача бўлган кенг имкониятлар мавжуд.

1+5 гача кенглик даражаси белгиланган бўлиб, Чотқол ёки Пспентдан сузиш 5 қийматли даража бўлиб, спортчиларни чорлаб қолади.

Спортчи туристлар Ғарбий Тянь-Шань тоғларига баланд тоғларда, музликларда, қорли бўронларда, совуқ ҳаво оқимларида ўзларини кучларини синаб кўриш мақсадида йўл оладилар. Қишлоқлар ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари олдида Тоғ олди зоналарига олиб чиқувчи маршрутлар мавжуд.

Бу сайёҳлар учун Гид-инструктор ҳамда ўз жойларининг қизиқ жойларини юриб ўтилса қизиқ журат, ирода ортади.

Миллий парkning майдони Ғарбий Тянь-Шаньнинг кўп қисмини Тошкентнинг тоғли участкаларининг айрим қисmlарини, ва бир қанча дам олиш зоналарини ўз ичига олади.

Чимён–Чорвоқ зонаси Товоқсой ва Оқтош тоғолди зоналари, Чотқол Кўксув ва Угамнинг айрим қисmlари ва бошқа бирқанча зоналар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунга келиб миллий парк майдонидан тоғ ва пиёда сайёҳлар маршрути ўтади, сув орқали ёки отда бўлган сайёҳлар кам микдорда. Шунингдек альпинистлар ҳам маросимлар олиб боради. Бу маросимлар асосан Катта Чимён массивида олиб борилади.

Дам олувчиларнинг ва спортчиларнинг оқими икки мавсумга ажралади. Қишги-тоғ чанғисида учаш мавсуми, бу мавсум 3-4 ой давом этиб бу зўриқишни Чимён ва Билдирсой зоналари кўтаради. Баҳорги оқим апрелдан июнгача бўлган мавсумни ўз ичига олади. Бу ойларда Ғарбий Тянь-Шань водийлари ва тоғлари бўйлаб туристлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтадилар. Чимёнда май ойида оммавий чиқишлар амалга оширилади. Июндан қишгача Ғарбий Тянь-Шаньнинг майдонида хўжалик ишлари кескин ортади. Қишлоқ хўжалиги ишлари, Чорва молларини подага қўшиш кабилар. Бу эса ўз навбатида тоғнинг ёзги ландшафт кўринишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу вақтда сайёҳлик баъзалари, сайёҳлик зоналари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаол фаолият кўрсатади.

Миллий боғнинг спорт сайёҳлик маршрутлари қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

- *Дам олиш кунлари маршрутлари;*
- Кўп кунлик категориялаштирилмаган маршрутлар, 2-5 кунлик;

- Кўп кунлик категориялаштирилмаган маршрутлар. Категория 1+6 гача бўлган қиймат даражасида 3 кундан 80 кунгача бўлган давомийликни ўз ичига олади. Маршрутнинг узунлиги 100+200 км гача.

Маршрутларнинг кўпини 1-2 категория ташкил қилиб, саёҳатнинг давомийлиги 7-10 кунни ташкил қилади, туманда одатда алпинистлар 1 кун шуғулланишади. Алпинистлар тоғспорт маросимлар тугагунча лагерларда чодирлар куриб яшашиди.

Экологик туризм.

Миллий паркнинг майдони Ғарбий Тянь-Шаньнинг бир қисми сифатида, гўзал ландшафтларга ғаройиб табиат ёдгорликлари билан бойдир. Бу ернинг ландшафти ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Тоғ олди дўнгликлари юмшоқ рельефи дўнгликларнинг секин баландликларга айланиши тоғликларни ўқи бўйлаб ҳаракатланиш имконини беради. Шу билан бирга тоғларнинг қиёфаси ўзгаради. Тоғлар янада тик ва ҳайбатли кўринади. Ажралиб турган тоғ қисмлари чўққиларга, сойлар эса кўп ирмоқли бир неча 100 км га чўзилган дарёга айланади. Угам, Пскент, Чотқол, Оқбулок дарёлари шулар жумласидандир. Арча ўрмонлари, маҳобатли тоғ қоялари, водийлардаги ва даралардаги дарахтзорлар, тоғ чўққиларининг қорли кўринишлари табиий Ғарбий Тянь-Шань тоғларига бетакрор жозиба ва такрорланмас ранглар жамланмасини бағишлайди.

Тоғ дарёларининг оқими тик қоялар ва бошқа баландликларга келиб пастга гўзал шаршараларни ҳосил қилиб оқиб тушади. Уларнинг баъзилари йўл ёқасида жойлашган ёки уларга элтувчи сўқмоқлар мавжуддир. Масалан Палтау, Чуқурсой, Товоқсой ва Қозоқбошсой оқимлари ҳосил қилган шаршаралардир.

Шаршараларнинг кўпчилиги бориш мушкул бўлган жойларда жойлашган: Кўк сув, Пскент шулар жумласидандир.

Табиат обидаларига қиёсланадиган, ўзининг хажми ва шакли билан лол қолдирадиган баъзи қояларни ва улкан тошларни кўриш мумкин. Пўлатхон платаси ажойиб туристик объект ҳисобланиб бугунги кунда камдан кам

туристлар ташриф буюрадиган жойга айланиб бормоқда. Платанинг гўзал табиати унга бирлашиб кетувчи гўзал водий ғаройиб ландшафти, ўсимликлар дунёсининг бойлиги билан туристларнинг севимли жойига айланиши мумкин.

Ғарбий Тянь-Шаньнинг миллий боғ майдонига кирувчи қисмининг туристик имкониятлари жуда катта. Бу жойларнинг жуда оз қисмигина ишлатилмоқда. Боғнинг ичкариларида инсон қадами етмаган жойлар мавжуд.

Ғарбий Тянь-Шаньнинг барча туманлари кўплаб минг йилликлардан бери маҳаллий аҳоли томонидан хўжалик ишлари билан банд қилинган. Тоғлардан ёқилғи қазиб олиш ва айрим ўсимликларни етиштириш учун фойдаланишган. Ғарбий Тянь-Шань бўйлаб Буюк Ипак Йўли карвон йўли ҳам ўтган.

Карвон йўлларининг айримлари автомобил йўлларига айлантирилган. Баъзи йўллар эса ўт ўланлар тошда қолиб йўқ бўлиб кетган. Кўп йўллар ҳали ҳам тоғларнинг қияликларида, дарё бўйи водийларда, доvonларда сақланиб қолган ҳамда ҳали хануз фойдаланиб келинмоқда. Бу йўллар қийин хавфли тоғ шароитида нисбатан хавфсиз йўллардан бўлиб қолмоқда. Бу йўллар барча асосий водийлар орқали ўтган. Угам, Пскент, Чотқол, Оқ булоқ ва бошқа айрим тоғлар қариган тоғ, Угам ва бир қанча сойлар тоғ участкаларида йўллар бир неча йил давомида ўт ўланлар тагида қолади ёки сел оқимлари билан ювилиб бутунлай йўқ бўлиб кетади.

Одамлар тез тез қатнайдиган йўлкаларгина йиллар давомида йўқ бўлиб кетмайди. Бу йўлларнинг баъзиларидан нафақат одамлар ёки ёввойи ҳайвонлар ҳам фойдаланадилар. Мавжуд йўлакларнинг кўпчилигидан туристлар ва дам олиш зоналаридаги лагер дам олувчилари ҳам фойдаланадилар.

Бундан анча йиллар аввал спортчилар ва туристлар ичида қуйидаги доvon анчайин машҳурликка эга бўлган. Булар: Зилай, Ароп, Аллон, Камаров ва Кунгуртепа, Қорасой, Гулпай, Четгулбел, Ўртакумбел, Гатта, Оқтахта. Май ойларида 300-500 турист бу йўллардан ўтганлар. Сарибош, Пиёзак,

Падир, Одамтош, Тозахаво, Қумбел, Терс давонларидан 200 нафаргача йўловчилар юрадилар.

Дам олувчиларнинг эплаб бўлмас оқими, мол, қўй подалари миллий боғнинг табиатига жиддий зарар етказмоқда. Чорва моллари барча ўсимликларни, ўт ўланларни еб битирмоқда. Моллар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, ўз йўлларида кўплаб километрлаб майдонларни еб битирадилар.

Туристлар ва уюштирилмаган дам олувчилар оқимини тартибга солиш, уларни табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш керак. Бу тадбирлардан ташқари маҳаллий аҳоли билан ҳам атроф муҳитга қирғин келтиришни олдини олиш борасида тадбирлар янада чуқурроқ олиб борилмоқда.

Тошкент водийсига туташиб кетган тоғ бағирлари, тоғолди қисмлари ҳамда Чорвоқ сув омборининг кўп қисми аллақачон санаториялар, дам олиш зоналари билан лик тўла. Шунга қарамай Ангрен ва Оқбулоқдаги айрим жойлар дам олувчилар ва туристлар томонидан ҳали ҳануз ўзлаштирилмаган жойлар мавжуд. Бундай жойларда кемпинглар ва турар жой зоналари жойлаштирилса Чорвоқ, Чимён каби зоналарни анчайин енгиллаштиради ҳамда ғаройиб Тянь-Шаньнинг миллий боғларига диққатни қаратишга хизмат қилади. **Угам, Чотқол миллий боғининг ғаройиб табиат объектлари - шаршаралар.**

Қалъасой. Қалъасой дарёсининг қуйи оқимида Бурчмулла қишлоғи яқинида жойлашган. Сув қоя бағридан 10 метр баландликдан отилиб тушиб, унинг юқорисида 30 метр баландликда худди томдек эни 5 метрлик табиий тошлардан ташкил топган кўприк мавжуд. Шу тарзда сув равоқ остидан оқиб тушади. Равоқнинг балндлиги 30 м, узунлиги 4 м. Шаршара оқиб турувчи қоя деворлари кулрангда бўлиб, доимий намгарчилик туфайли деярли қора ранг бўлиб кўринади.

Каттасой. “Янгиобод” тур базаси жойлашган Янгиобод қишлоғининг чап оқимида жойлашган. Шаршара икки қисмдан иборат шаршаранинг қуйи

қисмида ўйиқ мавжуд. Ўйиқнинг эни 1.5 м, чуқурлиги 0.6 метр, баландлиги 5 м. Сув оқимининг эни 1 м. Кўндалангига 0.7 м, чуқурлиги 0.5 м. Шаршаранинг қуйи қисмининг тепасида текис терасса кўндаланг бўлиб, 10-11 м атрофида. Терасса шаршаранинг юқори қисмининг асоси бўлиб хизмат қилади. Юқори қисмининг баландлиги 18-20 м. Шаршаранинг тепасида зинасифат кичик шаршарачалар бор. Уларнинг баландлиги 2 м дан 6 м гача.

Палтау шаршараси. Палтау булоғининг Чотқол дарёсига қуйиш жойидан 4.5 км жойлашган. Палтау шаршараси булоқ ёнидан конвенда 14-16 м бўлиб оқади. Шаршаранинг кучли оқими 38 м баландликдан отилиб тушади. Шаршара “Оби раҳмат” ғори яқинида жойлашган. Ғор неондертал одам учун хизмат қилган.

Ғорлар.

Ғормозор ғори. Боғистон қишлоғи яқинида жойлашган ғор ва асфалтланган йўл орқали ҳамда Мозорсой бўйлаб сўқмоқ орқали пиёда ҳам бориш мумкин. Ғорларнинг оғзи баландлиги 13-15 м. Ғор кулранг тошлардан таркиб топган. Таркиби мустаҳкамлик коэффициентлари - 7 м, қобиғи қалинлиги 6 м ни ташкил этади. Сой томондан ғорга кириш жойи кўринмайди, лекин осонгина ўтса бўлади. Ғор маҳаллий халқ учун муқаддас қадамжо ҳисобланади.

Одамлар тез-тез ташриф буюрганликлари сабабли бу ерга элтувчи бир неча сўқмоқ йўли мавжуд. Ғорнинг оғзи шимолий-шарққа қараган бўлиб, у равоқни эслатади. Кириш қисмининг эни 2.1 м бўлиб, баландлиги 1.6 м. Асосий кириш жойида овал шаклидаги икки ёғи очик тешик мавжуд. Унинг эни 0.5 м, баландлиги 0.1 м. Ғорнинг умумий узунлиги 6.11 м, эни 3.1 м, баландлиги 3.4 м. Ғор деворларида қалинлиги 3 см келадиган калцитлар мавжуд.

Бу ерларга зиёратга келганлар баъзи маросимларни ўтказадилар. Ғор газлаштирилмаган. У ғорнинг жанубий шарқидан 50 м узоқликда умумий майдони 30 м² ҳажми 43 м³ сойдан ғоргача 60 м.

Шилдиروق ғор Гиза платасидаги Хумсон қишлоғидан 20 км узоқликда жойлашган бўлиб, у ўрамасимон шаршарадир. Ғор тубида деярли тўғри тўрт бурчак шаклидаги ўйиқ мавжуд бўлиб, у 1x1 м хажмдадир. Ундан сўнг кириш 1.5 м гача қиялашади. Юқори қисмида эса тўғри равоқ шаклидадир. Узунлиги 20 м тунел ғорнинг асосий қисмига ўтиб боради. Йўлни давом эттириш учун карвон керак бўлади, чунки ғорда 6 м лик дўнглик мавжуд. Шундан сўнг ер сатҳи текисланади ва баландлик 20-30 м га етади. Ғорнинг номи шундан келиб чиқган.

Ғор тор бўлиб, 30-40 м дан сўнг унинг шифти 0.5 м гача пасайиб, бу ёнига эмаклашга тўғри келади. Бундай йўлаклар 2 та бўлиб, улар оралиғидаги масофа 3 м, баландлиги 1.5 м гача. Шундан сўнг баландлик аввалги ўлчамларгача катталашади. Ғор деворларида кўплаб яна кўшимча йўллар мавжуд. Ғорнинг охирида баландлиги 30 м ва диаметри 15 м бўлган конуссимон зал бўлиб, бу жойга девордаги 3 м баландликдаги жойлашган 0.5 м тор йўлак орқали келиш мумкин.

Лойлоқча ғор. 2440 м баландликда жойлашган бўлиб, ғор оғзи овал шаклини эслатади. Ички томони эса конуссимондир. Ғор оғзининг баландлиги 1.5 м эни 3.5 м. ғор кириш йўлкасига ва залга эга. Ғорнинг ички қисмида 2 та тор йўлка мавжуд. Объект қизиқарли хажмларга эга бўлиб, илмий изланиш оламида муҳим аҳамиятга эга.

Мозор-3 ғори. Умумий баландлиги 1300 м икки кириш қисмига эга. Биринчиси жанубий ғарбга, иккинчиси жанубий шарққа қараган. Ғорнинг умумий узунлиги 24 м. Ғор қуруқ, тўқ кулранг тусга эга. Ғорнинг зичлиги 20 м. Ғор гидрометрик хусусиятга эга бўлиб, деворлари ва оёқ ости мустаҳкамдир.

Обираҳмат ғори. Обираҳмат қишлоғидаги Палтау дарёсининг ўнг томонида жойлашган. Ғор оғзининг умумий баландлиги 1250 м. Палтау дарёсидан 8 м баландликда. Ғор улкан мармартошлардан ҳосил бўлган. Мустаҳкамлик коэффициенти 8. Зичлиги 5 м, кириш қисми битта бўлиб, ярим айлана шаклидадир. Эни 30 м узунлиги 14 м, баландлиги 12 м. Ғорнинг

шарқий қисмида тошдевор қолдиқлари мавжуд бўлиб, унинг узунлиги 3 м эни 0.5 м баландлиги 0.2 м. Бу жойларда археологик изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Эътиборга сазовор ландшафтлар.

Аркутсой. Бўстонлик туманида Угамнинг ўнг соҳили томонида Хумсон қишлоғидан 3 км ғарброкда жойлашган.

Девонасой. Геологик хусусиятидан келиб чиқган ҳолда унга бундан ном берилган “Девонасой”. Девонасойнинг чап қирғоғодан 1-1.5 км юқорида тупроқ қизғиш рангда. Қизил минорасимон баландликлар ҳар хил шакллар яшил адирлар фонида яққол кўзга ташланиб ажойиб манзарани ҳосил қилади. Девонасойнинг геологик ҳосилмалари ғаройибдир.

Девонасой жуда яхши аҳволда алоҳида девор ва қўриқлаш чораларини талаб қилмайди, сой ҳам эстетик ҳам ўрганиш нуқтаи назардан ҳам туристик экскурсия учун ҳамда илмий изланишлар олиб бориш учун жуда қизиқарлидир.

Қалъасой – Теснина. Бурчимулло қишлоғида Пскем дарёсига оқимида жойлашган Теснина Қалъасой дарёси бўйлаб жойлашган. Улар учта: юқори, ўрта ва қуйи.

Теснинанинг юқори ва ўрта қисми торликлардан иборат. Бу торликлар кулранг ҳамда деярли бўйлама бортлардан иборат.

Бортлар сув ёрдамида текисланган ва тўғирланган, ҳамда бир нечта шаршаралардан ташкил топган.

Бу жойларга бориш учун махсус қурилмалар ва мосламалар зарур. Теснинанинг қуйи қисмига ўтиш нисбатан осонроқ бўлиб ҳаракатланиш учун қийинчилик туғдирмайди. Узунлиги 10 м баландлиги 50-60 м қуйи Теснинанинг узунлиги 6-8 м атрофида, ўрта қисмини 1-1.5 км.

Тош - “қўзиқорин” (Камень “гриб”). Бу тош бўстонлик туманининг Нанай қишлоғида, Чорвоқ сув омборидан юқорида жойлашган. Объект Қуруқсой дарёсининг чап оқимида унинг Пскемга қўшиладиган жойидан 3км Шарқ-жанубий шарқ тамонда жойлашган. Баландлиги 5м эни 2м узунлиги

3.5м ли Қўзқориннинг оёғининг диаметри юқорига қараб 1.5м гача қисқаради. Тош шлатанинг хажми эса 3.5-4м га етади. Қўзқориннинг оёқ қисми мўрт ва майда тошдан иборат. Унинг шляпа қисми эса анчайин мустаҳкамдир.

Қорабулоқ. Пскем дарёсини ўнг соҳилида Нанай қишлоғидан 3км баландликда жойлашган. Сувнинг бениҳоя шаффофлиги боисидан қора кўринади ва шунинг учун “қорабулоқ ” номини олган. Бу ерда кўплаб булоқлар мавжудлиги учун атрофида ўсимликлар яхши ўсади. Шу жумладан грек ёнғоғи дарахтини кўплаб учратишимиз мумкин. Ёнғоқ сояларда- лимон, ўт, майса хушбўй ўсимликлари ўсиб, хушбўй ифори таратиб бу ерларга ўзгача руҳни бағтшлайди.

Теснина - «Щиль». Бўстонлик туманининг Бурчимилла қишлоғида кўк сувнинг оқим бўйлаб 25км узоқликда жойлашган. У қоядавонидан ва қоя намуналаридан иборат. Улар орасида эни 1м баландлиги 25м келадигар ёриқ мавжуд. Ёриқнинг узунлиги 10м ёриқ орасидан оқиб ўтувчи дарё, кўл шаклидаги диаметри 18м келадиган юмалоқсимон ўйикга тушади. Бу жойларнинг манзараси жуда гўзал сув бўйида ҳар хил буталар ва ажойиб мажнунтоллар ўсади. Бу жойларга тоғ сўқмоқлар орқали пиёда келиш мумкин.

Тешиктош. Оқсоқота водийсида жойлашган унинг “Тешиктош” деб номланишига сабаб қоянинг деформация ёки емирилиш оқибатида ҳосил бўлган тешиклардир.

Сурхондарё вилоятидаги Неандартал одам яшаган Тешиктош ғоридан фарқли ўлароқ “Оқсоқота” ўзининг геологик ҳосилмалари билан беътакрор ва беъқиёс объект бўлиб ҳисобланади.

У ғарбий Тянь- Шаньдаги камёб жойлардандир. Бу жойлар қачонлардир денгиз остида бўлган, буни тошқотган сув ҳайвонлари, чиғаноқлар, малюскалар исботлайди. У табиий ҳолатда сақланган. Оқсоқотадаги ҳар қандай гидротехник қуриш ишлари. Бу жойлар учун хавф туғдиради шу

сабабли тешик тошга яқин ҳудудларда ер булғалаш ишлари ва гидротехник қурилиш ишлари олириш тақикланиши лозим.

Ғарбий Тянь-Шаньнинг геологик тарихини ўрганиш жараёнида у объект эталон бўлиб хизмат қилиши лозим. ОЎЮ талабаларининг геологик тадқиқотлари учун, ўқув қўлланма бўлиб ҳам хизмат кўрсатиши керак. Шунингдек илмий изланиш объекти бўлиб ҳам сақланиб қолиши лозим.

Дарё ва кўллар. Кўк кўл (голубое озеро). Алам дарасидан 2км пастда кўк сув дарёсининг биринчи ботиқлигидаги водийда жойлашган кўлнинг узунлиги 400м ва энига 100м кўл жуда манзарали жойида жойлашган бўлиб ўсимликлар дунёсига бой арчаларнинг хиди уфуриб туради умумий баландлиги 2000м.

Кўлда ва кўл атрофида кўплаб тошқотган қадимги ҳаёт қолдиқларини учратиш мумкин.

Чашма булоғи

Булоқ чотқол тоғ меллиоратив тажриба станцияси территориясидаги Суқоқ қишлоғида жойлашган. Булоқнинг 4 та кўзи бор. Булоқнинг дебити 50л/сек сув шаффоф ва мазали тамга эга. Булоқ сувининг босими кучлилиги характерли жихатидир. Булоқ чиқиш жойида баландлиги 0.7м лик фавворани кузатиш мумкин. Сўнгра чашманинг суви оқиб кўксойнинг ўзанига қуйилади. Бу булоқ маҳаллий аҳоли ичида таниқлидир.

Айриқ кўли. Бурчмулладан 30км баландликда жойлашган. Кўк шаффоф Кўкимтир рангли сувдан иборат. Унинг атрофидаги манзарали тоғлар , арчалар билан ўралган.

Кўл бой фаунага эга малюскалар ва флораларни кўплаб учратиш мумкин. Бу жойда камёб денгиз қолдиқлари сақлаб қолганини кўриш мумкин. Объектнинг илмий ўрганиш аҳамияти шундадир.

Ғарбий Тянь-Шаньнинг биологик хилма хиллиги.

Флора. Ғарбий Тянь-Шаньдаги флоранинг ишқибозлари учун сеvimли жойдир. Чунки бу жойларнинг Флораси жуда хилма хил. Турон чўл флорасидан то Помир - Олой тоғликлари флорасигача 2200 дан ортиқ

Ўсимликлар тури мавжуд. Бу ўсимликларни 21500 тури уруғли ўсимликлардир.

Тоғликлар бўйлаб юқорига кўтарилар экан саёхатчилар ўсимликлар дунёсининг беш поғонасидан ўтадилар. 700-1200м – Эфамерово – Эфемероитная ўсимликлари, 1200-1500м – баргли, дарахтли бутали ўсимликлар, 1500-2300 арчовник (арчасимон), 2300-2800м игнабаргли ва тоғ ўсимликлари. 2800 альпий ўсимликлари.

Энг кўп тарқалган ўсимликлар отаси.

Астровые (asteraceae)- мураккаб баргли (сложнацветные)

Мотелковые (Fabaceae)- дуккакли (бобовые)

Мятликовые (Poaceae)- (злановые)

Ўсимликларнинг 650 дан ортиқ тури тиббиётда қўлланилса 400 тури истеъмол қилинади. Фауна ғарбий Тянь-Шаньнинг Ўзбекистон қисмидаги ёввойи хайвонот олами. 280 турни ўз ичига олиб улардан:

44 тури- сутэмизувчилар

200 дан ортиқ тури – кушлар

16 та тури совуққонлийлар (рептимии)

2 та тури Амфибиялар

20 тури балиқлардир

Тоғ дарёларида энг кўп тарқалган балиқ бу – марелкадир. У дарёнинг чуқурроқ жойларида яшайди. Балиқларнинг кўпи имигрантлар иссиқа мослашган ёки тасодифан келиб қолган.

Ғарбий Тянь - Шаньнинг амфибияларининг 2 тури бу кўпчиликка таниш бўлган кўл қурбақалари ҳамда яшил бақадир. Яшилбақа то қор ёғгунга қадар дарёларда учрайди. Кеёингиси эса фақатгина суви илиқ кўлларда ва дарё бўйларида учрайди.

Тоғ олди ва қуйи тоғликларда жетопузик, сув илони, чўл гологлази, кулранг гекпон, разноцветный поллиз рептимиялари ўзини жуда қулай хис қиладилар.

Полиз тоғнинг ўрта қисмларида учратиш мумкин. Захарли илонлар кулранг тадюка ҳамда шақилдоқ илонлар билан юзма юз дуч келиш анчайин ёқимсиздир. Захарли илонлар биринчи бўлиб хужум қилиш одамни хотиржам қилади.

Тоғ сўқмоқларида юришда ҳамда чодир қуриб жойлашишдан аввал эътибор билан атрофни кузатиш эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади.

Сут эмизувчилар ҳақида гапирар эканмиз бу ерда кўрсичқон, куён, бўрсик, дикообраз яшайди. Тоғнинг ўрта қисмидаги ўрмонларида Туркистон сичқони, ўрмон сичқони, бўрсик тўнғиз ва бошқаларни учратиш мумкин.

Арчазорларда тоғнинг юқори қисмида қизилқундуз, кулранг ҳамяк, сусликни айрим ҳолларда айикни ҳам учратиш мумкин.

Қояларда тоғнинг чўққиларида сибир эчкисини кўриш мумкин. Угам кўриқхонаси территориясида Ўзбекистоннинг қизил китобига киритилган мензибир қундузи яшайди.

Ландшафти. Угам Чотқол миллий боғининг катта қисми улкан бир тоғ экотуризимини ташкил қилади. Ландшафтшуносликда бир нечта физика – географик комплекслар белгиланган: кенг дарё терассалари олма ўрмонлари ҳамда ўрмонлардан ташкил топган ўрта баландликдаги тоғликлар. Пскемнинг асосий қисмини ўз ичига олади. Тоғ қияликларидаги репинтовий ўрмонлар Грек ёнғоғи ва кленни ўз ичига олади.

Ўсимликлар дунёси бўйланма зина бўйлаб кузатилади: адир, тоғ, яйлов. Дарё бўйларида намсевар дарахтлар учрайди. Булар: Терак, Мажнунтол, Берёза. Террасалари ҳамда қояларнинг қуйи қисмида грек ёнғоғи, олма, олча, шиповник бутаси, ўрик, барбарис буталари ўсади. Бу жойларнинг ўсимлик дунёси рангбарангдир. Бу зона учун ландшафт мосдир: Олма боғлари, узумзорлар, донали ўсимликлар майдони шулар жумласидандир.

2.3. Тарихий-маданий ёдгорликлардан фойдаланиш ечими

Тарихий-меъморий ёдгорликларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланишнинг маълум услубларига мувофиқ, Ўзбекистон археология ёдгорликларининг маданий ва тарихий-меъморий қийматини инобатга олиб, тарихий меросдан фойдаланишнинг энг муҳим қоидалари тузилган:

- ёдгорликларни максимал сақлаш;
- иншоотнинг янги вазифасини тарихан шаклланган вазифасига яқинлаштириш;
- ёдгорлик ва томошабиннинг бевосита мулоқоти учун муҳит яратиш;
- тарихий ёдгорлик анъаналарининг изчиллиги.

Айтиб ўтилганидек, энг аввало алоҳида тарихий ёдгорликлар ва мажмуалардан фойдаланиш хусусиятини аниқлаш зарур - улар музей ёки тарихий экспонат сифатида фаолият кўрсатадими, ёки уларни маданий-маърифий, туристик ва шу каби мақсадлар учун мослаштириш мумкиндир.

Яқин вақтларгача тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш асосан ёдгорликларни сақлаш ёки “тоза” таъмирлашни ифодалар эди. Ҳозир бу жараён давлат аҳамиятига эга вазифа ҳисобланади-ёдгорликларни ташриф буюрувчиларга, чет эллик сайёҳларга намойиш қилишга тайёрлаш, тарих ва моддий маданиятни ташвиқот қилишни кучайтириш. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент каби тарихий шаҳарлар атрофида, шубҳасиз, муҳим сайёҳлик марказлари мавжуддир. Шунинг учун бир қатор алоҳида ёдгорликлар ва тарихий мажмуаларнинг сақланиши ва фойдаланилишига йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистонда 7854 ёдгорлик давлат муҳофазасида, улардан 3013таси меъморий, 3843таси археологик ва 998 таси маҳобатли ёдгорликлар мавжуд бўлиб, шулардан, Тошкентда 510 ёдгорликдан 10таси республика аҳамиятидаги ёдгорлик бўлиб, археологик ёдгорликлар сони 100дан ортиқ.

Қадимий шаҳарларнинг кўпи бир қанча маданий-тарихий даврни бошдан кечирди. Шундай бўлсада бугунги кунгача улар ўз тузилишларини кўп мартаба ўзгартирган ҳолда шаҳарсозлик мероси ёдгорликларини сақлаб қолди. Ҳар бир давр ўз таъсирини қолдирди. Шаҳар меъморий тузилишининг ўзгариш кетма-кетлиги жамият ривожини билан белгиланган; юксалиш даври инқироз давлари билан алмашинди, аммо ҳамма ҳолатларда ҳам социал-иқтисодий омиллар ва шаҳар меъморчилиги ўртасидаги боғлиқлик ўзгармас бўлиб қолди.

Масалан, Тошкент воҳасининг энг йирик шаҳарларидан бири – Шохруҳия (Шарқия, Бинокет) Ўрта Осиёнинг икки маданий регионлари – Шош ва Уструшон туташган жойида юзага келган ҳамда қадимги даврлардан бошлаб Буюк Ипак Йўлидаги дарё ва қуруқликдаги қарвон савдосининг юк тушириш ва ортиш пункти бўлиб хизмат қилган.

Шохруҳиянинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳар тузилишининг шаклланиши ва ривожини ҳозирги кунгача жуда кам ўрганилган. Ёзма манбаларнинг унчалик кўп бўлмаган маълумотлари тўпланган, манзилгоҳнинг кичик майдонлари устида археологик қазилмалар олиб борилганлиги натижасида, у жойлардан моддий маданий буюмлар топилган.

Шохруҳия XV асрга келиб, Амир Темур даврида ярим вайрона қишлоқдан яхши ривожланган, муҳофааланган, ҳунармандлар савдоси гуллаб яшнаган шаҳарга айланади. Буюк бобокалонимиз Хитойга қилган охириги юришни шу жойдан бошлаганлиги тарихдан маълум.

XV-XVI асрларда ҳамма ҳукмдорлар учун муҳим стратегик пункт бўлган, бу шаҳарда Амир Темур, Мирзо Улуғбек қўшинлари тўхтаган ва қишлаб қолган, қалъа Мирза Бобурнинг отасига тегишли бўлган, кейин эса унинг амакиси Султон Махмуд қўлига ўтган. Шайбонийлар даврида Шохруҳия муҳимлиги бўйича ўлканинг иккинчи шаҳри бўлган, у ерда Тошкент хонларининг вориslари турган.

Темурийлар авлодининг энг сўнги вакили Захриддин Мухаммад Бобир ҳам Шохруҳияни муҳим ҳарбий стратегия пункт деб ҳисоблаган. XVI-XVII

асрларда Шохруҳия ўзбек хонликлари ичида катталиги жихатидан иккинчи ўринда турган. Бу ерда хоннинг меросхўрлари истиқомат қилишган.

Ҳозирги кунгача сақланиб келган Шохруҳия шаҳрининг маданий қатламларини кум, лой ёки тупроқ босиб, ёнидан оқиб турган Сирдарё сув оқими тошқинлари ювиб кетган бўлиши табиий ҳол...

Тарихий шаҳарларни қайта тиклаш муаммолари билан шуғулланиш илмий-тадқиқот ишларининг моҳият дастурини акс эттирувчи илмий изланиш ишлари моҳиятни қуйидаги мавзулар орқали кўриб чиқиш мумкин:

“Қадим ва илк ислом давридан X асргача бўлган “Шохруҳия” манзилгоҳининг тадқиқоти ва график қайта тиклаш лойиҳаси”, мавзусидаги лойиҳа ишида манзилгоҳ ривожининг қадимги, ўрта асрлар ва илк ислом даври тадқиқ қилинади. Муаллиф томонидан Шахристон ҳудуди ўзлаштирилишининг энг қадимги даврларидан бошлаб ва эрамининг IX-X асрларида Сомонийлар сулоласи бошқаруви даврларигача бўлган даврлар Шохруҳиянинг (режавий) планировка ривожининг динамикаси ишлаб чиқилган;

“Қорахонийлар даври (X-XI асрлар) Шохруҳия манзилгоҳининг график қайта тиклаш лойиҳаси, Тошкент вилояти Оққўрғон райони”, мавзуси бўйича археологик тадқиқотлар материаллари ва умумий (комплекс) мавзу асосида диплом ҳимоя қилаётган курсдошлар билан ҳамкорликда биттирувчи ушбу мавзунинг чуқур ўрганиб чиқди ва Шохруҳия манзилгоҳининг X-XI асрлар - Қорахонийлар давридаги ривожининг бўйича лойиҳавий график материални тақдим этди. Лойиҳа муаллифи ўзининг археологик дастлабки манбаларнинг пухта тадқиқотчиси сифатида кўрсата олди. Улар ёрдамида у Шохруҳия шаҳрининг X-XII асрлардаги даврлар ва планировка қисмлари манзараларининг тўла очиб берди. Лойиҳа иши қуйидаги қисмлардан иборат: 1- Шохруҳия бўйича археологик тадқиқотларнинг дастлабки материаллари; 2- шаҳарнинг планировка тузилишининг ривожининг таҳлили; 3- цитадель, шахристон, рабод каби унинг қисмларининг ўзаро

нисбати; 4- шаҳарнинг жамоат ва турар жой бинолари ўзаро нисбати; 5- шаҳар муҳити стилистикаси.

“XV аср Темурийлар давридаги Шохруҳия манзилгоҳининг тадқиқоти ва график қайта тиклаш лойиҳаси” мавзусидаги лойиҳанинг асосий мақсади - Темурийлар бошқаруви йилларидаги манзилгоҳ тадқиқоти ва график қайта тиклаш бўлиб, муаллиф томонидан Тошкент вилоятининг Оққўрғон районида жойлашган манзилгоҳнинг режавий тузилишлари, кўчалар тизими ва ҳовли-жойларнинг жойлашиши, ҳарбий истеҳкомлар системаси, шаҳристон, хисор, рабодлар ҳудудлари ва ҳунармандчилик массивлари жойлашуви кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилган;

“Шохруҳия манзилгоҳининг тадқиқоти ва график қайта тиклаш лойиҳаси. Асосий шаҳарни ташкил қилувчи тугунларни тиклаш” мавзусидаги лойиҳада Шохруҳия манзилгоҳининг шаҳарни ташкил қилувчи асосий тугунларини график тиклаш вариантлари таклиф қилинади. Жумладан, бозор майдони, цитаделнинг ички тузилиш, ҳарбий истеҳкомлар системалари образини тиклаш вариантлари (археологик қазилмалар натижаларини қўллаш орқали) берилган

“Шохруҳия манзилгоҳининг тадқиқоти ва график қайта тиклаш лойиҳаси. Турар жой мажмуалари ривожини ўрганиш” мавзусидаги лойиҳа Тошкент вилоятида турар жой меъморчилиги ва унинг шаҳарсозлик тузилиши ривожини бошқичларига аталган - Шохруҳия мисолида - қадим вақтлардан ўрта асрларгача. Турар жойлар тузилиши ва планлаштирилган турар жой бўлинмалари ривожини кузатиш. Ўрта аср Шохруҳиясида турар жой тузилмалари манзараси берилган. Турар жой меъморчилиги бўйича натижалардан курсдошларнинг параллел шаҳарсозлик диплом ишларида фойдаланилган;

Шуни таъкидлаш жоизки, барча архитекторлар лойиҳа ишига виждонан, астойдил муносабатда бўлганлар ва бошқа ишларда илмий ёндошув ва лойиҳаланаётган объект бўйича кўп сонли манбалар таҳлили билан алоҳида ажралиб турдилар.

2 - боб хулосаси

Тадқиқотда эски шаҳар қисмини қайта тиклашда очиқ осмон остида этнографик музей - қўриқхона яратиш бўйича чет давлатлар тажрибасини қўллаш таклиф этилади. Шунингдек этнотуризмни ривожлантириш бўйича тавсиялар мавжуд

Шаҳар маркази, шарқий йўналишда шаҳарнинг умумий ривожи билан мувофиқликда, турар жой тузилмалар ўсишига паралел равишда ривожланади. Унинг композицион тузилиши шаҳар муҳитининг лойиҳалаш тузилишида хизмат кўрсатувчи умумшаҳар магистраллари структурасига асосланган.

Тошкент вилоятини тарихий ва замонавий шаҳар сифатида аҳамиятини инобатга олиб, лойиҳада унинг шаҳар маркази икки фокусли қурилмаси қабул қилинган.

Меъморий ёдгорликлар ва оддий умумшаҳар объектлари билан тўлган, фокуслардан биринчи ташкил қилувчи тарихий зонадан, ушбу лойиҳада фақат сайёҳлик мақсадлари учун ва шу районда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатиш учун фойдаланиш таклиф этилади.

3 – БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТНИНГ САЙЁҲЛИК ИМКОНИАТИНИ ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УЛАРГА ТАКЛИФЛАР

3.1. Туристик маршрутни шакллантиришнинг ўзига хос тамойиллари

Чимёндан Хожакентгача (маршрут). Маршрут одатда Оксой дарёси кўприги орқали 12 калит оқимидан бошланади. Бу жойда катта Чимён остонаси бўлиб йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам гўзалдир.

Этаккўприксой дарёсининг дарёси бўйлаб Оқуран давонидан пастлаб пастга туша бошланади. Этаккўприксой дарёсининг ўнг соҳаси бўйлаб қияликдан тушуи тавсия қилинади, чунки қиялар жуда тик бўлиб лой тошлар билан қопланган. Дарё бўйига тушиб боргунга дарёнинг ўнг соҳилига ўтиб сўқмоқ бўйлаб юрилади. Бу сўқмоқ Карвон сув омбори соҳиллари томон олиб чиқади. Дарё ўзани бўйлаб туриш ҳам тавсия қилинмаган чунки дарё куйи қисмидан ўтиш қийин бўлган шаршаралар мавжуд.

Сув омбори бўйлаб шоссе орқали ҳаракатланар экан, плотинага сўнгра Чирчиқ дарёси кўпригига етиб олиш керак. Бу йўлнинг кесишмасида ғаройиб биота маркази остига ягона дарахтини учратиш мумкин. Айтишларига қараганда бу дарахт 800 йил аввал Хитойдан келтирилиб экилган. уни йўлнинг чап томонида учратиш мумкин. Дарахтни доим яшил тусда бўлиб баққуват танаси ва кўплаб қўнғир шохлари бир ўзакдан чиққанлиги билан бошқа дарахтлардан яққол ажралиб турилади.

Чойхоналардан ўтиб яна йўлда давом этилар экан бир неча 10 км.лардан сўнг қадимги қоя суратларини кўриш мумкин. Вақт ажратишнинг имкони бўлса албатта қояга кўтарилиб манзарани ҳамда суратларни баҳра олиш маслаҳат берилади. Ғор ва шаршараларни учратиш ҳам мумкин қоялар олдида “Чинор” темир йўл станцияси мавжуд.

Кумушкондан Чимёнга қадар бўлган маршрут. Кумушкон-Қашқисой- Оқсойота дарёси- Нурикота дарёси- Ўрта Қумбек давони- Четқумбел – Тахтажайляу – Чимён узунлиги 60 км саёҳат учун тавла қилган ойлар бу:

Апрел – Май ойларида саёҳат қилиш тавсия қилинади.

Саёҳат маршрути Чимён тоғлари бўйлаб ўтади. Бу жойларнинг рельефи кучли эрозия жараёнига учраган.

Туманнинг барча сув захиралари Чирчиқ дарёси бассейнига тааллуқли. Аммо баҳор сувларнинг деярли ҳеч қайси Чирчиққа бориб қўшилмайди. Дарё сувларини кечиб ўтиш учун саёҳатчиларга ёз- куз ойлари қулайдир. Чунки бу мавсумда дарё сувлари унча тўлиб оқмайди. Қиш - баҳор мавсумида эса дарё сувлари айниқса кўпайиб ўзанларидан тўлиб тошиб оқади. Аҳамиятли дарёлар булар Паркентсой ва Оқсотота, Нунинота ва Белдирсой оқимларидир.

Денгиз сатҳидан 1400м баландликда арча ўрмонлари бошланади. 1800-2400м баландлигида эса дарахтлар қоплами куюқ ўрмонлар билан қопланган. 2600м баландликда эса тоғлар одатда субальпий ўсимликлар қоплам билан қопланган бўлади. Йўлда аҳоли яшаш пунктлари учрайди. Оқсоқота дарёсининг водийсида фақатгина, фермерлар ўрмон кўприкчалари ҳамда дам олиш зоналарини учратиш мумкин. Оқсоқота дарёси бўйлаб, ҳамда Кумушкон қишлоғи яқинидаги кўрғонлар, Белдерсой дарёси бўйлаб қояларга туширилган суратлар алоҳида қизиқиш уйғотиб, тарихий аҳамиятга эгадир. Ёз ойларида Кумушкон қишлоғига олиб боровчи барча йўллар уй хайвонлари билан тўлади, йўл чанг ва манзара кўзни қувонтирмайди. Бу жойларда адашиб қолиш қийин чунки яна қайтиб оқсотота дарёсига ёки пода хайдаб ўтиладиган йўлга тушиб олиш имкони бор. Маршрут чизиғи асосан дарё сохиллари бўйлаб ўтади, бу ерда йўлимиз учун қулай жойлар кўплаб учрайди. Тушлик танаффуслари, ҳамда тунаб қолиш учун чайла ҳамма шароитлар мавжуд бўлиб ўтин топиш муаммо эмас.

Маршрутнинг энг узоқ нуктасини аҳоли яшаш пунктларидан 20 км узоқликда жойлашган. Маршрурт бўйлаб хавф – хатар йўқ, агарда об хавонинг ноқулайликлари туфайли йўл ноқулай ахволда бўлса маршрутни асфальтланган йўлга қисман алмаштириш мумкин.

Бу жойларда эпидемиалогик касалликлар аниқланмаган, фақатгина ёз ойларида Июндан – Сентябргача қияликларда ўт – ўлан қатламининг ёниш холлари учраб туради. Бундай холатлар фақатгина олов билан нотўғри фойдаланиш оқибатида, юз бериш мумкин.

Кумушкон – Чимён. Биринчи тавфсия этилган маршрут.

Биринчи кун. Кумушкон Кашка дарёси – Оқсоқота давони – 10км.

Маршрутни “Кумушкон” тур базасидан бошлаш мумкин. Асфальтланган йўл бўйлаб Кумушконгача сўнгра йўл Кашка дарёси ўзани бўлиб пастки кўприк томон тушиб боради. Бу жойга тур базадан тўғридан тўғри келиш мумкин, аммо бир неча чуқур жарликларни енгиб ўтиш зарур бўлади сўнг оқимлардан қарама қарши йўналишда йўл давом этади. йўл бўйлаб тахминан 50 метрлардан сўнг булоқни учратиш мумкин. Сўнгра йўл буғдойзор бўйлаб Кашка дарёнинг навбатдаги ўрмонига олиб келади. Ёз мавсумида дарёни тошлар устидан кечиб ўтиш мумкин. Шу билан тоғ давонга қадар грунтланган йўл давом этади. Бу ерда унча катта бўлмаган қоя кўзга ташланади. Бу кўпинча – эҳтимол қадимги Хитойликлар тамонидан ажратилган.

Давонга кўтарилиш деярли сезилмайди, чунки давоннинг жанубий қисми оқимлардан ва текисликлардан иборат бўлиб у ерда дарахтларни учратиш мумкин. Давонда Апрель ойларида ҳам қор қоплами бўлиб, бу қисми бутунлай қор бўлиб қопланган. Давондан ташландиқ йўл Оқсоқта дарёси ирмоғига сўнгра грунт йўлига олиб чиқади. Бу ернинг ўсимликлар дунёси анчайин хилма- хил бўлиб арча, ёнғоқ, олча дарахтлари учрайди. йўл тушиб борар екан эски мозорга кўз тушади. Дарёнинг ўнг соҳилида Миллий Университетнинг амалиёт ўтказадиган лагери жойлашган. Дарё бўйлаб чодир ташлаш учун бўш ва қулай жойлар топиш мумкин.

Иккинчи кун. Оқсоқота дарёси – Нурунота дарёси – 18 км.

Тонгда Оқсоқота дарёси оқими бўйлаб йўлга тушамиз. Йўл бора – бора асосий йўлга алмашади, тахминан 3км дан сўнг ўрмон хўжалиги шу ердан ажратилган йўл юқори чап томонга, довон Чирчиқ шаҳри томон олиб боради. Оқсоқота дарёси оқими бўйлаб пастга томон асфальтланган йўлдан давом этади 1 километрдан сўнг Нурута дарёси кўприги орқали дарёнинг чап қирғоғига ўтилади. Нурута дарёсининг чап қирғоқлари бўйлаб ҳаракатланар эканмиз йўлнинг айрим қисмларини сел оқимлари ювиб кетганини кўришимиз мумкин. Кўприкдан Нурута дарёсигача 3 соат юрилади Айнан шу ерда тунаб қолишимиз учун қулай бўлган текисликлар бор. Булоқ ҳам узок эмас, йўлимиз узун ҳам қулай, аммо ўтин масаласи муаммо, бу ерда ўтин топиш қийин.

Учинчи кун. Нурута дарёси – Ўртақумбеги девони Шалкансув дарёси (Белдерсой дарёсининг ирмоғи) – 13км.

Нурутанинг ўнг қирғоғи бўйлаб йўлга тушамиз. 20 дақиқадан сўнг дарёнинг чап қирғоғида авваллари от фирмаси бўлган жойни кўрамиз, яна 1-1,5 соатлардан сўнг Нурута дарёсини ҳосил қилувчи оқимни учратамиз, Бу ердан чап ирмоқ бўйидаги водий тамон йўл давом этади, аммо, бизнинг йўл Чимён атрофигача чўзилади. Йўл яхши ахволда Ўртақум билан (1881) давонидан чап тамонга Шолпансув дарёсига йўл оламиз. Сув шаффоф ва тоза атроф арчазор, дарахтлар кўп ўтин топиш муаммо эмас, Данак тўплаб қолиш учун ҳамма шароит мавжуд.

Тўртинчи кун. Қоя суратларга чиқиш – 124м қадимги одамнинг қояларга тушурилган суратларда ов саҳнаси тасвирланган. Орта кумбас давонидан катта Чимён тоғи тамон сўқмоқ бўйлаб ҳаракатланишга тўғри келади. Ортга йўл худди шу кетма кетликда.

Бешинчи кун. Белдирсой дарёси – Читқушбел давони – Мармар дарёси Тўхта – Джалаяу давони Чимён.

Шолкансув дарёси чап қирғоғи бўйлаб пастга Белдирсой дарёсигача тушамиз сўнгра Четқушбел Давонига (1845м) баландликда кўтариламиз.

Маршар дарёсига тушиб борамиз боршимиз билан яна Тўхта – Джалаяу давонига узун кўтарилиш керак. Тэпага кўтарилиш йўли анчайин тик бўлиб секин аста Текисликка айланади. Бу ердан “Чимён” туричтлик компанияси кўриниб туради. Йўл “Чимён” комплекси автострадаси бўйлаб давом этади. Апрель ойларида комплксдан тушиш керак, тўғридан тўғри тушиш хавфлидур.

Иккинчи тавсия қилинадиган маршрут Кумушкон Янгиобод.

Кумушкон қишлоғи Оқсоқота дарёси Фхтахта девони – Раванур дарёси Қорабузук дарёси – Қорабузук давони Курукти дарёси – Одамтош давони – Каттасой дарёси – Янгиобод қишлоғи масофаси 100км.

Саёхат учун Мартдан Октябргача бўлган вақт тавсия қилинади. Айниқса Июнь, Июль Август ойларида саёхат уюштириш мақсадга мувофиқ.

Саёхат маршрутининг асосий қисми Чотқол орқали ўтади. туманнинг рельефи эрозия жойларида жуда майдаланиб кетган. Маршрут бўйлаб максимал баландлик 1100м га “U” тарздаги водийлар бу жойлар учун ҳаракатлидир. Саёхатнинг гидропортали Чотқол Хрептаси иккига бўлиб туради. Биринчи қисми Чирчиқ дараси бассейнига таълуқли, сўнгра эса Одаметош девони ва Оҳангарон дарёси бассейни қиш баҳор ойларида ҳамда узок ёмғир мавсумида сув хавзаларида сув мўл бўлади. Ёз ойларида дарёда – сойлар деярли хавфсиз бўлиб кечиб ўтиш имкони мавжуд. Оқсоқота, Ревашт, Карабузук, Каттасой дарёлари аҳамиятли дарёлр сарасига киради. Ўсимликлар дунёсида бошларғич адрларлар, яйловлар тоғларга хос сув бўйларида жийда, тол, терак ва қаттин дарахтлари ўсади.

Терассаларда ва қояларнинг қуйи қисмидаги водийларда Грек ёнғоғи, олма, олча, ўрик, ҳамда шповник, барбарис Боярышник бутасимонлар ўсади. Бу зона учун маданий ландшафти характерлидир зонада олмазорларни, узумзорларни учратиш мумкин. Маршрут бўйлаб аҳоли яшаш пунктлари мавжуд эмас. фақатгина йўлда чўпонларни, овчиларни учратиш мумкин. Маҳаллийаҳоли асосан Ўзбекларни ташкил қилади. Маршрут Чотқол зонаси

орқали ўтади. Маршрут меъёр бўйича биринчи даражали мураккабликка эга. Демак саёхатчиларни алоҳида тайёргарлик кўришларини талаб қилади.

Тоғда дуч келиш мумкин бўлган хавф – хатарларга махсус тайёргарлик кўриш саёхатчиларга тавсия қилинади хавф – хатарни олдини олувчи, йўналувчи техника воситалари бўлиши шарт. Бу саёхат асосан спортчи саёхатчилар учун кўпроқ мос келади.

Маршрут бўйлаб сув ҳамда ўтин мўл бўлиб муаммо туғдирмайди. Маршрут йўналиши дарё қирғоқлари бўйлаб ўтган бўлиб, чўмилиш учун ҳам жуда қулайдир. Дарё бўйлаб тушиш учун жой хозирлаш ўтин топиш қийин эмас. Тунаб қолиш учун чодир хозирлашга ҳам кенг майдонлар бор. Маршрут бўйлаб машинада озиқ – овқат келтириш имкони ҳам мавжуд, Чунки Ривашит дараси тушадиган йўл бўйлаб автомобил қатновчилар серкатновдир. Маршрут йўналиши бўйлаб ўта хавфли жойлар йўқ фақатгина қояларда эътиборли бурулиш тавсия қилинади. Дарёларни кўлак билан кечиб ўтиш мумкин. Туманда эпидималогик касалликлар кузатилмаган. Ёз, Куз мавсумида ўт – ўлан қахшаб қурйди ҳамда олов билан нотўғри фойдаланиб, хавсизлик чораларини кўрмаслик оқибатида ёнғин хафи бор.

Давонлар:

1. Ахтахта – 2280м
2. Ревацт – 2120м
3. Қорабузук – 2180м
4. Одамтош – 3189м

Биринчи кун. Кумушкон қишлоғи – Оқсоқота дарёси – Қашқасув дарёси – 17км.

Маршрутни “Кумушкон” турбазасидан бошлаб тавсия этилади. Турбазадан қишлоқ орқали йўл ўтган бўлиб. Бу йўл бора – бора сўқиоқ йўлакчасига айланади. Мана шу сўқмоқ орқали Саёхатчилар ўз маршрутларини бошлайдилар. Сўқмоқ қашқа дарёси бўйлаб ясси тоғнинг водийси орқали ўтади. Водийда бир қанча ирмоқлар ўтади.

Ягона асосий сўқмоқ мавжуд эмас бир қанча сўқмоқлардан биттаси энг яхши ва энг тўласини танлаб олиш зарур. Асосий йўналиш шимолдаги баландлиги 1876м бўлган дўнгликдир қир адирлар сўқмоқ бўйлаб босиб ўтадилар. Кейинги паслашиш эса ирмоқ томон бўлади. Кейинги баландлик 1876м бўлиб унга кўтарилишни ўнг томондан бошлаш керак. 300м пастроқда Оқсоқота дарёсига олиб тушувчи кенг сўқмоққа кўзимиз тушади. Сўқмоқ бўйлаб йўлни давом этар эканмиз Оқсоқота дараси томон баландлик анча пасайиб боради ҳамда яхши грунт йўли бошланади. Дарё оқими бўйлаб маршрут йўли давом этади. Дам олиш зонасига олдида кесиб йўлимиз дарёнинг нариги тоёнига ўтади. Худди ана шу ердан йўл тик қиялик бўйлаб тепага кўтарилади. йўл бўйлаб ҳаракатланиш зарур 0.5км сўнг ўнг томондан сўнг яйлов ўз боғини очади. Яйлов грунт йўл олиб тушади, бу ерда тунаб қолиш мумкин. Агар бу жой банд бўлса 1 – 1.5 км дан сўнг яна бошқа тунаш учун қулай бўлган жойлар бор тушликни эса хона айланиш графигига қараб Қашқадарёнинг қирғоқларидан бири яқинида қилиш мумкин.

Иккинчи кун. Қашқа сув дарёси – Ахтахта довони остонаси 23 км.

Маршрутнинг иккинчи куни Ахтахта довонида олиб боровчи яхши грунтланган йўлдан бошланади. Йўл Оқсоқота дарёнинг географик ўнг қирғоғидан ўтади. Саёхатнинг иккинчи кунини 3 қисмга ажратишимиз мумкин. Йўл аввал Оқсоқота дарёсидан 50,60 м баландлик томон кўтарилади. Йўл бир баландликка бир пастликка тушиб шу тарзда давом этади. Иккинчи қисмда йўл Оқсоқота дарёсидан ўтади. Ўнг томонда шаршараларга тўлиқ тушади. Бу манзара бағрида тушлик қилиб олиш мумкин. Учинчи қисм Ахтахта довонида кўтариш. Довон томонга баландликка кўтаоилар эканмиз яқинлашиб қолганимизни сезишимиз билан тунаб қолиш учун жой ҳозирлаш керак бўлади. Йўл билан Оқсоқота дарёси кесишиш жойидан довон ошади. Бу ерга 1 – 1,5 км етмасдан ўнг тмонда тунаб қолиш учун қулай жойлар бор.

Учинчи кун. Ахтахта довони – ревалюд дарёси – 15км. Маршрутнинг учинчи куни Ахтахта довони томон тепага кўтарилишдан бошланади. Маршрут йўл бўйлаб то перевалгача давом этади. Бу ердан Музбел довонида

ажойиб манзара очилади. Маршрут шу йўналиши билан аста секин пасайа борад. Сўнгра чап томонда оқ тупроқни дара ўз бағрини очади. Тупроқнинг бундай ўзгача туси умумий фонда яққол кўзга ташланади. Бу йўл бўйлаб пастга тушар эканмиз Ревацит дарёси бўйи яйловларига дуч келамиз. Дарё бўйича тушиб тушлик юзини кўриш мумкин. Сўнгра йўл Музбель давони тамон кўтариб боради. Саёхатчилар эса аксинча Ревашит дарёси томон пастга ҳаракатланишлари керак. йўлда биргина сўқмоқ қолди 5км йўл босиб ўтгандан сўнг саёхатчилар ўрмон хўжалиги пастга олдинга чиқадилар. Бу ерда вагончиклар жойлашган ва ўнг томонда иомоқ оқиб ўтади. Бу ерда ёкган жойда тунаб қолиш мумкин. Ундан ташқари кегинги кунни тўлиқ бу ерда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи кун.Ришоват дарёси бўйида, ўрмон хўжалиги пўсти олдида саёхатнинг биринчи кунини бағишлашга арзийди.

Маршрутнинг бир қисми ўтди, иккинчи қисми ҳам олдинда шу сабабли ҳаммом кунни уюштириб яхшилаб хордиқ чиқариш мақадга мувофиқдир. кунни маршрутнинг иккинчи қисми анчайин мураккаброқ бўлиб, йўл секин аста баланд тоғларга алмаша боради.

Бешинчи кун.Ривошит дарёси – Ревашт довони – Карабузук дарёси Карабузук довони – Курукти дарёси – 15км.

Бир кунлик дам олишдан сўнг маршрутнинг анчайин машаққатли аммо анчайин мароқли ва гўзал қисми бошланади. Ҳаракатнинг Ревашут дарёсига келиб қуйиладиган ирмоқ олдидан бошланади. Саёхатчилар гуруҳи эски ташландиқ йўл бўйлаб ҳаракатланадилар.

1–1,5км дан сўнг улкан дарахт олдидан серпантиндан чап томонга кўтарила борилади. йўл яхши ахволда. Гребеньга кўтарилгач, ўнг тарафда Решоват довони манзараси ўз чиройини очади. йўлни давонга қараб давом эттириш керак. Бунинг учун бир неча кичик йўлакларга бўлиниб яна бир ягона йўлга айланадиган йўлаклардан бирини, яхшисини танлаб ҳаракатланиш лозим. Довон олдида йўлаклар бир неча йўлакларга ажралиб кетади. Давон олдида турган катта арчадан баландроққа чиқишга ҳаракат

қилиш зарур. Довондан тушишда ҳам яхши ва қулай сўқмоқни танлаб, у орқали аста секин баландликларни ортга қолдириб Қорабузук дарёсига келиб қуюладиган ирмоқ бўйлаб ўтилади. Шу ерда қайинзорлар орасида тушлик қилиб хордиқ чиқариб олиш мумкин. тушликдан сўнг худди шу сўқмоқ бўйлаб йўлни давом этилса бу йўл Қорабузук довонига кўтарила боради.

Аввал сўқмоқ давондан оқиб тушувчи ирмоқ бўйлаб ўтади, сўнгра географик қоянинг йўналиши бўйлаб чапга бурулиб кескин баландлашиб боради. Қорабузук давонидн ўнгда Оқатош довонига, тўғрига – Товоқсой довонига чапдан орқада пўлатхон ясси тоғига панарама очилади. Саёхатчилар бу манзарадан баҳра олиб бўлгач Қорабузук довонидан пастга тушиб довоннинг қуйи қисмида тунаш учун жой ҳозирлашлари керак. Чунки маршрутнинг кейинги куни баланд тоғли ва ўрмонсиз зоналарда ўтади.

Олтинчи кун. Крукти дарёси – Одамтош довони – каттасой дарёси – 18 км.

Бу оғир кун. Саёхатчилар Одамтош довонига кўтарилишни бошлайдилар. 2310м баландликка. Довон бўйлаб ҳаракатланар экан Чотқол хрептси бўйлаб озгина пастлайдилар. яққол ҳосил бўлган сўқмоқ мавжуд эмас. Шу сабабли гуруҳ аъзоларининг таркибини ҳисобга олган ҳолда исталган йўналишда йўлда давом этилади. Йўналишлардан энг қулайи ўнг ирмоқ бўйлаб, қоя бўйлаб ҳаракатланишдир. Ирмоқ Гребенга қадар кўтарилади. Гребенга чиқиб бшлгач, дам олиб, тушлик қилиш мумкин. Сўнгра Одамтош довонидан чиқишга ҳозирланиш мумкин. Довондан тушишни чап Гребендан бошлаш зарур. Гребен сўнгида чап томонда ташландиқ штольняни учратамиз. Икки ирғоқни қуйулиш жойига етиб келгач котта Қария дарёси бўйлаб ҳаракатни давом эттириш керак. Катта Қария кичкина Қария дарёсига қўшилиш жойигача келиб бу ерда тунаш учун жой ҳозирлаш мумкин.

Еттинчи кун. Каттасой дарёси – Янгиобод қишлоғи – 12км.

Еттинчи куннинг маршрути энг қисқасидир. Саёхатчилар каттасой дарёсининг Чап тарафидан оқим бўйлаб пастга ҳаракатланадилар. катта Қара

ва кичкина Қария дарёларининг кўшилиш жойида чап қирғоғида яхши сўқмоқ мавжуд. Бу сўқмоқ баъзида йўқолиб, баъзида дарёдан анча юқорилаб кетади. 5 йил йўл босиб ўтгач сўқмоқ дарё бўйлаб пастлашади ҳамда эски геологик йўлга чиқади. Бу йўл сел ва тошқинлар билан ювилиб кетган. Йўл дарё бўйлаб давом этмоқда катта камар олдида йўл оғир сўқмоқдан ўтиб боради. Бу сўқмоқ орқали саёхатчилар Қиздара дарёсига чиқадилар: айнан шу ердаан “Янгиобод” тур баъзаси томон олиб боровчи яхши йўл бошланади иккикундан сўнг “Янгиобод” турбазаси.

Учинчи тавсия қилинган маршрут-Пўлатхон ясси тоғига чиқиш.

Пўлатхон платаси овал шаклида, тик ва жуда баланд қоя деворлардан ташкил топган. Серпилсой, Оқбулоқ ва Қораарча дарёлари водийлари 20² км ни ташкил этади. Плато сатҳи Оқбулоқ Томонга тик кўтарилади. Плато марказидан катта бўлмаган сув оқади. Сув қоя тоғларидан пастга ошиб тушиб кўплаб шаршараларни ҳосил қилади. Плато тошлари сув, шамол ҳамда музлашлар оқибатида шакл ҳосил қилган. Қояларда кўплаб ёрларни учратиш мумкин.

Пўлатхон ясси тоғи Угам – Чотқол Миллий боғига олиб боровчи, хўжалик сўқмоқлари йўлида жойлашган. Шу билан бирга бир қанча Сайёхлик сўқмоқлари ҳам манзилга етказади. Сўқмоқлар ўт ўланлар билан қопланиб қопланиб кетмаган балки янги энтузиазм ва романтик руҳда янгиланиб туради. Ҳамда Пўлатхонга ўзгача сирли руҳ бағишлайди.

Пўлатхонни зобит этиш учун аввало сабр, истак, айниқса тик ва узун кўтарилишлар машаққатли кечиш мумкин. Бу маршрутни уддалаш учун тайёргарлик зарур, ҳамда бу маршрутга енгил саёхатга кирагандек қарамаслик маслаҳат берилади. 2000 м дан ортиқ баландликда қуёш қаттиқ қиздиради. Ҳамда совуқ шамол тананинг айрим очик қисмида қаттиқ куйишлар қолдиришлар мумкин йўлда ўтинлар кам, йўқ десаҳам бўлади, сув булоқлари ҳам кам учдайди шу сабабли саёхатчилар ўзлари билан ресурсларини олиб юришлари керак бўлади. Бу маршрут бўйлаб ҳаракатланишда алоҳида эътиборли бўлиш керак, салгина эътиборсизлик

жиддий жарахатларга олиб келиши мумкин ёки шеригингизга зарар етказиш мумкин.

Бизнинг тоғ зоналарда жароҳат олиш хавфли, чунки бундай маршрутда кутқарув тармоғи йўлга қўйилган эмас. Ҳамда содир бўлган нохушлик ҳақида ҳеч қандай хабар беришнинг иложи йўқ. Фақатгина чўпонларнигина ёрдамга чорлаш мумкин, агар уларни учратсангиз албатта!

Маршрут тарихи. Июнь – август энг яхши мавсум.

Биринчи кун. Кумушкон – Арпаной: 32км.

Анъанавий пиёда амалга оширадиган маршрут бўлган, Пўлатхонага кўтарилиш Чимён – Билдирсой раёнидан бошланади. Саёхатчилар ўз маршрутини 1500 метр баландликда бошлайдилар. Биз ўзлаштирилган маршрутни танладик бу маршрут Кумушкон қишлоғидан бошланади. Бу ерда хали – хануз сайёхлик базаси мавжуд бўлиб айнан шу ердан маршрут бўйлаб ҳаракатланиш бошланади. Жисммоний зўриқишни камайтириш, ҳамда атроф муҳитни, гўзал манзараларни яхшироқ англаш мақсадида отларни ижарага олишга қарор қилдик. Бундай ҳаракатни Чотқол қўриқхонасига қўнғироқ қилиб, маъмурият билан келишган ҳолда амалга ошириш мумкин (+ 8272 – 22496, 22161). Шу ернинг ўзидаёқ маршрут бўйлаб олиб юрувчи ёрдамчи ёнлашни ҳам келишишингиз мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики ёрдамчи мутахассис маршрут бўйлаб ҳаракатланишни хавфсизлигини таминлайди.

Шу билан бирга бундай ёрдамчи маҳаллий вид ўрнида атроф муҳит ҳақида кўплаб қизик маълумотларни бериши мумкин. Ҳамда ёрдамчи билан энг қисқа йўлни танлаш бўйича мантиқсиз изланишларни олиб боришга тўғри келмайди.

Маршрут бўйлаб йўлга чиқиш учун олдиндан тайёргарлик кўриб тонг сахарда йўлга отланиш тавфсия қилинади. Кумушкондан чиқасолиб кўприкка тушиш керак, кегин Олтинбой сойи бўйлаб Оқсовота дарёси томон кўтарилиш керак. Йўлда кўзимиз гўзал манзараларга тушади. Сўқмоқ Давонсойнинг Оқсоқота дарёсининг қўшилиш жойига олиб чиқади. Сшнгра

шу дарёнинг кўпригига тушиб ўнг қирғоғига ўтамиз. Шу ерда очик яйлов танлаб дам олиш учун жой хозироаш керак.

Сафарни шошмасдан давом эттириш лозим. Тоғ йўлларига, отга ва отда ўтиришга мослашиб бориш керак. Йўл давомида тўхташ, атрофдаги юкларни тўғирлаш, ременларни тортиб От эгарини мустахкамлаш ёки сал бўшатиш шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш мумкин. Айрим жойларда яйловга караган дарё бўйлари тоғ қояларида чиройли манзаралар очилмоқда.

Тунаб қолиш учун Оқсоқота билан Арпаной дарёларнинг қўшилиш жойида бирор қулай жой топишни маслаҳат берамиз. Бу ерда ўтин ва ичимлик суви етарли. Оқсоқотанинг суви унчалик ифлосланмаган бу жойдан уни ичиш учун ҳамда кечки таом тайёрлаш учун ишлатиш мумкин.

Иккинчи кун. Арпаной – Пўланхон Дарвозаси: 41км

Кейинги кун эртароқ туриш лозим. Нонушта қилиб бўлгач, ортидан ҳеч қандай из қолдирмай йўлни давом эттириш керак. Йўлни Пўлатхон остонасига кўтарилишдан бошлаймиз. Йўл давомида дуч келишимиз мумкин бўлган қийинчиликларга тайёр бўлиш лозим. Тик ва тошли кўтарилишлардан ўтиш осон бўлмайди. Аммо бу қийинчиликлардан ўтиш учун бизга отлар катта ёрдам беради, мушкулмизни онсонлаштиради. Оққўли олдида озроқ хордиқ чиқаршимиз мумкин. Кўлдан катта бўлмаган, Оқ тоғ баландлигидаги балчиқликнинг ботқоқлиги қолган. Кўтарилишни мушкулликлари билан бирга гўлал панарамани кузатиш имкони бор. Канангур(2942м) тоғида очиладиган бетакрор гўзал манзаралар кўзни завқлантиради, Ғаройиб хис туйғуларни бағишлайди. Шу билан йўл машаққатларини унутгандай бўласиз. шу ерда тўхташ мумкин.

Сўнгра икки соатлик йўлни уддаласак Пўлатхон остонасидамиз. Асосийси вақтида тўхташ Пўлатхоннинг тор дарвозасидан ўтиб кетмаслик керак. Агар палаткангиз шамолларга дош бераолса шу ерда тунаш учун жой хозирлаш мумкин бўлади.

Учинчи кун. Пўлатхонни тадқиқ қилиб ўрганамиз. Бу кунни ясси тоғни ўрганишга айланишга бағишлаш мақсадга мувофиқдир. Тунаб қолган жойда,

от устидан тушиб тэпага қаралса триагуля цаннаи знакини кўриш мумкин. Ана шу йўналиш бўйлаб йўл оламиз. Бу белги тагида сиздан кейин бу ерларга келадиган гуруҳлар учун нома қолдиришингиз мумкин. Бу нуқтадан Плато ва унинг атроф муҳити яхши кўринади. Пўлатхоннинг енг узок жойига (7 км) йўл олсак у ерда тош деворни кўрамиз, қурилмани ким қургани номаълум. Девор эни 2 – 3 метр баландлиги 1 метрдан кўпроқ баландроқ, узунлиги 20 метрдан ортиқ. Бу қурилма дунёвий муаммолардан ўзини тош деворлар билан тўсмоқчи бўлган одам томондан қурулгандек назаримизда. Тош девор ортида иккита катта бўлмаган ғор аниқланган яхшилаб ўрганиб, тадқиқ қилиб кузатилса Платода яна бошқа ғорларни ҳам учратиш мумкин. Афсоналарга қараганда ғорларнинг бирида Пўлатхоннинг оиласи дарё бўйига, ер ости йўналишидан тушгар. Айтишларича қуёшнинг тонгидаги илк нурлари ғор ичини бир неча метргача ёритар экан. Маҳаллийаҳолидан бири бу ерларда мисдан қилинган уй рўзғор буюмларни топиб олган (Чойнак, кумғон, лаган ва ҳ.к лар). Бу буюмларни мис буюм сифатида махсус жойга топширган. Буюмларнинг умумий оғирлиги 50 кг ни ташкил қилган. Шундай экан демак кегинги тадқиқотчилар Бу тоғ массиви боғридан, қимматли топилмалар топиб олишлигига умид беради. Йўл давомида ғарбий Тянь – Шань фаунасининг ноёб вакили бўлган Мингбир кундузига ўхшатиш мумкин. Кимдир яқинлашши биланоқ ясси – тоғ бўйлаб кундузнинг хуштаги жаранглаб кетади бу тарзда кундуз хавф хатар яқинлашиши ҳақида бошқаларни огохлантиради.

“Пўлатхон” нинг деворидан унча узок бўлмаган жойда, ёзда ҳам деган булоқни топиш мумкин. 2 қоя оралиғидаги тор йўлдан ортга қайтиш мумкин. бу жой – “Пўлатхон дарвозаси” дейилади.

Тўртинчи кун. “Пўлатхон дарвозаси”: 37км. Кейинги кун лагерни йиғиштириб Нуршанота сой билан берк ота дарёларининг қўшилиши жойига томон ҳаракатни бошлаш мумкин. Манзилга етиш учун бугунги кун қийинчиликларини ҳам уйддалаш лозим. Калангур тоғига келиб шимолга Мингйиллик хрептаси томонга бурулиш керак. Бу хрептадан катта Чимён ва

Пўлатхон ясси тоғига панорама очилади. Мирзабой хрептасидан Нуренота сой дарёси томон арча ўрмонлари орқали тушиб борилади. Маршурб бўйлаб Бернаотанинг катта бўйлама деворини кўрамиз.

Бу девор ҳамда Бернаота дарёлари бўйларида лагер учун қулай жой топиш мумкин. Бернаота дарвозаси яқинидаги яйлов айнан тунаб қолиш учун жуда қулай. Сув оқимлари девордан ўзига йўл очиб Бернаота водийларига оқиб ўтади. Бу ерда дам олиш айтиш мумкин. Сув ва ўтин етарли.

Бешинчи кун. Бернаота – Кумушкон: 45км.

Тонгда лагерни йиғиштириб, Кумушконга Қайтиш мумкин. Йўл Нуриносой бўйлаб Оқсоқота сой дарёларнинг қўшилиш жойига давом этади. Чап қирғоққа кўприк орқали ўтиш мумкин. Сўнгра айрим қисимлари асфалтланган йўл Миллий Университет Геология факультетининг баъзасига олиб келади. Лагерга сал етмасдан сўқмоқларнинг бири Оқсоқота сой дарёсининг чап қирғоғидан “Кумушкон” давони томон кўтарилиб боради. Тик ва узун кўтарилиб кетган сўқмоқ маршрут бошланган жойга олиб келади ва Кумушкон қишлоғидан чиқади. Бу ерда усти бошини қоқиб, цивилизацияга қайтиш мумкин.

Зарур анжомлар:

Шахсий: Бош кийим – 1 дона, Рюгзак - 1 дона, Спальный (ухлаш қоғози) - 1 дона, Метр - 1 дона, Идиш товоқ , Туалет ва гигиена анжомлари, Шахсий анжомлар, Кийим кечак ва саёҳат кийими, Оёқ кийим, Гилям ёки шолча,

10 кишилиқ гуруҳ: Палатка - 3 дона, Ўчоқ анжомлари, Болта - 1 дона, Ёғоч пичоқ - 1 дона, Арқон - 20м., Аптечка - 1 дона, Шам - 10 дона, Фонарь - 2 дона, Фотоаппарат – 1 дона, Полиэтилен қўпқон 10кв.м., Рем. набор 1- дона

Саёҳатчилар учун тавсия этилаётган олтин қоида:

- Маршрутни яхши биладиган йўлбошчисиз тоққа мустақил тарзда йўл олманг.
- Маршрут харитасини тайёрлаб сўнг йўлга чиқинг.
- Хаританинг биттасини сизни кутадиган одамга қолдириш.
- Синовдан ўтмаган харитадан фойдаланманг.

3.2. Этнотуристик объектларда кичик меъморий шакллар лойихасига таклиф ва тавсиялар

Бўстонлик туманининг сайёҳлик зонаси бўлиши мумкин бўлган қисми вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган. Унинг марказлашган қисми – Ғазалкент шаҳридир. Тошкентдан Ғазалкентгача 1 соат ичида етиб олиши мумкин. Бунинг учун “Буюк ипак йўли” метросидан катнайдиган такси маршрутларидан фойдаланиш мумкин ёки Чирчиқ шаҳрининг автостанциясидан бошқа транспорт воситасига ўтириш мумкин. Тошкент метросидан таксида кетса ҳам бўлади.

Бўстонлик тумани тошкентликларнинг 100 йиллардан бери сеvimли дам олиш масканига айланган. Туманнинг юмшоқ иқлими, чиройли тоғли ландшафти фақатгина пойтахт аҳолисини эмас балки кўшни давлатлардан ҳам сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Ёзги болалар соғломлаштириш масканларидан ташқари туманда 48 давлат регистратсиясидан ўтган дам олиш масканлари фаолият юритиб келаяпти. Бу масканлар дам олувчиларни асосан ёз ойларида қабул қилади. Дам олиш масканлари асосан ўзларининг Тошкент ишчиларига хизмат кўрсатади. Лекин, бўш жойлар бўлса бошқа дам олувчиларни ҳам қабул қилади. Охирги йилларда дам олиш масканлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай масканлар хатто ўта диди нозик дам олувчиларнинг кўнглини ола олади. Эски соғломлаштириш марказларига замонавий талабларга жавоб бера оладиган қилиб реконструкция қилинмоқда. Бундай янгиланган бинолар 10дан ортиқ. Фаолият юритиб келаётган дам олиш марказларини 5000дан ортиқ дам олувчиларни ўз ичига олади. Бўстонлик туманига дам олиш учун ташриф буюрувчи дам олувчиларнинг сони йилига ортиб бормоқда. Сайёҳлик учун охирги йилларда кўплаб қулайликлар ва сервис хизматларини кучайтиришмоқда. Чимёндаги қиш мавсумида кечаю кундуз хизмат кўрсатадиган соғломлаштириш маркази тоғ чанғиси баъзаси сифатида фойдаланиб юритилмоқда. Қиш мавсумида

дам олиш ишқибозлари учун чорвоқ сув омбори атрофида ката соғломлаштириш марказлари мавжуд. Бостонлиқ туманига кунига 1.2миллион дам олувчилар ва сайёҳлар ташриф буюрадилар.

Дам олувчиларнинг асосий қисми ёз ойларида айниқса дам олиш кунлари автомобиллар тўла тошкентликлар тоғ томон ошиқадилар.

Сайёҳларнинг севимли тўхташ масканлари чорвоқ сув омбори атрофидир, яъни сайёҳлар Билдирсой, Чимён ҳамда Хунсон қишлоқлари Оқтош, Бирчимулла, Бостонлиқ ва бошқалар. Ёзги дам олиш мавсумида маҳаллий аҳоли ҳам дам олувчиларга тапчанлар, турар жойларини ва бошқа ошхона буюмларини ижарага тақдим этмоқда. Сув бўйларида дам олувчиларга эса маҳаллий аҳолидан сузиш мосламаларини қиш ойларида чанғи ва синовбордларни ижарага олишлари мумкин.

Тошкентнинг сайёҳлик фирмалари дам олишнинг бир неча кунлик ёки бир кунлик ҳамда узоқ муддатга чўзиладиган аҳоли яшаш пунктларидан узоқларда жойлашган жойларига ҳам ташкил этишлари мумкин. Яъни гўзал манзаралар бўйлаб от маршрутларини ҳам ташкил этилган. Угам, Чотқол дарёлари бўйлаб (рафтинг) ларни ҳам таклиф этмоқдалар.

Чимённинг сайёҳлик инфраструктураси ўтган 100 йилликнинг 60-йилларида барпо бўла бошлади. Чанғи трассалари, меҳмонхоналар, қутқарув сансиялари йўллар ва ҳакозолар шулар шумласидандир. Туризмни ривожлантириш ҳозирги кунга келиб интенсиве тус олмоқда. Таби нозик миждозларни кўнглини олиш мақсадида янгидан янги соғломлаштириш масканлари ишга туширилмоқда.

Билдирсой ўзининг Ўзбекистонда энг узун трассали тоғ чанғи курортлари билан машҳурдир. Бу жойлар ёз мавсумида ҳам жуда жозибалидир. Билдирсой дарёси катта қисми тоғнинг чўққисидан бошланади (3309). Сойнинг ўрта оқими қисмида ката майдон мавжуд бўлиб кўп тоғ маршрутларининг чоррахаси ҳисобланади. Бу ерда деярли ҳар доим сайёҳларнинг чайлаларини учратиш мумкин. Атрофда кўплаб арча дарахтлари ўсади.

Чимён тоғларида сайёҳлар малакали йўлбошчилар ёрдамида катта ва кичик Чимён (2100 – 3308м), Қизил - жар (1866) чўққиларини забт этишлари ҳамда мрамр дарёларига саёҳат уюштиришлари мумкин. Тоғ саёҳатини уюштиришда маҳаллий аҳоли ҳам ёрдам бериши мумкин. Ҳар бир тоғ халқи яшаш пунктларида маҳаллий ўз – ўзини бошқариш органлари мавжуд бўлиб улар аҳоли яшаш пунктларининг марказида бўлади. Бу ерда маҳаллий диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумот олишингиз мумкин балки бу жойларни кўрсата оладиган одамларни ҳам топишингиз мумкин. Тоғ ва тоғ олди манзаралари бўйлаб бир кунлик бундай саёҳат кўп кунлик сайёҳлик фирмалари томонидан ташкил этиладиган саёҳатлардан айтарли даражада арзонроқга айланади. Тоғ устида ҳамда тоғ олди бўйлари кўп кунлик саёҳати обдон ва махсус тайёргарлиги бор мутахасис ҳамроҳлигини талаб қилади.

Бирчмулла – Нанай зонасига: Юсупхона, Бурчмулла, Боғистон, Нанай, Янгиқўрғон, Болалама, Яккатут қишлоқлари киради. (денгиз сатҳидан 900минг метр баландликда жойлашган). Умумий аҳоли 30минг кишини ташкил этади. Аҳоли яшаш пунктлари асфалтланган йўллар билан туташади. Бурчмулладан Ғазалкентгача 60км, Тошкентгача 120км. Умумий жамоат транспортлари: Автобуслар, маршрутлар ва енгил автомобиллар қатнови йўлга қўйилган. Маҳаллий аҳоли қишлоқ хўжалиги билан банд ҳамда қисман дам олувчиларга хизмат кўрстади.

Бурчмулла – Нанай зонасининг асосий меҳмонларни қабул қилиш жойи Чорвоқ сув омбори саналади. Чорвоқ сув омбори айниқса ёз ойларида минглаб шаҳарликларни ўз бағрига олади. Бу мавсумда маҳаллий меҳмонхоналар ўз фаолиятини бошлайди. Бундай меҳмонхоналар барча қулайликлари билан биргаликда бир кунлик дам олувчилар учун дарахт соялари, сув омбори соҳиллари, тапчанлар ҳам дам олувчиларга хизмат кўрсатади. Сув бўйидан узоқда жойлашган уйлар эса ҳовузлар билан жиҳозлангандир. Бундай уйларнинг нархи хизмат кўрсатиш турига ва хонадонда яратилган шароит ҳамда йил мавсумига қараб турли хил баҳоланади. Меҳмонхона – уйларда истиқомат қилаётган дам олувчиларга

нафақат яшаш учун бошпана балки озиқ – овқат билан ҳам таъминлашлари мумкин. Бундай фаолият турлари билан шуғулланаётган аҳоли сони кундан кун кўпайиб бормоқа.

Хумсон – Оқтош зонаси: Хумсон, Чорвоқ, Оқтош, Сойлик ва Хондайлик аҳоли пунктларини ўз ичига олади. Хумсон қишлоғи Чирчиқ дарёсининг irmoғИ бўлган Угам дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Тошкентдан 90км узоқликда. Бу жойлар тоғ манзаралари ишқибозларининг сеvimли жойидир. Гўзал ландшафти, иқлими, атофда саноат корхоналарининг йўқлиги ҳамда пойтахтга яқинлиги Хумсон ва унинг атрофини дам олуvчиларнинг сеvimли дам олиш масканига айланган.

Оқтош ҳам дам олиш ва сайёҳлар учун жуда қулайдир. У тяншаннинг энг ранг – баранг жойлариан биридир. Унинг Тошкентдан узоқлиги 60км ни ташкил этади. денгиз сатҳидан баландлиги 1100-1400м га этади. Қуюқ ўтлоқлар оқтошнинг гўзаллигига гўзаллик қўшади. Тоғ ён бағрлари чўққига қадар мевали дарахтлар, қайрағоч, чинор, грек ёнғоқи ва декоратив дарахтлар билан қопланган. Оқтош зонасининг машҳурлиги Ўзбекистон чегаралирдан ҳам ташқарига чиқади. Бу жойлар ўзининг шифобахш ҳавоси билан шахур. Оқтош ҳавоси нафас тизими калликларини даволайди ва олдини олади. Махсус ўстирилган шифобахш дарахтлар ва буталар ўсимликлар ўзига хос микроклиметни ташкил этади. Оқтошсойнинг тош билан қопланган дарахтлар, қуюқ буталар ва ўсимликлар билан қопланган жойлар бутунлай ўзлаштирилган. Кўп жойлар тапчанлар, беседкалар, гуллар билан қопланган.

Сойлик ва Хондайлик қишлоқлари Хумсон – Оқтошсой зоналарининг асосий аҳоли яшаш пунктларидир. Хондайлик қишлоғи кўп асрлик тарихга эга. Бу жойлар орқали қадимда карвонлар ўткан. Қишлоқ марказида археологик обида қад кўтарган бўлиб 60х50м, баландлиги эса 7метрни ташкил этади. Бу ерда карвон йўли тўхташ жойи бўлганлигини археологик қолдиқлар орқали билан ҳам билиб олиш мумкин.

Хумсон Оқтош зонасига Хўжакент қишлоғини ҳам киргизиш мумкин. Хўжакент қадимий аҳоли яшаш пунктларидан бўлиб у қадимий карвон

йўлида паё бўлган. Ўрта асрдаги араб йўл тўсарчилар Хожикент деб номлаганлар. Тошкентдан келган йўл Хожикентга келганда иккига ажралади. Чап томонга кетган йўл кўприк орқали човоққа, Хумсон ва сув омборининг ўнг соҳилида жойлашган Сижжак қишлоғи томон олиб келади. Тўғрига кетган йўл Чимён томон элтади. Кўприкка етмасдан энг қадимий чойхоналардан бири жойлашган. Бу жой машхурликка эга жойлардандир. Йўл устидаги қурилишлар ортида қоялар қад кўтаради. Бу қояларда археологлар қоя дўнглида 10-12метр баландликда унча катта бўлмаган ғор аниқлашган. Ғорнинг кириш қисми эни 6метр баландлиги 2,5метрни ташкил этади. бу ғор тош асрига таалуқлидир.

Илмий оламда бу ғор Хожикентнинг “пещерная стоянка” номини олган. 1960-йилда олиб борилган кўплаб қазиш ишларида қадимий одам қолдиқлари , ҳамда меҳнат қуроллари , қоя суратлари топилган, бу суратларнинг дейарли ҳаммасида тоғ эчкилари суратлари тасвири тушурилган.

Бўстонлик районининг сайёҳлик учун устунликлари фақатгина тоғликларга сайёҳат ва дам олиш учун эмас балки кўплаб таъассуротли экскурсиялар уюштириш мумкин. Районнинг территорияси орқали қадимда Тошкентдан жанобга томон йўл олган савдо қарвони йўл олган бу йўл энг қисқа йўл ҳисобланган. Бўстонликда қадимда ўтроқ ҳаёт мавжуд бўлганлиги ҳақида қадимги халқнинг сақланиб қолган кўрғонлари гувоҳлик беради. Бурчимилла қишлоғи яқинида ибтидоий одам яшаган “Обирахмон ” ғори қоя суратлари туристлар ва экскурсия аъзоларида катта қизиқиш уйғотади. Боғистонда жойлашган Умарвалий мозори зиёратчилар сони кўпайиб бормоқда.

Юқори Чирчиқнинг Янгибозор деган жойидан. Транспорт алмаштириш йўли билан ҳам Паркентга етиб олишингиз мумкин туманнинг марказий бозорида жойлашган паркент автостоянкасидан барча қишлоқларига қатнайдиغان хусусий таксийлар ва мвршуртлар кичик интервал билан доимий қатновда.

Паркент туманининг туристлар дам олиш жойлари бу-паркент бошқизилсой, кўксой ва зарентсой дарёсининг далаларидир ўтган 100 йилликнинг 60-70 йилларида туманда дам олишлар учун “Кумушкон” тур баъзаси, Сўқоқ ва Сумча дам олиш уйлари, “Бошқизилсой” дамолиш зонаси барпо этилган бўлиб Бахор, Ёз мавсумида ўз фаолият юритиш учун мосланган уларнинг умумий потенциали 400 ўринга егадир.

Бугунги кунга келиб уларнинг тамирланиши эскириб замон талабларига жавоб бермай қўйган. Хозирда бу жойларнинг дам олувчилари ўртаҳол аҳолини ташкил қилиб улар юқори хизмат кўрсатишни талаб қилмайдилар. Улар асосан тошкент ва яқин туманлардир. Олдинлари “Кумушкон” тур баъзаси тоғ туризми ишқибозлари ичида машхур эди. Тянь-шань, Чимён ва Янгиобод йўналишлари бўйлаб пиёда ёки отда уюштириладиган саёхатлар учун махсус отхоналар мавжуд эди.

2008 йилдан бошлаб туристлар оқимини жалб қилиш учун Кумушконда катта реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Шу жумладан отхонани ҳам қайта тиклаш режалаштирилган. Турбазани янгилаш унинг кечаю кундуз ишлашини таъминлайди паркент туманига дам олиш мақсадида ва пикниклар учун кириб бораётган сайёхлар кўпчиликини ташкил қилади.

Бу туманни шаҳарга яқинлиги сабаблидир Тошкентдан келадиган сайёхларни асосий дам олиш жойлари “Кумушкон” турбазаси ва паркентсойнинг қирғоқлари Сўқоқсой дараси, Бошқизилсой ва Човлисойдир. Сўқоқсой ва паркентсой атрофларида пикниклар учун шинамжойлар, тапчан ва ўчоқлар мавжуд.

Маҳаллий меъморий обидаларга саёхат уюштирувчи сайёхлик фирмалари мавжуд эмас. Бундай масулиятни тоғ иқлимини яхши билувчи уддабурон Ангрен ёшлари ўз қўлларига олишлари мумкин. Бундай йўл кўрсатувчиларни янгиоблд маҳалла фуқаролар йиғини пунктларига мурожаат этиш йўли билан топиш мумкин. Шу билан ёз мавсумида уч кунлик соғломлаштириш саёхатини уюштириш мумкин. Бу саёхат (Ангрен)

Кенгкўлсой ясси тоғидаги Арушон иссиқ менерал булоғига уюштириб, булоқнинг температураси +38с бўлиб денгиз сатҳидан 2600м баландликда жойлашган.

Оҳангароннинг сайёҳлик индустриясининг асоси “Янгиобод” турбазаси ҳисобланади. Турбаза Каттасой дарёсининг дарасида жойлашган. Турбаза 1970 йилларда қурилган. Аввал бошидан турбаза тоғ туризмини уюштириш учун мўлжалланган. Ҳозирги кунда турбаза реконструкция қилиниб, замон талабларига тўлиқ жавоб беради.

Оҳангароннинг ўнгида туризм алатоғсой ва каттасой дарёларининг дарасида айниқса ривожланган. Ёз мавсумида ҳам дарёлар тошиб оқади. Доимий сувнинг етарли оқиши микроиклимни ёзги дам олиш мавсумини ёқимли бўлишига олиб келади.

Янгиободда дам олувчилар асосан тошкентликлардир. Ёз мавсумида дам олувчи тошкентликлар 3000тадан ортади. Унча катта бўлмаган халқ эвазига бу ерда уй хона ижарасига олиш мумкин. Шаҳарда савдо ишлари йўлга қўйилган. Ангренга кундузги вақтда маншурут таксийлари серкатновдир.

Янгиободдан бир қанча тоғ маршрутлари мавжуд улардан энг машхури Янгиобод турбазаси тамон бўлган маршрутдир. Янгиобод турбазаси орқал бир неча кунли сайёҳликни уюштирин мумкин. Бу маршрут Карамзор, Билдирсой, Чимён, қишлоқлари майдонитамон ва Пўлатхон яситоғлари тамон олиб чиқади. Тоғ чанғиси учун трсса қуриш мўлжалланмоқда.

Арчасой дарасида кираверишда миробод қишлоғидан унча узоқ бўлмаган жойда, Оқлон овчилик хўжалиги бор.

Тошкентдан ва бошқа жойдан келадиган овчилар учун вагончиклар мавжуд. Ов мавсуми асосан августдан-декабргача мавсум вақтида 100-150 овчи ташриф буюради. Қушлар ва ҳайвонларни отиш махсус лицензия ва рухсатномаларни талаб қилади.

Оҳангарон тумани туризмнинг бошқа ишқибозлари учун ҳам қизиқиш уйғотадаган жойлари бор. Туманда халқ мақаддас деб санаган қадамжойлан мавжуд шулардан бири Парпи ота ва Шодмалик ота зиёратгоҳларидир. Тут

қишлоғида яна бир муқаддас қадамжой бор бу жойда одам оёқ изи бор тош мавжуд. Айтишларича бу Пайғамбарларнинг бирининг оёқ изи эмиш.

Туристларнинг яна бир севимли жойларидан бири бу Ўзбек ёзувчиси Абдулла Кодирийнинг асаридаги бошқахрамон ошиқ Отабекнинг Тошкентдан Марғилонга тамон босиб ўтган Қандирдегон дарасидир. Даранинг жозибаси нафакат раманининг авторининг балки филм постановкачиси ҳам ўзига ром эта олган. Кинокартинанинг қийматиси шу Қандирсой дарасида амалга оширилган. Бу ердан унча узок бўлмаган Қўшработ қишлоғидан катта бўлмаган булок мавжуд бўлиб унинг ёнида улут дарахт ўсган. Афсоналарга қарқанда Отабек бу ерда дам олишни яхши кўрган. Қўшработ ўз номи билан айтнанда қушлар маконидир. Бу ерда юзлаб қушлар сайроғи барча бошқа нарсалар овозини босади.

3.3. Чорвоқ сув омбори ҳудудида этнотуристик база лойиҳаси таклифи

Барчамизга маълумки, Чорвоқ сув омбори ҳудуди дам олиш учун жуда қулай жойлардан ҳисобланади. Бу ерда бугунги кунда “Пирамида” мажмуаси ёзги таътил кунларида дам олувчиларни ўзига чорлайди. Чорвоқ сув омборининг юқорироқ ҳудуди ҳисобланмиш Юсуфхона зонасида ҳам дам олиш зонасини ташкиллаштириш сайёҳларнинг бу ҳудудга ташрифини янада ошириши мумкин. Бу ерда 1 га ҳудудда меҳмонхона, спорт соғломлаштириш мажмуаси, ресторан, очиқ бассейн сув ҳавзаси, билярд мажмуаси, кичик гольф ўйнаш жойи, автотураргоҳ ва ёрдамчи бинолар лойиҳалаштирилиши, атроф-муҳит ободонлаштирилиши режалаштирилган.

Лойиҳалаштириш жараёнида Чорвоқ сув омборининг 100 м лик муҳофаза зонаси ҳудуди эътиборга олинди. Шунингдек ТошбошпланЛИТИ институтининг 25 м кенгликдаги лойиҳадаги кўчаси ҳам эътиборга олинган.

Дам олиш зонаси лойиҳаси жойлашадиган ҳудуд кескин рельефда жойлашган. Бу ердаги паст-баланд ҳудудлар мажмуанинг ҳар хил баландликда кўркам жойлашишига ёрдам беради. Асосий бино меҳмонхона биноси ҳисобланиб, у пирамида кўринишига яқин. Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида сув бўйида жойлашган замонавий “Жумейраҳ” меҳмонхонаси шаклини эслатади. Меҳмонхона 8-қаватли, 9-10-қаватлар техник қаватлар сифатида лойиҳаланган. Ер остги ярим подвал қисми ҳам 2 қаватли бўлиб, унда ошхона, омборхона, биллярд мажмуаси ва бошқалар жойлаштирилган.

Бино замонавий кўринишда лойиҳаланганлиги билан унинг атрофи миллий услуб ва шаклга эга кичик меъморий шакллар билан бойитилган. Очиқ сув ҳавзази атрофи миллий услубдаги беседкалар, ўриндиқлар, кичик ҳажмлар билан янада чирой очган. Мажмуа ҳудудидаги сунъий шаршаралар ҳудуд микроклимини яхшилашга ёрдам беради. Асосий бино тарзида

миллий безак элементлари қўлланилган бўлиб, бу миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлашувига ёрдам берган.

Сув омборига ва сунъий очик сув ҳавзасига яқин ҳудудларда қумли пляжлар кўзда тутилган бўлиб, бу сайёҳлар оқимининг ёзда ошишига ёрдам беради.

Атроф-муҳит ободонлаштирилишига ҳам катта аҳамият берилган. Ҳудуддаги мавжуд дарахтлар имкони борида сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Бўш ҳудудларга декоратив дарахтлар экилиши мўлжалланган. Шунингдек турли хил гуллар ҳудудни янада безатишга ёрдам беради.

Умуман олганда, бу каби дам олиш зоналари лойиҳалари Тошкент вилоятининг этнотуристлик имкониятларини оширишга, ҳудудда сайёҳликнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшади. Шу билан бирга Республикада туризм соҳасининг гуллаб яшнашига ёрдам беради.

Лойиҳа таклифлари, яъни бош тарҳ, тарҳ, тарз, умумий кўринишлар, лавҳалар тадқиқотнинг илова қисмида берилган.

Мингўрик шаҳар ёдгорлиги - очик осмон остидаги музей. Мингўрик шаҳри тарихи (эрамининг I-V асрлари). Ҳозирда ушбу ёдгорлик давлат ҳимоясига олинган. Музейга ташриф буюрувчиларга гид - экскурсиячи ходимлар тўлиқ маълумотларни берадилар. Тарихдан маълумки, шаҳар бир неча марта ёнғин остида қолган, аммо яна қайтадан тикланган. Ушбу қадим шаҳар вайронларида вақт ўтиши билан тепаликлар ҳосил бўлган. Бу ерлар Мингўрик шаҳри бўлиб, тарихий ҳужжатларда у (Чоч) номи билан қайд этилади.

Тошкентнинг ўтмишига саёҳат қилиш жараёнида кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Афсуски шаҳар бутунлигича сақланиб қолмаган. Саёҳатчиларни кўпроқ тепаликлар қизиқтиради. Чунки уларда кўплаб ғорларни кўриш мумкин. Ушбу ғорларда одамлар истиқомат қилганлар. У ерлар III асрга оид турар жойлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Улардаги кичик уйлар, гиламлар тўшалган хоналар ва идиш товоқ қўйилган столларни кўриш мумкин.

Саёҳатчилар учун ушбу ерлар қизиқарли ва жумбоқли туюлиши мумкин. Мингўрик шаҳар ёдгорликларига ташриф буюрган саёҳатчи кўплаб маълумотлар қаторида яна бир қизиқарлисини, қадимги турк тилида (феруза), (Чоч) маъносини англатишини билиб оладилар. Тарихчиларни фикрига кўра Мингўрик (Чоч) деб номланган бир нечта шаҳарлар иттифоқига кирган. Маълумки биринчи тангалар эрамиздан аввалги еттинчи асрда Кичик - Осиёда пайдо бўлган. Авваллари танга муомалага киритилгунича одамлар ўз маҳсулотларини бошқа маҳсулотларга айирбошлашган. Қоидага кўра, айирбошлаш учун туз ва мўйнадан фойдаланилган. Булар, ўзига хос табиий пул вазифасини ўтаган.

Биринчи тангалар олтин ва кумуш қоришмасидан иборат бўлган. Улар унчалик катта бўлмаган қуйма пластинкалар бўлиб, бир томондан кандакорланган тасвирга эга. Биринчи тангаларда тасвирга Юлий Цезар портрети туширилган.

Мингўрик шаҳар ёдгорликларида қадимги одамлар ҳайкаллари, уларнинг қуроллари: болға, пичоқ, найза кабилар топилган. Тасвирда қозон атрофида турган одамлар тасвири ифода этилган. Улар оқ кийимда тасвирланган.

Мингўрик шаҳар ёдгорлиги қадимги шаҳарлардан бўлиб, VIII - асрга қадар Ўрта Осиёни араблар босиб олгунича мавжуд бўлган. Баланд ва юксак шаҳар деворлари лойдан ясалган. У ерларда қадимги тангаларни, гўзал гиламлар ва тош ҳайкалларни кўриш мумкин. Ёғоч тўсиқлар бошқа ёдгорликлар сингари минг йиллар давомида сақланиб келган. Мингўрик шаҳри эрамизнинг биринчи асрида вужудга келган. Мингўрик зардўштийлик даври экспонатлари сақланиб қолган музей шаҳардир. Узоқ ўтмишдан сақланиб қолган ёдгорликлар бизга ўша давр одамлари тўқимачилик, заргарлик ва овчилик билан шуғулланганликлари ҳақида маълумотлар берадилар. Ўша узоқ даврдан одамлар оловдан фойдаланганликларини ҳам билиш мумкин. Ушбу музейда лойдан ясалган кичик турар жой уйларини кўриш мумкин.

Уйлар хажмидан ўша давр одамлари паст бўйли бўлганликларини кўриш мумкин. Саёҳатчиларни қадимги архитектура ёдгорликлари, цивилизация ва ўша давр маданияти ҳайратлантиради.

Зардўштиёлар кийган кийимлар, идиш товоқ ва матолари кишини ҳайратлантиради. Ёнг кизиқарлиси одамларнинг шаҳарларда истиқомат қилганлигидир. Бу шундан далолат берадики, қадим даврларда ҳам одамлар ҳозиргидек шаҳарларда яшаганлар.

Сайёҳлар олган маълумотлар улар онгида узоқ вақт давомида сақланиб қолади. Ёнг муҳим таассурот бу - қадимги кўприқдир. Сайёҳлар ушбу манзилгоҳларга қайта келиш ва янгидан янги маълумотларни олишга интиладилар. Қадимги Тошкент тарихи кўплаб архитектура топилмаларига эга. Улардан бири Мингўрик шаҳар ёдгорлигидир.

Олимлар тахминига кўра, ушбу шаҳар ёдгорлиги қадимги турк хоқонлари резиденцияси бўлган. Унинг маркази бўлиб ғишдан қурилган тарҳда ярим доира шаклидаги минорали бино ҳисобланади. Ушбу бино масжид вазифасини бажариб, унинг тепасида очиқ янтар жойлашган. Чунки Мингўрик шундай одамлар томонидан барпо этилганки, уларнинг маънавий, руҳий борлиғи олов билан изоҳланган. Улар оловга сиғинувчилар бўлганлар.

Барча архитектуравий топилмалар асл ҳолида сақланган. Музей катта бўлмаган ва биринчи қарашда содда кўринишга эга, аммо бу юзаки таассурот. Музей ҳудудига кириш билан чуқур ўтмиш дунёси аста секин очилади. Музей ҳудудида ташкил этилган лойдан ясалган уйларда дам олиб хордиқ чиқариш мумкин. Тўшалган гиламлар ва турли тўқимачилик маҳсулотлари сайёҳларни ҳайратга солади. Ҳар бир саёҳатчи меҳмон ушбу музейни ўзи учун очар экан у маълум бир вақт узоқ ўтмишда ўзини хис этади.

3-боб хулосаси

Тошкент вилояти меъморчилиги Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари сингари кўп минг йиллик тарихга эга. Буни вилоят ҳудудида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган ёдгорликларидан бемалол ўрганиш мумкин.

Шаҳарсозлик юксак даражада ривожланган. Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар маданияти анъаналари бир текисда ривожланган йирик аҳоли пунктлари ҳамда кўплаб қишлоқлар вужудга келган. Тошкент воҳаси шаҳарлари Ўрта Осиёнинг муҳим савдо йўлларидаги марказлар вазифасини ўтаган.

Тошкент вилояти санъат ва ҳунармандчиликнинг йирик марказлари билан доимий маданий алоқада бўлган турли таъсирларни ўзига сингдирилган янги ғояларни ўзлаштирган.

Тадқиқотда эски шаҳар қисмини реконструкциялашда очик осмон остида этнографик музей - кўрикхона яратиш бўйича чет давлатлар тажрибасини қўллаш таклиф этилади. Шунингдек вилоятнинг этнотуристлик имконияти анча ошади.

Тошкент вилоятининг қадимдан ҳозиргача бўлган даври тарихи археологик ва ёзма манбаларга асосланган ҳолда ёритилган.

Умумий хулоса

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёда асрлар давомида одамлар меҳнати билан обод бўлиб, неча-неча авлодлар меҳнати билан чўл-биёбонлар боғ-бўстонга айлантирилган., қум саҳроларида шаҳарлар барпо қилинган. Турли даврларда бино бўлган мухташам бинолар, иншоотлар халқ меҳнати ва донолигининг рамзи бўлиб турибди.

Агар биз узоқ ўтмишга, кекса тарихга фикран назар ташласак, ер юзида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганлигини, одамлар ўзлари ҳам қанақа ўзгарганлигини, бир хил эски мафкура ўрнига бошқаси, ёшини яшаб бўлган бир хил эски ижтимоий тузум ўрнига гуриллаб янгисини келганини тасаввур қиламиз, бунга сабаб, археологларимиз томонидан уларнинг серкашфиётлиги билан кишини ўзига жалб қиладиган ғоят мароқли касбларидир.

Маълумки, археологлар “тарих” деб аталадиган катта китобнинг янги саҳифаларини varaқма-varaқ очадилар. Республикаимизнинг шонли тарихини тарихшунос-археологлар тиклайдилар. Ўзбекистонда қадим-қадим замонлардан маданият ўчоғи бўлиб келган, унда яшаган халқлар, ҳозирги ўзбек халқлари жуда катта тарихий йўлларни босиб ўтганлар.

XX асрнинг охириги йилларида археологлар ва тарихчи олимлар Тошкент атрофидаги жойларда ғоят муҳим қазилар ишлари ўтказганлар, жумладан: бутун дунёга машҳур М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Я.Ғ.Ғломов, А.Асқаров, М.И.Филанович, М.Т.Аминжонов, В.Л.Вяткин ва бошқалар.

Ўрта Осиё тарихини ҳали яқиндагина чинакам ўрганиб чиқа бошлади десак ҳам бўлади, бунга сабаб, тарихни яхши ўрганилмаган вақтларда, буржуа олимлари Ўрта Осиёдаги давлатлар қадимги Шарқ маданиятидан ажралиб яшаган, Ўрта Осиё халқларининг ўз маданияти бўлмаган, улар тупроғидан топилган нарсаларнинг ҳаммаси четдан келтирилган, ҳеч қайсиси ўзлариники эмас, деб даъво қилар эдилар. Лекин, қазилар ва текширишлар натижасида бутунлай бошқа манзаралар рўй берган.

Археолог олимлар томонидан олиб борилган қидиришлар Ўзбекистон халқларининг маданий тараққий этганини тасдиқлайди. Бунга мисол ўзбек олимлари томонидан олиб борилган тарихни тасдиқловчи қадимги ёзувлар, буюмлар ва бошқа археологлар томонидан топилган осори-атиқалар орқали тараққиёт йўлини босиб ўтган мустақил фан бўлиб етишган археология фанидир.

Машҳур археолог олим Ю.Ф.Буряков томонидан Тошкент воҳасида олиб борилган тадқиқотларидан маълумки, археологик обидалар асосида кўп йиллик тадқиқот якунларини баён қилиниб, унда археологик материаллардан ташқари ўрта аср тарихчи ва географларининг ёзма манбаларидан, кўплаб афсоналардан ҳам кенг фойдаланилган.

Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ўрганилган маданий ёдгорликлар, асосан тупроқ қатламларини жуда эҳтиёткорлик билан кетма-кет олиб ташлаш орқали аниқланган. Қазил ишлари натижасида маданий қатламлари бир неча аср, ҳатто минг йиллар давомида ташкил топган одамларнинг уй-жой қуриш учун ишлатган қурилиш ашёларига ҳам боғлиқ бўлган.

Ўзбекистонда асосий қурилиш ашёлари лой (пахса, ҳом ғишт) бўлганлигидан маданий қатламнинг қалинлиги бир неча метр, ҳатто 30-40 метргача қалинликда бўлган. Магистрант кўрган ва олиб борган кузатувлар натижасида Шохрухия (объекти)да қадим замонда бирон фалокат юз берганлиги сабабли бўлса керак, тўсатдан кишилар яшаш ҳаёти, шаҳар тепалигини ҳаробага айланган.

Муаллиф магистрлик диссертация иши устида изланишлар олиб боришаётганларида маданият, архитектура ва санъат ёдгорликларига катта эътибор беришди.

Маълумки, Ўзбекистонда ўзбек халқининг маданий меросини сақлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Мустақиллик йилларида давлат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликларини сақлаш Бош Бошқармасининг ҳаракати билан жуда кўп ажойиб архитектура ва тарихий-

маданий ёдгорликлари қайта тикланиб, тамомила ҳароб бўлиб кетишидан сақлаб қолинмоқда.

Бевосита қадимий шаҳарларда махсус қайта тиклаш муассасалари ва устахоналарининг ташкил қилиниши шу тарихий шаҳарларни ривожлантириш Бош режаларини тарихий ва архитектура ёдгорликларини сақлаш, уларни келажак авлодга кўрсатиш ҳамда улардан шаҳар архитектурасида фойдаланиш муаммолари билан боғлаб олиб боришга имкон беради.

Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш уларни асл ҳолатига келтириш ишларини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан чиқарилган бир қанча қонун ва Низомлар қабул қилинган. Охирги йилларда чиқарилган қарорлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги маданий ва археология ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш ишларини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихи халқимизга Ўзбекистоннинг ғоят улуғ олим ва мутафаккирлари, тарихчилари ва географлари ҳамда сайёҳлардан мерос қолган кўпдан-кўп қўл ёзмалар асосида тикланди ва тикланмоқда. Ўзбек халқи тарихини саҳифама-саҳифа очишга олимлар ёрдам бермоқда, улар моддий маданият ёдгорликларига қараб, ҳали ёзуви бўлмаган замонлар тарихини ҳам тиклаб беришмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 129 бет.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997.
3. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 том. Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2007 й.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент., "Маънавият" 2008.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент., "Маънавият" 2008.
6. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент., 2006.
7. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XIV-XVIII вв. Писменные памятники. Ташкент., "Фан".
8. Ахмедов М. Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Тошкент.: Ўзбекистон, 1995.
9. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов. № 533. Т. 1977.
10. Бартольд В. В. Соч. Т., 8, М., 1973.
11. Бакирхонов Ф.Ф. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси-шаҳарсозликни ривожлантиришнинг қонуний асосидир. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши, № 1, 2002.
12. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. М. 1951.
13. Жуков В. Д. Остатки монументального сооружения XIV в. Т., 1949.
14. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. М., 1928.
15. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент., "Юлдузча", 1989.
16. Зияев А.А. Ташкент. 1-3 части. 2009.

17. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Тошкент 1996.
18. Кадырова Т.Ф. Историко-теоретическое исследование проблем архитектуры Узбекистана (XX - начало XXI вв). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. докт. архит.-Ташкент. 2008.
19. Кадырова Т.Ф. "Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-нач. XXIвв.(традиции и современность)", Тошкент. 2007.
20. Қодирова Т. Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги. Тошкент "ЎАЖБНТ" Маркази - 2004.
21. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилиги. Ўқув қўлланма. Тошкент., 1995.
22. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. Москва, Стройиздат, 1987. 319 с.
23. Латипов Д.В. Проблемы развития градостроительства Республики Узбекистан в условиях формирования рыночных отношений. Архитектура и строительство Узбекистана, № 2-3, 2000.
24. Манковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-нач. XX в.) Т., 1980.
25. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996.
26. Нозилов Д. А. Архитектура горных районов Узбекистана. Тошкент "Фан" 1984.
27. Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. Тошкент, 1982.
28. Пўлатов Х. Ш. архитектурно-планировочная структура традиционного жилища Ташкента (конец XIX-нач.XXв.)Ташкент 1994.Автореферат диссертации на соискание учёной степени канд. Архитектуры.
29. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. М. 1966.
30. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты. Ташкент.: 1976.
31. Пугаченкова Г.А. Шедевры средней Азии. Ташкент., Издательство литературы и искусства имени Гафур Гуляма. 1986.

32. Ртвеладзе Э, Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. Ташкент, "Узбекистон" 1986.
33. Салимов А.М. Комплексная дипломная работа по реконструкции городища "Шахрухия" Ташкентской области. Журнал.САУ. №6.2015.
33. Уралов А., Нозилов Д., Тўракулов Ш. Қишлоқ уйлари. Тошкент, "Меҳнат" нашриёти 1988.
34. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1997.
35. Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистоннинг Архитектура мероси. Тошкент, 1960.
36. Цой В.А., Аширов С.А. Западный Тянь-шань: путешествие к истокам (справочник-путеводитель). Ташкент, «Талкин», 2008.
37. Розыходжаев А. От Чаткала до Чиназа. Справочник-путеводитель по Ташкентской области. Ташкент, 2008.
38. Зияев А.А. Шахрухия /Шаркия, Бенакет/ в древности и средневековье. Ташкент, 2015.
39. Зияев А.А. Шохрухия /Шаркия, Бинокет/ қадимда ва ўрта асрларда. Тошкент, 2015.
40. Зияев А.А. Янгиюль (Ниязбаш, Каунчи-тепа, Нишбаш-тепа) в прошлом и настоящем. Ташкент, 2015.
41. Зияев А.А. Зангиота зиёратгоҳ-ёдгорлик мажмуаси. Тошкент, 2015.
42. Зияев А.А. Зангиата культово-мемориальный комплекс. Ташкент, 2015.